

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

ТАРИХИЙ ЛЕКСИКОГРАФИЯ

*5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (мумтоз тиллар
бўйича) йўналишининг талабалари учун ўқув қўлланма*

Тошкент – 2013

Қосимжон Содиқов. Тарихий лексикография. —Т.: ТошДШИ,
2013. 88 б.

Ушбу қўлланмада ўзбек луғатшунослиги тарихи, унинг юзага келиши ва тарихий босқичлари, ўтмишда яратилган луғатлар ҳамда уларда сўзларнинг берилиш принциплари тўғрисида маълумот берилади.

Қўлланма филолог талабалар ва луғатчилик тарихига қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

*филология фанлари доктори, профессор Х. Дадабоев
филология фанлари номзоди, доцент Қ. Омонов*

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2013 йил 19 апрелдаги 128- сонли буйруғига асосан
нашр этилган (рўйхатга олиш рақами 128-093)*

СЎЗ БОШИ

“Тарихий лексикография” Тошкент давлат Шарқшунослик институти мумтоз филология бўлимида ўқитилаётган лингвистик фанлар – “Ўзбек тили тарихи”, шунингдек, араб ва форс тилларининг бир тармоғи бўлмиш лексикография тарихига бағишланади. Шарқ филологияси тарихида лексикография (яъни луғат тузиш билими, луғатшунослик) ниҳоятда гуркираб ўсган, кези келганда бу соҳа тилшунослик билимларининг даражасини ҳам белгилаб турган. Луғатчилик тарихини яхши билмаган мутахассис келгусида қўлёзмалар билан ишлаганда қийналиб қолади. Шунинг учун ҳам ўқув режасига ана шу фан киритилган.

Ушбу қўлланмани ёзишда мумтоз филология бўлими талабаларига уч тил – араб, форс ва ўзбек тили тарихи кенг ўргатилиши инобатга олинди. Шундан келиб чиқиб, қўлланмада араб тилшунослигига хос тушунчалар, атамалардан ҳам кенг фойдаланилди.

Талабалар учун қулайлик туғдириш мақсадида фан материали мавзуларга бўлиб берилди. Фан маъруза ва амалий дарсларга бўлиб ўқитилади. Амалий дарслар, имкон қадар, семинар шаклида ўтказилгани маъқул.

Қўлланма охирида ўқитувчи ва талабалар учун фаннинг ўқув дастури ҳам келтирилди.

БИРИНЧИ МАВЗУ

“КИРИШ”

Таянч тушунчалар: *ўзбек тилишунослиги тарихи; лексикология, лексикография, тарихий лексикография; луғат, тарихий луғатлар, луғатчилик анъаналари.*

Дарсни олиб бориш йўллари: маъруза, савол-жавоб. Маъруза баён, таҳлил усулида олиб борилади.

Дарсдан кўзланган мақсад ва вазифалар: *талабаларга фанининг мақсади ҳамда вазифаси; луғатчилик тарихи, унинг юзага келиши ва тарихий тараққиёти тўғрисида ялпи билим бериш.*

Кўрсатма ва тарқатма материаллар: луғатчилик тарихи акс этган чизмалар; топшириқлар варақаси; турли жадваллар.

Дарсда қўллаш мумкин бўлган техник ускуналар: *компьютер, расми деворга туширувчи мослама, катта бичимли телеэкран, турли дисклар.*

Эътибор қаратиладиган масалалар:

- “Тарихий лексикография” фанининг ўрганиш кўлами, мақсад ва вазифалари.
- Туркий тилшуносликнинг юзага келиши ва унинг тарихий босқичлари
- Тилшунослик тарихида луғат тузиш анъанасининг юзага келиши.
- Энг қадимги даврларда яратилган луғатлар ва улардан қолган узиндилар.
- Ўтмиш луғатчилигининг муҳим белгилари.

Лексикология – тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, тилнинг луғат таркибини, сўз бойлиги, сўзларнинг маъносини ўрганади. Лексикология ўз ичида *семантика, семасеология, этимология, лексикография* бўлимларига бўлинади. Булардан *семантика, семасеология* – сўзнинг луғавий маъносини, *этимология* – сўзларнинг келиб чиқишини, *лексикография* эса сўзларни кодлаштириш, рўйхатга олиш, тил бўйича тузилган луғатлар ва луғат тузиш принципларини ўрганувчи фандир.

Луғатлар замон нуқтаи назаридан иккига – тарихий ва замонавий луғатларга бўлинади. “Тарихий лексикография” фани ўзбек тилшунослиги тарихида луғатчилик анъанасининг шаклланиши ва унинг тарихий тараққиёти, ўтмишдаги луғатларнинг турлари, уларнинг тузилиш принциплари, луғатларда сўзларнинг изоҳланиш йўллари, шунингдек, тил тарихида сўз ва унинг маъносига муносабат, сўз маъноларининг талқини, тарихий грамматик асарларда лексикологияга тегишли билимларнинг берилиши сингари лингвистик масалаларни қамрайди.

Шарқда луғат тузиш анъанаси жуда эски замонларга бориб тақалади (*қаранг:* Sodiqov 2009,69–78). Бу анъана юзйилликлар оша давом этиб, илмий жиҳатдан такомиллашиб келган. Ҳар қайси замоннинг ўзига яраша луғат тузиш принциплари, луғатларда сўзларни ва уларга тегишли қонун-қоидаларни бериш усул ва йўллари амал қилган.

Аҳамиятли ери шундаки, ўтмишда яратилган луғатлар ҳозиргилардан анча фарқ қилади. Улар ёлғиз сўзликнинг ўзидан иборат эмас, уларда грамматик қоидалар аралаш берилади. Масалан, луғатдан жой олган муайян гуруҳ сўзлардан кейин уларнинг грамматик қоидалари, кўп ўринда эса сўзнинг талаффузи ёки морфем тузилишини бериш мақсадида унга тегишли фонетик ва морфологик қоидалар келтирилади. Яна бир жиҳати, ўтмишда яратилган грамматик асрларнинг кўпида биринчи бўлими луғат бўлса, кейинги бўлимлар грамматик қоидаларга бағишланган.

Энг эски давр тилшунослиги давридан (бу VI–X юзйилликларни қамрайди) тилшуносликка бағишланган махсус асарлар, луғатлар тўлиғича етиб келган эмас. Шунга қарамай, исломдан аввалги даврларда қадимги туркий ёзувларда битилган грамматик асарлар ҳамда луғатларнинг узиндилари сақланиб қолган. Ушбу узиндилар ўша замонларда тилшунослик фани, хусусан, луғат тузиш анъанаси юзага келганидан дарак беради.

Ўтмишда луғатшунослик тилшуносликнинг муҳим бир қисми сифатида қаралган. XVI юзйилликда яратилган “Аттуҳфа” асарининг муаллифи машҳур тилшунос Абу Ҳайян сўзларига ишора этиб, луғатшунослик тўғрисида аниқ маълумот берган эди. У асарнинг кириш қисмида ёзади: “Андалисли улуғ шайх аллома, тангри ёрлақағур, Шарафиддин Абу Ҳайян Маҳмуд бин Юсуф бин Али бин

Ҳайян туркий тиллар хусусида ёзган китобида шундай ёзган: Ҳар бир тилни билиш уч нарсани ўзлаштириш билан ҳосил қилинади. Биринчиси: ҳар бир сўз маъносини ўзлаштириб олиш. Бу қисм *лугатишунослик* деб аталади. Иккинчиси: сўзларнинг айрим-айрим ҳолдаги хусусиятларини ўрганиш. Бу қисм *илми сарф* деб юритилади. Учинчиси: сўзнинг бир-бирига боғланишига доир хусусиятларини ўрганиш. Бу қисм арабча *илми наҳв* дейилади” (AZFT,9–10).

Буддизм даврига тегишли хитойча-туркий луғат

Уйғур олими Қурбон Валининг ёзишича (Qurban Vali 1986, 10–16), қадимги Турфон харобаларидан буддизм даврида яратилган хитойча-туркий луғат парчаси топилган. Луғат ниҳоятда пароканда бўлиб, ҳозир ундан ўн бир варақ узинди қолган, холос. Борларининг ҳам теваараги титилиб, матннинг кўп ери узилиб тушган; жумлалари ҳам узук-юлуқ. Ушбу луғат узиндилари Синжон автоном район музейида сақланмоқда (1326- сонли қўлёзма).

Хитойча-туркий луғатнинг ёзилган даври аниқ эмас. Муҳими шундаки, луғат узиндилари билан бирга тибетча асар ҳам топилган. Ўшанга таяниб, хитойча-туркий луғатни ҳам IX юзйилликда яратилган, дейиш мумкин. Луғатда берилган сўзлар эса унинг буддизм муҳотида яратилганидан далолат беради.

Матн уйғур ҳарфлари билан қора сиёҳда битилган. Қатор ораларида хитойча сўзлари бор. Хитойча сўз билан ёнидаги туркий сўзнинг маъноси уйғун келади. Масалан, уйғур хатида *fa* ёзилиб, ёнида хитойча шакли берилган. Хитойчадан кейин *nam* сўзи ёзилган. Бу ўринда *fa* – хитойча будда атамаси бўлиб, у санскритчада *dharma* дейилади. Маъноси “ақида” дегани. Хитойчанинг кетинидаги *nam* эса, санскритчадан ўзлашган бўлиб, “салом бериш; таъзим қилиш; ҳурмат билдириш” маъноларида келади.

Ёки: *fu* – хитойчада будда илоҳининг оти. Бу сўз санскритча *budha* (маъноси “оқил; авлиё”) сўзининг хитойча кўринишидир. Хитойлар уни дастлаб *futu* деб атаган, кейинчалик у қисқариб кетган. Туркийда бу сўз *täŋri* ни билдиради, хитойча асарларни таржима қилганда эса бу атама *fu täŋri* деб ҳам ишлатилган.

Ёки луғатда *tapīg* сўзи ҳам берилади, бу “ибодат; сиғиниш” маъносини билдиради. Шунингдек, луғатда ёрдамчи сўз туркумлари ҳам келтирилган.

Маълумки, қадимда будда асарлари туркийга санскрит, тоҳар, хитой тилларидан таржима қилинган. Хитойчадан ўгирилган асарлар Турфон, Қумул ерларидан топилган. Буддизм даврида хитой тилига эътибор юқори эди. Турклар хитой тилидан будда асарларини таржима қилиш учун хитой тили грамматикасини чуқур ўрганган, хитойча луғатлар тузишга эътибор қаратганлар. Ушбу луғат ҳам ана шу мақсадда яратилган, дейилса тўғри бўлади.

Уй иши:

Ўтмишда туркий тиллар бўйича тузилган илмий асарларни ўрганиб чиқинг. Илмий адабиётлар билан танишиб, келгуси дарслар учун материал йиғинг.

Талабаларнинг билимини текшириш учун сўроқ ва топшириқлар:

1. *“Тарихий лексикография” фанининг мақсад ва вазифаларини сўзлаб беринг.*
2. *Фаннинг ўрганиш доирасига нималар киради?*
3. *Фанни ўрганишда қандай манбаларга таянамиз?*
4. *Лексикография тарихини ўрганишнинг метод ва усулларини сўзлаб беринг.*
5. *Туркий тилишунослик тарихида луғат тузиш анъанасининг шаклланиши ва тарихий тараққиётини сўзлаб беринг.*
6. *Ўзбек тилишунослиги, хусусан, луғатчилик тарихини неча босқичга бўлиб ўрганамиз?*
7. *Илк ўрта асрларда туркий тил бўйича тузилган луғатлар, грамматик асарларнинг узиндилари тўғрисида маълумот беринг.*

ИККИНЧИ МАВЗУ

“МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ “ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК” АСАРИ”

Таянч тушунчалар: *изоҳли луғат.*

Дарсни олиб бориш йўллари: маъруза, савол-жавоб. Маъруза баён, таҳлил усулида олиб борилади.

Дарсдан кўзланган мақсад ва вазифалар: *Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асари, унинг тилишунослик тарихидаги ўрни, асарнинг тузилиш принциплари тўғрисида билим бериш.*

Кўрсатма ва тарқатма материаллар: асарнинг Тошкент ва Урумчи нашрлари; топшириқ берилган варақлар; турли жадваллар.

Дарсда қўллаш мумкин бўлган техник ускуналар: *компьютер, расми деворга туширувчи мослама, катта бичимли телеэкран, турли дисклар.*

Эътибор қаратиладиган масалалар:

- Луғатчилик тарихида Маҳмуд Кошғарийнинг тутган ўрни.
- Араб тилшунослиги метод ва усуллари асосида туркий тилларни ўрганиш анъанасининг юзага келиши ва бунда Маҳмуд Кошғарийнинг хизматлари.
- “Девону луғатит турк” асари ва унинг тузилиши.
- “Девону луғатит турк”да сўзларни изоҳлаш принциплари.
- Грамматик қоидалар ва уларнинг берилиши.

Маҳмуд Кошғарий(Маҳмуд ибн ал-Хусайин ибн Маҳаммад ал-Кошғарий)нинг “Девону луғатит турк” (“Туркий сўзлар девони”) асари араб тилида араб лингвистик мактаби қоидалари асосида туркий тилни ўрганиш бўйича яратилган энг эски луғат ва грамматика китобидир. Асар ҳижрий 469 йили (мелодий 1076/1077 йилда) ёзиб тугалланган. Олимларнинг “Девону луғатит турк” Бағдодда ёзилган деган тахмини бор. Эҳтимол у Туркистоннинг йирик маданий-илмий марказларидан бирида яратилгандир. Нима бўлганда ҳам, асар арабларни, араб тилини биладиган шарқ халқларини ва ундан ўтиб европа илмий жамоатчилигини туркий тил билан танитиш мақсадида яратилган.

Араб тилида *luġa* (кўплиги: *luġāt*) бир неча маънода ишлатилади: “тил, шева”; “сўз”; “сўз шакли”. Шундан келиб чиққан ҳолда, асар таржималарида унинг оти “Туркий тиллар девони”, “Туркий тиллар луғати”, “Туркий сўзлар девони” деб берилган. Бу ўринда *divān* – “тўплам” маъносида. Шарқ адабиётида бирор ижодкорнинг муайян тартибда тизиб чиқилган шеърлари *divān* аталган. Сарлавҳадаги *luġāt* ни “сўз, калом”нинг кўплиги, *luġāt at-turk* бирикмасини эса “туркий сўзлар” деб англанили маъқул. Асарнинг *divān* дейилуви сабаб, унда сўзларнинг араб лексикографияси қоидалари теграсида, муайян кетма-кетликда тизиб чиқилганлиги кўзда тутилган. Ана шуларга таянган ҳолда “Девону луғатит турк” ни “Туркий сўзлар [ёки турк сўзлари] девони” дея талқин этилса, тўғри бўлади.

Кунимизгача “Девону луғатит турк”нинг битта қўлёзмаси сақланган. У ҳижрий 664 (мелодий 1266 йилда) котиб Муҳаммад ибн Абубакр ибн Абдулфатҳ ас-Савий ад-Дамашкий кўчирган. Унинг ёзишича, мазкур қўлёзма Маҳмуд Кошғарийнинг ўз қўли билан битилган нусхасидан кўчирилган. Қўлёзма китоб 319 ва-рак. У ҳозир Истанбулдаги Миллат кутубхонасининг Али Амирий фондида 4189 рақами остида сақланмоқда.

Туркшуносликда “Девону луғатит турк” кенг ўрганилган (Худойбердиев 2011). Асар бир қанча тилга таржима қилинган. Ҳозирги чоғда унинг туркча, ўзбекча, уйғурча, инглизча, русчага ўгирилган нашрлари бор. Таржималари ва ҳозирги замон нашрлари орасида илмийлиги бўйича тўрттаси алоҳида ажралиб туради:

Булардан биринчиси – 1960–1963 йилларда уч жилдда чоп этирилган Тошкент нашри. Уни ўзбек олими С. Муталлибов нашрга тайёрлаган (қаранг: МК.І–ІІІ).

Иккинчиси – 1981–1984 йилларда уйғур олимлари уч жилдда чиқарган Урумчи нашридир (қаранг: МКУрумчи.І–ІІ).

Учинчиси – 1982–1985 йилларда Харвард университети томонидан Р. Данков ва Ж. Келли биргаликда уч жилдда чоп этирган инглизча нашри (қаранг: МКН.І–ІІІ).

Тўртинчиси – асарнинг Москвада чоп этирилган русча нашридир. Уни ўзбек олими А. Рустамов араб тилидан таржима қилган, китоб И.В. Кормушин таҳрири остида чиққан (қаранг: МК Москва).

Туркияда асарнинг факсимиль наشري ҳам чиққан (*қаранг: МК.facsimile*). Асар нашрлари ичида илмий жиҳатдан энг аҳамиятлиси асл нусханинг ана шу фото-факсимилидир.

Асар араб тилида ёзилган. Туркий сўзларнинг маъноси, ушбу сўзларнинг маъносини очиқлаш учун келтирилган мисоллар араб тилида изоҳланади.

Маҳмуд Кошғарийнинг туркий тил грамматикасига бағишланган бошқа бир асари ҳам бўлган. Чунончи, олим “Девону луғатит турк”нинг кириш бўлимида китобда зикр этилмаган грамматик қоидалар тўғрисида сўз юритиб: “Бирлик, кўплик, ошириш, чоғиштириш, кичрайтиш, келишиклар масаласи ва бошқалар ҳам зикр қилинмади. Чунки биз буларни “Китоб жавоҳир аннаҳв фи-луғат ат-турк” (“Туркий тилларнинг наҳвига оид гавҳарлар китоби”) исмли асаримизда бердик. Наҳвга оид қоидалар у асардан қаралиши керак”, – деб ёзади (МК.I.62). Бироқ унинг бу китоби сақланган эмас.

Тилшунослик тарихида туркий тилларни ўрганиш ва ўқитиш методологиясининг шаклланишида шарқ, хусусан, араб тилшунослигининг таъсири катта бўлган. Туркий тиллар салкам тўққиз аср араб тилшунослиги методологияси асосида тадқиқ этилган ва таълим соҳасига тадбиқ этилган. Ушбу методологияни туркшуносликда биринчилардан бўлиб улуғ олим, буюк тилшунос Маҳмуд Кошғарий ишлаб чиқди. У туркий тилларни ўрганишга араб тилшунослигининг тадқиқ усуллари қўллади, шу асосда туркшуносликда янги бир методологияни яратди, ислом даври турк тилшунослигига асос солди. Муҳими, олим араб тилшунослигининг метод ва усуллари ўз тилига қўллабгина қолмай, туркий тилнинг қонуниятларига суянган ҳолда, уни янги усуллар билан бойитди, шу иши билан тилшунослик тарихида улкан кашфиётлар қилди.

Маҳмуд Кошғарий туркий тилни иккига – барча туркий қавмлар учун тушунарли, ёзув анъанасига эга бўлган *ёзма адабий тил*, иккинчиси – *туркий шевалар тили*га ажратади. Ёзма адабий тилни “хоқония тили; хоқоний туркчаси” ёки “турк тили” деб, шевалар тилини эса уларнинг ўз оти билан атайди. У ёзади: “*qay, yabaqu, tatar, basmīl* қабилаларининг ҳар бирининг тили ўзига хосдир. Шу билан бирга, улар туркчани ҳам яхши биладилар. Сўнгра *qırqız, qıpçaq, oğuz, tuxsī, yağma, čigil, iğraq, čaruq* тиллари фақат туркчадир. *Yämäk* ва *başğirt* тиллари буларга яқиндир. Рум-

гача чўзилган *bulğar, suwar, päčänäk* лар тили бир хил сўзларнинг охири қисқартирилган бир туркчадир” (МК.І.66). Юқорида муаллиф қай, ябаку, татар, басмилларнинг тили тўғрисида сўз юритиб, “улар туркчани ҳам яхши биладилар” деганида, улар учун ягона адабий тил амал қилганини англаш мумкин.

Адабий тилни “тиллернинг энг тўғриси, яхшиси”, “энг очик ва равон тил” дея таърифлайди. У шундай ёзади: “Тилларнинг енгили ўғузча, энг тўғриси, яхшиси *yağma, tuxsı* кабиларнинг тили ва, шунингдек, *İlä, Ertiş, Yamar, Etil* водийларидан уйғур шаҳарларигача бўлган жойларда яшовчилар тилидир. Буларнинг ичида энг очик ва равон тил – хоқония (хоқонликлар) ўлкасида яшовчиларнинг тилидир. ... (Қашқарда) шаҳар ўртасида турувчилар хоқоний туркчасида сўзлайдилар” (МК.І.66).

Луғатда муаллиф ёзма адабий тилда (яъни “турк тили”да ёки “хоқоний туркчаси”да) қўлланадиган сўзларни асосга олган. Унинг шевалардаги талаффузи ёки бошқа бирор сўз билан берилишини ана шу бош сўзга қиёслаб боради. Шу жиҳатдан асар фақат адабий тилни эмас, қадимги турк шеваларини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маҳмуд Кошғарий туркшуносликда биринчи бор қадимги турк лаҳжаларини классификация қилиб, турк тилшунослигининг муҳим назарий масалаларини ёритиб берди.

Яна бир муҳим белгиси: одатда, ҳозирги луғатларда феълларни келтирганда, улар инфинитив кўринишида берилади: *бормоқ, танимоқ, билмоқ, ишламоқ* сингари. Ёзма ёдгорликлар тили бўйича тузилган “Древнетюркский словарь” ёки бошқа илмий луғатларда феъллар бош шаклида берилади ва феъллигини англашиш учун кетига чизикча қўйилади: *kel-, başla-, işlä-* сингари. Лекин Маҳмуд Кошғарий, қолаверса, бошқа луғатчилар ҳам, феълларни ўтган замон шаклида келтирган: *ačdī, aqdī, učdī, utti, ezdi, esdi, ekdi, indi* сингари. Бироқ, уларни келтирганда феъл ўзатининг неча ҳарфли экани кўзда тутилади. Масалан, *aqdī, esdi* феъллари икки ҳарфлилар сирасида келтирилади, сабаби бу сўзларнинг ўзаги икки ҳарфлидир (*aq-, es-*).

“Девону луғатит турк” икки – муқаддима ва луғат бўлимларидан тузилган. Муқаддимада китобнинг ёзилиш сабаби, унинг тузилиши; турклар қўллайдиган ёзув; отларнинг ясалиши; феълларнинг тусланиши; сўз таркиби (морфем тузилиши); китобда эътибор қаратилган грамматик қоидалар; турк табақаларининг

таърифи ва уларнинг ерлашув ўрни; турк лаҳжаларидаги фарқлар хусусида сўз юритилади. Туркий қавмларнинг ерлашуви тўғрисида маълумот берилган ўринда унга қўшимча ҳолда Ер юзи харитаси ҳам келтирилган (у ҳам араб тилида). Хаританинг девон ичида келтирилган маълумотлар билан уйғунлиги уни ҳам китоб муаллифининг ўзи тузган деган фикрга олиб келади.

Луғат саккиз бўлимдан иборат:

1. Ҳамзали сўзлар, яъни “алиф” билан бошланадиган сўзлар бўлими.
2. Солим, яъни “алиф”, “вав”, “йа” ҳарфлари бўлмаган сўзлар бўлими.
3. Музоаф, яъни ундошлари иккиланадиган сўзлар бўлими.
4. Мисол, яъни таркибида “алиф”, “вав”, “йа” бўлган сўзлар бўлими.
5. Завату-с-саласа (уч ҳарфли сўзлар), яъни “алиф”, “вав”, “йа” ҳарфлари қисқа унли сифатида ўқиладиган сўзлар бўлими.
6. Завату-л-арбаъа (тўрт ҳарфли сўзлар), яъни “алиф”, “вав”, “йа” қисқа талаффуз қилинадиган сўзлар бўлими.
7. Ғунналилар, яъни таркибида бурун (думоғ) товушлари келган сўзлар бўлими.
8. Ал-жамъ байнас-сакинайи, яъни ҳаракатсиз икки ундошли сўзлар бўлими.

Ҳар бир боб исм ва феъллардан иборат икки қисмга ажратилган. Отлар олдин, феъллар эса кейин ўз сирасига қараб бобларга ажратилиб, олдинма-кетин берилади.

Сўзларнинг берилиш кетма-кетлиги ҳам араб луғатчилиги ишлаб чиққан принципларга таянади: олдин икки ҳарфлилар, сўнг уч, тўрт, беш, сўнг олти ҳарфли сўзлар келади.

Ўртаси сукукли ва ўртаси ҳаракатли сўзлар ҳам ажратиб берилади.

Олдига ҳамза ва шунга ўхшаш ҳарфлар орттирилган сўзлар; кейин биринчи ва иккинчи ҳарфлари орасига ҳарф орттирилган сўзлар; сўнг учинчи ҳарфидан кейин ҳарф орттирилган сўзлар берилади.

Бундан ташқари, бу сўзларнинг бош ва охириги товушлари кўзда тутилади. Қоидага кўра, луғат кейинги ҳарфи ب ли сўзлардан бошланади (*äp* (таъкид ва кучайтирув юкламаси), *ab* (йўқ, эмас) сингари), сўнг бошқа ҳарфли сўзларга кўчилади (*at*, *et*, *ot* (ўт, ўлан), *йй*, *er* сингари).

Яна ҳар бир бўлимдан сўнг ўша бўлимнинг грамматик қоидаси келтирилади.

Муаллиф тушунилиши осон бўлиши учун муаллиф арабча истилоҳ(термин)ларни қўллаган.

Луғатга ўша замондаги туркий тилнинг деярли барча соҳаларига тегишли соф туркий сўзлар жамланган (айтганча, китобнинг кириш қисмида унга асл туркий сўзлар жамланганини муаллифнинг ўзи ҳам таъкидлайди). Китобда истеъмолдан чиққан сўзлар берилмаган, фақат истеъмолдаги сўзларгина берилган. Луғатда сўзларнинг берилиши ўзига хос: аввал туркий сўз, сўнг унинг арабча таржимаси келтирилади. Изоҳланганда эса унинг фонетик вариантлари, шева сўзи бўлса, қандай шевада учраши қайд этилади.

Агар луғатда келтирилган туркий сўзга араб тилида тенг келадигани бўлмаса, яъни у туркларнинг тириклик тарзи, дунёқарashi, маданияти, этнографиясигагина тегишли тушунчани англатса, ундай ҳолда ушбу сўз кенгрок шаклда баён этилади. Янада муҳими, туркча сўзнинг маъносини очиш учун ўша сўз қатнашган туркий жумлалар, мақоллар, халқ қўшиқлари, достонлардан олинган тўртликлар, ушбу тушунча билан боғлиқ этнографик маросимлар, қарашлар билан изоҳланади. Шунга кўра, “Девону луғатит турк” тилшунослик асаригина эмас, қадимги турк фольклори, этнография, тарих, маданиятшунослик ва шунинг сингари ўнлаб қадимий фанлар учун ҳам бой материал беради.

Масалан, *im* (белги, яширин сўз) сўзига изоҳ берар экан, шундай ёзади:

“*im* – шох аскарларига қўйилган (тайинланган) яширин белги, пароль; бу белги куш ёки курол номи ёки бирор сўздан иборат бўлиши мумкин; тўқнашганда уни айтиб ўзларини танитадилар; мақолда шундай келган: *im bilsä er ölmäs*. – Им билса, эр ўлмас (Киши яширин белгини билса, ноҳақ ўлмайди)” (МК.I.74).

Ёки *alp* (алп, паҳлавон) сўзининг маъноси луғатда шундай изоҳланган:

“*alp* – ботир, қаҳрамон: *alp yağida, alçaq çağida* – “Ботир ёв билан тўқнашганда, ювош киши – тиришишда синалади” мақолидаги каби. Бу сўз қуйидаги парчада ҳам келган:

*Alp er Toḡa öldimü,
Esiz aẓun qaldimü,*

*Ödläk öčin aldïmu,
Emdi yüräk yirtïlur. –*

Алп Эр Тўнга (Афрасиёб) ўлдими?
Эсиз дунё қолдими?
Дунё ундан ўчини олдими?
Энди юрак унинг учун қайғу чекмоқда” (МК.I.77).
Яна мисоллар:

“*ög* – ақл ва зийраклик. Шунинг учун ёши улуг ва ақллиларга *ögä* лақаби берилади. Бу сўз ўрта ёшга етиб улғайган ҳар бир ҳайвонга нисбатан ҳам ишлатилади; шунингдек, тўрт ёшдан ошган отларга *ög at* дейдилар” (МК.I.82).

“*quš* – қуш. Жамликни билдирадиган турдош от. Кейин буларни бир-биридан фарқлашда айрим сўзлар қўшилади: *örün quš* – оқ лочин; *qara quš* – бургут; *tewäy quš* – туяқуш; *yun quš* – товус; *el quš* – илқуш, қирғий.

Сўнгра Муштарий юлдузига ҳам *qaraqush* дейилади. *Qaraqush tuğdı* – Муштарий юлдузи чикди, демакдир; у тонг чоғида чиқади. Ўғузлар туя оёқларининг учига ҳам *qaraqush* дейдилар; *qiz quš* – тукининг ранги *abi bäräkiš* рангига ўхшаш бўлган бир қуш, яъни қизил тўш қуш” (МК.I.319).

“*temür* – темир: *kök temür kerü turmas* – кўк темир бекор турмайди, етган жойини яралайди. Бунинг бошқа бир маъноси ҳам бор. Қирғиз, ябақу, қипчоқ ва бошқалар бирор кишига қасам ичирганда ёки ундан бирор нарсага ваъда олганда, қилични унинг олдига кўндаланг қўйиб: *kök kirsun, qizil cïqsun* дейдилар, яъни “ваъда бузилса, бу кўк кирсин, қизил чиқсин, яъни қонга беланиб чиқсин. Бу аҳд бузилса, темир сени ўлдирсин, ўч олсин” демакдир. Чунки улар темирни ҳурмат қиладилар” (МК.I.342).

Маҳмуд Кошғарий ўз давридаги диалектларнинг лексик хусусиятларини ҳам тўлиқ кўрсатиб берган. Муаллиф сўзларни изоҳлар экан, ўрни билан уларнинг қайси бир диалектга мансуб эканлиги, диалектлардаги ўзига хос маъно хусусиятлари ва бошқа муҳим томонлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Бу эса ана шу сўзнинг диалектал характерини очиб беради. Шу ўринда Маҳмуд Кошғарий томонидан маълум бир диалектга мансуб деб изоҳланган сўзлардан келтирамиз:

Ўғузлар қўллайдиган сўзлар: *aşaq* “тубан, куйи” (I.97), *aliq* “куш тумшуғи” (I.98), *ekin* “экин; экин экиладиган ер” (I.107), *üyüz* “кичик чивин” (I.112), *arsu* “ҳар бир жўн нарса” (I.148), *jar* (*čar?*) “вақт” (I.312), *čer* “рўпара” (I.312), *endäk* “сатх” (I.130), *örkän* “қайиш” (I.132), *eylä* “шундай” (I.137), *eträk* “ранги сарик одам” (I.127), *ramuq* “момик, пахта” (I.360), *töläk* “тинч ва оғир киши” (I.368), *sindu* “қайчи” (I.395), *qarınçaq* “чумоли” (I.460), *sečä* “чумчук” (III.238) ва б.

Чигиллар қўллайдиган сўзлар: *ud* “сигир” (I.80), *ažun* “дунё” (I.106), *üzi* “икки тоғ орасидаги кенг йўл” (I.116), *aybañ* “кал” (I.139), *ötki* “эваз, бадал” (I.149), *čekäk* “чечак касаллиги” (I.369), *saman* “сомон” (I.392), *qučğundi* “пиёз” (I.454).

Қарлуқча сўзлар: *uličim* “ўғилчам, қароғим” (I.86), *suğut* “сузма” (I.337), *it kerdı* “ит вовуллади” (II.15).

Қипчоқча сўзлар: *ökil* “кўп” (I.103), *aba* “айиғ” (I.113), *sulaq* “қора жигар” (I.390), *ajan* “икки елканли кема” (I.144).

Арғуча сўзлар: (арғулар икки тилда сўзлашувчилар деб кўрсатилади I.65): *udluq* “оғил, молхона” (I.124), *iđrik* (<*irik*) “қаттиқ нарса” (I.128), *oğla* “ёш йигит” (I.149), *qiz kiši* “бахил одам” (I.315), *bük* “бурчак” (I.321), *čigit* “пахта уруғи, чигит” (I.337), *ködäj* “кўза” (I.341), *qadığ* “ёғоч идиш” (I.363), *tudrič* “гўнг” (I.422), *baštar* “ўроқ” (I.424), *bitrik* “писта” (I.441).

Яғмоча сўзлар: *čarun* “чипор дарахти” (I.392), *čignä* “сурги” (I.408).

Булғорча сўзлар: *awus* “мум” (I.91).

Барсағанча сўзлар: *ariğ* “чодир пардаси” (I.94), *tünäk* “зиндон” (I.387), *sökti* “кепак” (I.394), *ačı* “кекса хотин” (I.114).

Қашқарча сўзлар: *sibüt* “кашнич” (I.337), *butiq* “кичик меш” (I.358).

Туркманча сўзлар: *qarit* “ўғирлаш, талаш” (I.338), *taquq* “товук” (II.330).

Канжакча сўзлар: *kenbä* “бир ўсимлик” (I.393), *körkä* “ёғоч коса” (I.405).

Девонда бир гурух сўзлар бир қанча диалектлар учун умумий бўлган деб кўрсатилади. Жумладан, қуйидаги сўзлар ўғуз ва қипчоқларда қўлланилиши таъкидланган: *aliğ* “ҳар нарсанинг қайтарилиши” (I.95), *ariq* “орик, заиф” (I.97), *čufğa* (*čuwğa?*) “йўл бошловчи, раҳбар” (I.400). Ёки яна мисолларни кузатинг: *ebmāk* “нон” (яғмо, тухси ва баъзи ўғуз ва қипчоқлар сўзи) (I.126), *urğa* “катта дарахт” (ўғуз ва арғуча) (I.148), *benäk* “уруғ” (арғу ва баъзи диалектларда) (I.367).

Айрим сўзлар бир диалектда маълум бир шаклда бўлса, иккинчи диалектда унинг ўрнида бошқа сўз қўлланилган. Бу нарса Маҳмуд Кошғарий томонидан ҳам алоҳида қайд этилган: Масалан, бошқа турклар идиш, коса, пиёлани *ayaq* десалар, ўғузлар унинг ўрнида *janaq* (*čanaq?*) сўзини қўллаганлар (I.112), турклар *adīn* (бошқа, бўлак) десалар, ўғузлар *adruq* деганлар (I.124), бошқалар камар, тўқа ва эгарнинг бошига ўрнатиш учун олтин-кумуддан ишланган зийнатни *üstām*, ўғузлар эса *saxt* деганлар (I.131), турклар *almīla* (яъни олма) десалар, ўғузлар *alma* сўзини қўллаганлар (I.150), бошқа турклар ҳар бир оқ рангни *ögün*, ўғузлар *aq* // *a:q* деганлар (I.153), бошқалар шароб, мусаллас, майни *süčik*, Ила водийсида яшовчилар (яғмо, тухси ва чигиллар) майни *qizil süčik* деб атаганлар (I.387). Кўпчилик турклар *čiqti* десалар, яғмо, тухси, ябоқу, қипчоқ ва баъзи туркман уруғлари худди шу маънода *tašiqti* сўзини қўллаганлар: *er ewdin tašiqti* “одам уйдан ташқари чикди” (II.131).

Лексик қатлам орасида бир диалектда маълум маънода, бошқасида иккинчи маънода қўлланивчи сўзлар ҳам бўлган: Чигил туркларида *uluš* “қишлоқ” маъносида қўлланилган бўлса, Баласағун ва уларнинг юқори ёнидаги арғулар тилида “шаҳар” маъноси-ни англатган (I.94), бошқа туркларда *iñäk* сўзи “сигир” маъносида қўлланилган бўлса, ўғузлар тошбақанинг урғочисини шу сўз билан атаганлар (I.135), бошқалар ошхонани *ašliq*, ўғузлар бугдойни *ašliq* деганлар (I.137), бошқа турклар бургутни ва Муштарий юлдузини *qara quš* деб атаган бўлсалар, ўғузлар туя оёқларини учига ҳам шу сўзни қўллаганлар (I.319). “*Kend* – ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида қишлоқ. Кўпчилик турклар наздида вилоятдир” (I.330), бошқа турклар курт (ҳашарот)ни *qurt* деганлар, фақат ўғузлар бўрини шундай деб атаган (I.328), бошқалар одамлар орасидаги шодлик ва кулгини *badram*, ўғузлар ҳа-

йит кунини *bayram* дейдилар (I.447). Турклар *sen* сўзини кичикларга, хизматчиларга ҳамда сўзловчидан даража, мартаба, ёшда қуйи бўлган кишиларга нисбатан қўллаганлар. Ўзларидан юқори ҳурматли кишиларни *siz* деганлар. Ўғузлар эса, аксинча, катталарга *sen*, кичикларга *siz* деб қўллайдилар. Кўпликда ҳам шуни ишлатганлар (I.326). Кўпчилик туркларда *čapildī* сўзи “сувалди, чапилди” маъноларини англатган бўлса, уйғурларда бу сўз “бўйнига урмоқ” маъносидадир (II.135).

Полисемантик сўзларнинг баъзи бир маънолари айрим диалектлардагина амал қилган. Чунончи, ўғузларда *čaqdī* сўзининг “эшиттирди, айтди” маъноси ҳам қўлланилган: *ol sözüg anñ qulaqqa čaqdī* “у сўзни унинг қулоғига эшиттирди” (II.24). *Soqdī* (майдалади; чўқиди; чакди) сўзининг “чақмоқ” маъноси ўғузларга хосдир: *anī yılan soqdī* “уни илон чакди” (II.26).

Бир гуруҳ сўзлар диалектларда стилистик жиҳатдан ҳам чегараланган эди. Жумладан, *qildī* салбий маънода ҳам қўлланилгани сабабли, ўғузлар ундан қочиб, унинг ўрнида *etti* сўзини қўллайдилар: *er yükünč etti* “одам намоз ўқиди”. Турклар эса *qildī* сўзини қўллаганлар (II.33). Ёки турклардаги *tekindi* – “эришди, муяссар бўлди” маъносидаги сўзини, девон муаллифининг ёзишича, ўғузлар “ёқтирмайдилар” (II.166).

Ўзлашган сўзларнинг миқдори бўйича ҳам диалектлар орасида фарқ бўлган. Буни Маҳмуд Кошғарийнинг қуйидаги маълумотида ҳам кўрамиз: “Ўғузлар форслар билан аралашгач, баъзи сўзларни унутдилар ва уларнинг ўрнига форсча сўзлар қўллай бошладилар: *qutğan* ўрнида *āftāba*; *baqan* ўрнида *qalida* (бўйин тумор)” (I.406).

Уй иши:

“Девону луғатит турк” асарини бир бошдан ўрганиб чиқинг. Унда туркий сўзларнинг изоҳланиш йўллари алоҳида аҳамият беринг. Амалий машғулот учун бирор мавзу чегарасида материал йиғинг.

“Девону луғатит турк”нинг биринчи ва учинчи томлари бўйича ўқиб чиққанларингизни системага солиб, қисқача конспект тузинг.

Талабаларнинг билимини текшириш учун сўроқ ва топшириқлар:

1. *Маҳмуд Кошғарий ва унинг “Девону лугатит турк” асари тўғрисида маълумот беринг.*
2. *Ҳозирги туркишуносликда асарнинг қандай нашрлари амалга оширилган? Тошкент, Урумчи, Москва нашрлари, уларнинг ютуқлари тўғрисида сўзлаб беринг.*
3. *Асарнинг тузилиши, унда сўзларнинг берилиш принципларини изоҳланг.*
4. *Лугатда сўзлар маъносини изоҳлаш йўллари тўғрисида сўзлаб беринг.*
5. *Амалий дарс соатида ўқитувчи кўрсатмаси билан “Маҳмуд Кошғарий ва унинг “Девону лугатит турк” асари” мавзуида илмий семинар ўтказинг. Семинарда имкон қадар слайд материалларини кенг қўлланг.*

УЧИНЧИ МАВЗУ

“МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ “МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ” АСАРИ”

Таянч тушунчалар: *кўп тилли луғат.*

Дарсни олиб бориш йўллари: маъруза, савол-жавоб. Маъруза баён, таҳлил, чоғиштира-типологик усулда олиб борилади.

Дарсдан кўзланган мақсад ва вазифалар: *Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асарининг тузилиши, ундан ўрин олган туркий сўзликнинг тил тарихи учун аҳамияти тўғрисида билим бериш.*

Кўрсатма ва тарқатма материаллар: луғат қўлёзмасининг ксеронусхаси; топшириқ берилган варақлар; турли жадваллар, слайдлар.

Дарсда қўллаш мумкин бўлган техник ускуналар: *компьютер, расми деворга туширувчи мослама, катта бичимли телеэкран, турли дисклар.*

Эътибор қаратиладиган масалалар:

- Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асари.
- “Муқаддамату-л-адаб”нинг қўлёзма нусхалари.
- Туркий тиллар тарихини ўрганишда “Муқаддамату-л-адаб”даги туркий сўзликнинг ўрни.
- Луғатнинг тузилиш принциплари.
- Луғатдаги туркий сўзликнинг муҳим тил хусусиятлари.

“Муқаддамату-л-адаб” (“Адаб муқаддимаси”) – араб тили лексикологияси ва грамматикасига бағишланган асар. Китобга бундай деб от қўйилувининг сабаби, ўтмишда тил билими, тил қоидаларини пухта эгаллаш, сўзни билиб ишлатиш, сўзга чечанлик балоғат даражасини, адабни, эстетикани белгилаган. Шуларга таянган ҳолда, ушбу асарда баён этилган қоидалар адабнинг бошланиши, асослари эканига ишора этилади.

Китоб муқаддима, исмлар бўлими, феъллар, ҳарфлар (ёрдамчи сўзлар), исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланиши бўлимларидан тузилган. Шулардан исмлар ва феъллар қисми луғат

бўлиб, қолган бўлимлар грамматикага оид. Асарнинг ҳар қайси бўлими тугал бир асар шаклида. Муҳими шундаки, асарнинг мавжуд қўлёзма нусхаларида бу бўлимларнинг жами берилган эмас. Баъзан унинг араб тили грамматикасига бағишланган бўлимлари асардан ажратиб олиниб, мустақил китоб шаклига келтирилган. Уларнинг айримлари грамматика тўпламлари таркибида. Шу зайл ушбу бўлимлар алоҳида грамматик асар сифатида хизмат қилган.

Яна бир белгиси, мавжуд қўлёзма нусхаларда луғат бўлимлари ҳам тўлиқ берилмаган. Айрим қўлёзмаларда ё феъллар ёки исмлар бўлими йўқ.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг луғат бўлими (яъни исмлар ва феъллар қисми) кўп тиллидир. Луғат араб бўлмаган халқларга (форслар, туркий халқлар, мўғуллар ҳамда қадимги хоразмча сўзловчиларга) араб тилини ўргатиш учун мўлжалланган. Унга мўғулчанинг киритилишига сабаб кейинчалик – XIII асрга келиб мўғуллар орасида ҳам мусулмонликни қабул қилганлари бор эди, улар ҳам ҳисобга олинган. Луғатда аввал арабча сўз келтирилади, сўнг бошқа тилларда – форсча, туркий, мўғулча, баъзан қадимги хоразмий тилида унинг таржимаси берилади. Демак, луғатдаги арабча сўзлик арабшунослик учун, форсча ва қадимий хоразмча сўзликлар – эроншунослик, туркий сўзлик – туркшунослик, мўғулча сўзлик эса мўғулшунослик учун аҳамиятга эга. Агар турли тиллардаги сўзлар қиёсий-типологик аспектда ўрганилса, қиёсий тилшунослик учун ўта аҳамиятли иш бўлади.

Муҳими, асарнинг мавжуд қўлёзмаларида сўзликларнинг берилиш тартиби ҳар хил: асар нусхалари икки тилли (арабча–форсча, арабча–туркий, арабча–хоразмий), уч тилли (арабча–форсча–туркий), тўрт тилли (арабча–форсча–туркий–мўғулча) вариантларда тарқалган.

Асарнинг луғат бўлими киритилган қўлёзмалари ҳозирги чоғда Ўзбекистон, Россия, Тожикистон, Доғистон, Англия, Франция, Италия, Туркия, Эрон, Ҳиндистондаги йирик қўлёзма фондларида сақланмоқда (қаранг: Исломов 1998,12–21). Лекин буларнинг барида ҳам туркий сўзлик учрайвермайди.

Муҳими, “Муқаддамату-л-адаб”нинг қадимги хоразмий тилидаги сўзлик киритилган нусхалари ҳам бор. Шулардан бири фанда кўния нусхаси деб юритилади. У Юсуф оға кутубхонасида 5010 рақами билан сақланмоқда. Қўлёзмада асарнинг бўлимлари

тўлиқ. Луғат икки тилли: арабча сўзлар хоразм тилидаги таржимаси билан келтирилган (хоразмча матн ҳам араб ёзувида). Қўлёзманинг китобат санаси номаълум; чамаси XII асрда кўчирилган.

Яна бири Англиянинг Британия музейида сақланаётган 7429 сонли қўлёзмадир. У 1353 йили кўчирилган. Қўлёзмада фақат феъллар бўлими бор. Луғат, асосан, арабча–форсча–туркийда бўлиб, ора-сира хоразмча сўзлик ҳам киритилган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг фариантлари кўп. Шу ўринда асарнинг луғат бўлими (исмлар ва феъллар) илк вариантда қандай кўринишда эди деган сўроқ туғилуви табиий. Олимлар, муаллиф асарнинг луғат бўлимини икки тилда (арабча–форсча) тузган; туркий ва мўғулчасини котиблар кейинчалик унга қўшганлар, деб биладилар. Бизнингча, бу фикр тўғри эмас. Буни рад этувчи далиллар ҳам бор. Чунки туркий сўзлик киритилган вариантларининг айримлари жуда эски. Яна бир жиҳати, асарнинг нодир нусхаларида келтирилган туркий сўзлик анча қадимий ёзув ва тил хусусиятларини акс эттиради. Ушбу нусхаларни кўчириш чоғида туркий сўзликка алоҳида эътибор қаратилган: баъзи қўлёзмалардаги туркий сўзлик қизилда. Жумладан, Анқарадаги Турк тили куруми кутубхонасида асарнинг 1469 йили Константинополда кўчирилган нусхаси сақланмоқда (А.187- сонли қўлёзма). У уч тиллидир: арабча–форсча–туркий. Мухими, ундаги барча арабча сўзлар остида туркий таржимаси берилган, форсий сўзлик эса мунтазам эмас.

Мавжуд нусхаларнинг бундай белгилари тубандаги хулосага олиб келади: чамаси, муаллиф мазкур асарини икки қайта ёзган, аниқроғи бир ёзиб, кейин тўлдириш киритган. Асарни беш бўлимдан иборат шаклда тузган. Бу илк вариантынинг луғат қисми, чамаси, икки тилли эди: арабча сўзлар хоразмча таржимаси билан келтирилган. Бунинг билан маҳаллий муҳит талаби кўзда тутилган. Кейинчалик Хоразм давлатининг сиёсий-ижтимоий талабидан келиб чиққан ҳолда, муаллиф асарнинг луғат бўлимини қайта ишлаб, такомиллаштирган: уни кўп тилли луғатга айлантирган. Муаллиф томонидан қайта ишланган ана шу вариантида туркий сўзлик ҳам бор эди. Таъкидлаш ўринлики, кейинги варианларга хоразмча сўзлик киритилганлиги даргумон. Сабаби, XIII асрдан кейин хоразм тили аста-секин истеъмолдан чиқиб, ўлик тилга айлана бошлаган эди.

Кейинги асрларда вужудга келган вариантлар муаллифнинг ўша биринчи ёки кейинги – кўп тилли вариантига асосланган кў-

ринади. Асарнинг арабча–хоразмча луғат берилган кўния нусхаси илк вариантга асосланган бўлса эҳтимол. Лекин асарнинг фанда маълум бўлган бошқа нусхалари иккинчи – кўп тилли нусхадан урчиган дейиш мумкин. Кейинги юзйилликларда асар кўчирилаётган юртнинг маданий, ижтимоий-сиёсий талаблари, ерли халқлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, унинг янги-янги вариантлари юзага кела бошлаган. Туркий муҳитда кўчирилган нусхаларида туркий сўзлик сақланган, форсийзабон муҳит учун аталганларида эса туркийси тушириб қолдирилган.

Асардаги мўғулча сўзликка келсак, унинг кейинчалик – мўғуллар салтанати даврида киритилгани аниқ.

Британия музейида, ўрни билан, орада юнонча таржимаси берилган нусхаси ҳам бор. Бу эса асарнинг Европа мамлакатларида тарқалиши ва ўрганилиши билан боғлиқ ҳодисадир. Ўша ўлкаларда яшовчи олимларнинг талабидан келиб чиқиб, ундаги луғат юнончада ҳам изоҳланган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг исмлар қисми 18 боб, 78 фаслга бўлинади. Унда замон, само, ер билан боғлиқ сўзлар, маъданлар, ўсимликлар, деҳқончилик, боғдорчилик, турар жой, дин, ҳунармандчилик, тиббиёт, савдо-сотик, меҳмондорчилик, кийим-кечаклар, уй буюмлари, ўлчов бирликлари, ёввойи ва уй ҳайвонлари, қурол-яроғлар лексикаси берилган. Шунингдек, олмошлар ҳам айни бўлимга киритилган.

Феъллар қисми луғатнинг катта бўлидир. Унда феъллар араб тилшунослигининг қонун-қоидалари бўйича жойлаштирилган бўлиб, уч ўзакли, тўрт ўзакли феълларнинг барча кўринишлари берилган. Унда жами 6934 та феъл, 1716 та масдар ҳамда сифатдош жамланган (Исломов 1998,10).

Луғатда туркий сўзликнинг берилиш тартиби арабча сўзликка таянади. Шунинг учун иборалар берилганда уларнинг тузилиши тескари шаклни олади.

Энди сўзликнинг арабий ва туркий кўринишини қуйидаги бир-икки ўрнакда кўриб чиқамиз (мисоллар асарнинг ЎЗР ФА Адабиёт музейида (илгариги Қўлёзмалар институти фондида) сақланаётган тўрт тилли қўлёзмасидан олинди):

Арабчаси	Туркийси	Ҳозирги маъноси
اجبره علي كذا	<i>küč birlä berdi anqa ul işni</i>	унга ишни куч билан берди

احدرت السفينة	<i>quyï bardï kemä</i>	кема куйи борди
احضر الشيء	<i>Keltürdi anqa nimäni</i>	унга нарсани келтирди
احضر الفرس	<i>yaxşı yügürdi at</i>	от яхши югурди
فرحة	<i>sewindürdi anï</i>	уни севинтирди
ابدأ الامر	<i>Başladï işni</i>	ишни бошлади
ابطأني الامر	<i>keçikdi işdä</i>	ишда кечикди
اخطأ الطريق	<i>azdï yolnï</i>	йўлни адашди
تضاربوا	<i>Uruştılar</i>	урушдилар
القرمه	<i>mulāzamat qıldı</i>	мулозамат қилди
انتقم منه	<i>öçni aldï andin</i>	ундан ўч олди

Уй иши:

“Муқаддамату-л-адаб” кўлёзмаларининг фотонусхалари асосида сўзларнинг берилиш усулини кўриб чиқинг. Туркий сўзликдан мисоллар олиб транскрипцияга ўтиринг. Имкон бўлса, туркий сўзликни арабча ёки форсча эквивалентлари билан чоғиштириб кўринг. Луғат бўйича конспект тузинг.

Талабаларнинг билимини текшириш учун сўроқ ва топшириқлар:

1. Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асари, унинг луғат қисми тўғрисида сўзлаб беринг.
2. Луғатнинг тузилиши, унинг принциплари тўғрисида билганларингизни сўзлаб беринг.
3. Луғатдан ўрин олган туркий сўзлик ва унинг туркий лексикография тарихидаги аҳамиятини айтинг.

ТҶҲРТИНЧИ МАВЗУ

“XIV-XV ЮЗЙИЛЛИКЛАРДА ТУРКИЙ ТИЛ БҲЙИЧА АРАБ ТИЛИДА ЯРАТИЛГАН ЛУҒАТЛАР ВА ГРАММАТИК АСАРЛАР”

Таянч тушунчалар: *туркий тил бҲйича араб тилида яратилган лугатлар.*

Дарсни олиб бориш йҲллари: маъруза, савол-жавоб. Маъруза баён, таҳлил, чоғиштира-типологик усулда олиб борилади.

Дарсдан кўзланган мақсад ва вазифалар: *Миср ва бошқа араб ўлкаларида туркий тилни ўрганиш бҲйича тузилган лугатлар ва грамматик асарлар, уларнинг тузилиши тўғрисида билим бериш.*

Кўрсатма ва тарқатма материаллар: лугат қўлёзмаларининг ксеронусхалари; асарларнинг нашрлари; топшириқ берилган варақлар; турли жадваллар, слайдлар.

Дарсда қўллаш мумкин бўлган техник ускуналар: *компьютер, расми деворга туширувчи мослама, катта бичимли телеэкран, турли дисклар.*

Эътибор қаратиладиган масалалар:

- Араб юртлирида туркий тилни ўрганишнинг ижтимоий-сиёсий сабаблари.
- Араб тилида туркий тилни ўрганиш бҲйича тузилган лугат ва грамматик асарлар характеристикаси.
- “Китоб-и мажму-и таржумон-и туркий ва ажамий ва муғалий” ва унинг тузилиш принциплари.
- “Аттухфату-з-закийату филлуғатит туркийа” ва унинг тузилиш принциплари.

“Китоб-и мажму-и таржумон-и туркий ва ажамий ва муғалий”

Мамлуклар давлатида (1250–1517) турк султонларининг юртга эғалиги туфайли туркий тилга эътибор катта эди. Бу кезларда арабларнинг туркий тилни ўрганиши учун грамматик асарлар ва лугатлар, турли қўлланмалар яратилган. Арабларга туркий тилни (қипчоқ тилини) ўргатиш учун ёзилган асарлардан бири “Китоб-и

мажму-и таржумон-и туркий ва ажамий ва муғалий”дир (қисқа қилиб “Таржумон”деб ҳам атайдилар). Асарнинг муаллифи аниқ эмас. Китоб Мисрда ёки Сурияда яратилган дея тахмин этилади.

Фанда “Китоб-и мажму-и таржумон-и туркий ва ажамий ва муғалий”нинг битта қўлёзмаси маълум. Халил бин Муҳаммад бин Юсуф ал-Кўнавий ҳижрий 643 (мелодий 1245) йили кўчирган ушбу қўлёзма кунимизда Голландиянинг Лейден Академияси кутубхонасида (Leiden, Warner № 517) сақланмоқда.

Китоб туркий ва мўғул тилларига бағишланган бўлимлардан тузилган. Унинг иккинчи бўлими мўғулча-форсча ва арабча-мўғулча сўзликдир. Китобга мўғулча-форсча сўзликнинг киритилганлиги бежиз эмас. Хулагулар даврида Эронда мўғул тилини ўрганишга зарурат туғилган кўринади, шундан келиб чиқиб луғатга мўғулча сўзлик ҳам киритилган. Китобнинг ушбу бўлагини Н. Поппе ўрганиб, луғатини тузган. Туркшунослик учун аҳамиятлиси китобнинг туркий тилга бағишланган бўлагидир.

Асарнинг туркий тилга бағишланган бўлими кириш ва тўрт қисмдан иборат (*илмий нашрларига қаранг*: Tarjuman; КТТ). Кириш қисмида ҳамдала, китобнинг ёзилиш сабаби ва туркий тилнинг фонетик ўзгачаликлари тўғрисида сўз боради.

Муаллиф асарнинг кириш қисмида туркий тилнинг товуш ўзгачаликлари тўғрисида сўз юрита туриб: “Билгилки, асл туркий-қипчоқ тили саккизта ҳарфдан холидир. Улар: *ظ, ض, خ, ح, ث*. Агар бирор сўз шу ҳарфлардан қай бирини ўз ичига олганини пайқасанг, билгинки, у асл туркий бўлмай, бошқа тилдан олинган сўз бўлади. Мен асл туркий тил билан туркман тили орасидаги фарқни ва ҳозир халқ орасида форс ва бошқа тиллардан олинган сўзларни белгиладим” деб ёзади (Tarjuman,29).

Биринчи қисм арабча–туркий сўзлик, қолган қисмлар туркий тилнинг грамматик қоидаларига бағишланади.

Асар араб грамматик аънанаси бўйича тузилган: фаслларда арабча сўз ва унга туркий эквивалент берилади. Фақат йигирма иккинчи фаслда олдин туркий сўз, ундан кейин унинг арабча изоҳи келтирилган. Туркий сўзларни тўғри ўқиш учун диакритик белгилар кенг ишлатилган.

Биринчи қисмда сўзлар маъноларига кўра 26 бўлимга (фаслга) бўлиб чиқилган. Булар: биринчи фасл – осмон ва унга тегишли нарсаларнинг отлари (*kök, qir (фалак), kün, quyaş (нур, ёруғлик), ау,*

aydın (ойдин), *ay tolun* (тўлин ой), *yulduz*, *Ülkär*, *bulit*, *tuman*, *yamğur*, *yel*, *qar*, *burçaq* (дўл), *buz*, *sawuq*, *issi* (иссиқ), *yaşın*, *kökrämäk* (момақалдироқ), *yıldırım* (чақмоқ), *doz* (тўзон), *täbi* (қор бўрон), *qisırqa* (қуюн, довул) сингари); иккинчиси – ер ва ундаги жойларнинг отлари (*yer*, *tupraq*, *qum*, *qayır* (шағал), *taş*, *tağ*, *qaya*, *ou* (водий), *in* (зор), *yar* (жар, жар ёқаси), *yazı* (текислик, дашт), *yol*, *yurt*, *yaban* (чўл), *ew* (уй), *qorğan* (отхона; қалъа) сингари); учинчиси – сувлар ва унга боғлиқ нарсаларнинг отлари (*su*, *teñiz*, *özän* (дарё, ирмоқ), *keçi* (кечув), *bulaq*, *taşqın su* (сел) сингари); тўртинчиси – дарахтлар, мевалар, ўсимликлар ва уларга яқин нарсаларнинг отлари (*ağaç*, *butaq*, *çibiq* (чивиқ, новда), *yemiş*, *alma*, *aywa*, *tal* сингари), шу тарзда давом этиб, йигирма олтинчи фасл – дард-касаликларнинг отлари (*yig*, *söğallik* (касалик), *ağrı* (оғриқ), *ıçuq*, *isitma*, *titrämä*, *esnämäk*, *ölmäk* сингари) билан тугайди. Орада ҳатто *eygi–yaman*, *yaqşı–çirkin*, *yawuq–yıraq* сингари қарама-қарши маънони англатувчи сўзларни англатувчи фасл ҳам бор.

Луғатда, асосан, туркий сўзлар берилган. Ора-чора ўзлашган сўзлар ҳам аралашган. Бундай ҳолатда унинг қайси тилдан ўзлашганига ишора этилади. Сўзликдан мисол:

“*kemi* – кема, буни *kärär* деб ҳам юритилади, буниси румчадир”.

“*açquç* – калит, *kälit* ҳам дейилади, асли форсча *kalid* сўзидан олинган”.

“*devār* – девор. Бу сўз форсчадир”.

“*dānişmand* – донишманд, қонуншунос, бу сўз туркманча бўлиб, форсчадан олинган”.

Сўзлар изоҳланганда, ўрни билан, уларнинг синонимлари, фонетик вариантлари ҳамда диалектларда қандай аталиши ҳам келтирилади. Масалан:

“*qapu* – эшик; буни *eşik* ҳам дейилади; тўсин”.

“*yowa* – пиёз, буни *soğan* ҳам дейилади, кейингиси машҳурроқ”.

“*buday* – буғдой, буни *buğday* ҳам дейилади”.

“*börü* – бўри, буни *qurt* ҳам дейилади, туркманча; (бунинг иккинчи маъноси) курт [яъни ҳашорат]”.

Ёки қорақуш сўзига шундай изоҳ берилган:

“*qaraquş* – бургут, яъни қорақуш демакдир, буни туркманчада *tawşancıl* ҳам дейилади. Бу қуш кўпроқ қуён овлаб егани учун шундай аталади”.

“*tal* – тол, буни *sögüt* ҳам дейилади, кейингиси туркманча”.

“*özän* – ўзан, ирмоқ. Буни *yirmaq* ҳам дейилади, буниси туркманча”.

Луғатда сўзлар изоҳланганда, ўрни билан, уларнинг фонетик шакллари, қандай талаффуз этилишига ҳам айрича урғу берилди. Масалан:

“*yağmur* – ёмғир; *yağmur* ҳам дейилади; буниси туркманча”.

“*dağiq* – товук; *daquq* ҳам дейилади, буниси туркманча”.

Луғатда кўп маъноли ёки омоним сўзларга алоҳида эътибор қаратилган; муаллиф бундай сўзлар англатган маъноларни тўлиқ келтиради. Масалан:

“*kök* – бу осмон, кўк ранг; жинс; асл; тиниқ суқ демак”.

“*yar* – жар ёқаси, жар; сўлак; бир нарсани ёриб ажратишни истаб буюрганингда ҳам шундай дейилади”.

“*ot* – ўт, кўкат; олов; дори-дармон; шарм-ҳаёга ҳам айтилади”.

“*qoyun* – умуман қўй; инсон қўйни ва қўлтиғини ҳам ифодалайди”.

“*bor* – май; шаҳарларда матоларнинг устига суртиладиган бир турли оқ кесак, бўр”.

“*qaş* – қош; узукнинг кўзи; паст, узунасига чўзилган тоғ чўққиси”.

Араблар учун таниш бўлмаган тушунчаларга кенг изоҳ берилди. Масалан:

“*çaqir* – бу ҳам май, мўғулча. Уларда яна бошқа ичимлик борки, у қамишнинг бошоғига ўхшаш ўсимликни эритилган асалга қўшиб ачитишдан ҳосил бўлади. Унинг номи *qumlaq*дир. Бу ичимлик маст қилишда узум шарбатига қараганда ўткирроқдир ва шунинг учун уни афзал кўрадилар. Уларда яна хурмо ва бошқа нарсалардан тайёрланадиган, арабларнинг мизрига ўхшаган ичимлик ҳам бор, уни *bözä* деб ҳам атайдилар”.

“*qatqaq* – бир-бирига киришиб чалкашиб кетган ва шамол ерда думалатиб юрадиган қуруқ тикан, қамғоқ. Ақли кам одамни қойиганларида *qatqaq başlu* дейдилар, яъни қамғоққа ўхшаш енгил, ақли кам демакдир”.

Яна бир жиҳати, луғат қисмида атоқли отлар алоҳида гуруҳга ажратиб берилган. Масалан, йигирма иккинчи фаслда мамлуклар (қуллар), чўрилар ва бошқа табақа кишиларга қўйиладиган отларнинг маъноси келтирилган. Масалан:

“*Baybars* – амир ва барс, Бойбарс, *Qarasonqur* – қора ва сункур, Қорасункур, *Taybars* – той ва барс, Тойбарс, *Qulbars* – қул ва барс, Қулбарс, *Aybars* – ой ва барс, Ойбарс, *Aqquš* – оқ ва қуш, Оққуш, *Qaraquš* – қора ва қуш, Қорақуш, *Aydoğdi* – ой туғди, яъни ой чикди, Ойтуғди, *Qaratay* – қора ва той, Қоратой, *Ağaçeri* – ўрмон кишиси, Оғочэри” сингари.

Иккинчи қисмда феълларнинг тингловчига бўйруқ кўринишлари, улардан масдар ясалиши ва сўзларнинг келаси замонда қандай турланиши ҳақида (*körgil, kirgil, öldürgil, çiqargil, awlağil, ačqil* сингари). Булар алифбо тартибида берилган (“алиф” ҳарфлилар, сўнг “б”, “т”, “с” ҳарфлилар ва шу сингари).

Учинчи қисм феълларнинг тусланишига бағишланган. Унда тингловчи ва ўзгага бўйруқнинг ҳосил қилиниш йўллари, феълнинг ўтган, келаси ва ҳозирги замон кўриниши қандай ҳосил қилинуви тўғрисидаги грамматик қоидалар берилган.

Тўртинчи қисмда гап қоидалари, келажакда мақсадни тўлдирадиган сўз ва формаларнинг турлари, яъни сўз ясовчи, сўз ўзгарувчи, шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар ҳамда ёрдамчи сўзларнинг гапдаги вазифалари, сўроқ ҳосил қилиш йўллари ва шунинг сингари қоидалар тўғрисида билим берилган.

“Аттуҳфату-з-закийату филлуғатит туркийя”

“Аттуҳфату-з-закийату филлуғатит туркийя” (“Туркий тиллар ҳақида ноёб туҳфа”) асарини ким ёзганлигини билмаймиз. Асар Мисрда яратилган дея чамаланади. Унинг битта қўлёзмаси маълум. Қўлёзма ҳозир Истанбулда Валидуддин афанди кутубхонасида сақланмоқда (*ўзбекча нашрига қаранг: AZFT*).

Китоб “қипчоқ тили” грамматикасига бағишланган. Бу тўғрида: “Мен бу асарда қипчоқ тилига асосландим. Чунки энг кўп қўлланадиган тил қипчоқ тилидир. Туркман тилини бу ишда баён қилмадим. Фақат жуда зарурат бўлгандагина кўрсатдим”, – деб ёзади унинг муаллифи кириш бўлимида (AZFT,8).

Асар уч бўлимдан иборат: кириш, арабча-туркий сўзлик, грамматик қоидалар бўлими. Кириш қисмида китобнинг ёзилиш сабаби, унда туркий тилнинг қай лаҳжасига асосланганлиги баён этилади. Сўнг туркий алифбо ва имло қоидалари хусусида маълумот берилади.

Киришда араб алифбоси негизидаги туркий ёзувнинг имло хусусиятлари тўғрисида ҳам маълумот берилади. Муаллиф ёзади: “Билгилки, турк тилида шакл йўқ. Шакл йўқлиги учун бир қанча аниқсизлик ва хатолар пайдо бўлар эди. Шунинг учун ана шу аниқсизликдан қутилиш учун от, феъл ва ҳуруфни ёзишда махсус шакл қўллаш усулини қабул қилдилар. Яъни фатҳа ўрнида “алиф”, касра ўрнида “йай”, замма ўрнида “вав” қўллай бошладилар” (AZFT,10). Бунда муаллиф “турк тилида шакл йўқ” деганда туркий ёзувда товушлар тизимидаги “чўзиқлик” ва “қисқалик”ни бериш муҳим эмаслиги, диакритик белгиларнинг турғун вазифаси йўқлигини кўзда тутган; “ана шу аниқсизликдан қутилиш учун от, феъл ва ҳуруфни ёзишда махсус шакл қўллаш усулини қабул қилдилар” деганда эса арабий ё форсий матнлардан фарқли ўлароқ, туркий сўзларни ёзишда матнда унлиларни ҳарфларда тўлиқ бериш қондаси жорий этилганини кўзда тутди.

Сўзлик бўлимида аввал арабча сўзлар, кейин эса унинг туркий таржимаси берилади. Шунинг учун фаслларнинг тузилишида сўзнинг араб тилидаги шакли инобатга олинган. Масалан, илк ҳамзали сўзлар бўлимида араб тилида ҳамза билан бошланувчи сўзлар назарда тутилган. Бу принципнинг туркий сўзликка кўпда зиёни йўқ. Сабаби, ҳамзали сўзларга тегишли қолган бўлимлар тематик гуруҳга кўра туркумлаштирилган: отларнинг ранглари, от асбоблари, ер ва унга боғлиқ нарсалар, ейиладиганлар, томонлар, ўтган замон феъллари. Сўнг ҳарфи билан бошланувчи отлар, кетинида феъллар; кейин <t> ҳарфи билан бошланувчи отлар, кетинида феъллар, шу тартибда давом этиб охирида <k> ҳарфи билан бошланувчи отлар келади.

Асарнинг луғат бўлимидан олинган қуйидаги ўрнакларга эътибор беринг:

Арабчаси	Туркийси	Ҳозирги маъноси
اخ	<i>qardaş</i>	қариндош
اخت	<i>qiz qardaş</i>	сингил
ارمله	<i>tul</i>	тул, бева
اسود	<i>qara</i>	қора
احمر	<i>qizil</i>	қизил

اصفر	<i>sari</i>	сарикъ
اخضر	<i>yašil</i>	яшил
الابيض و الاشهب	<i>böz</i>	бўз (ранг)
ارض	<i>yār</i>	ер
اسد	<i>arslan</i>	арслон
ارنب	<i>tawšan va quyan</i>	қуён
ادام	<i>qatıq</i>	қатикъ
باغ	<i>sattı</i>	сотди
بارك	<i>qutladı</i>	қутлади
بدد	<i>tügdi</i>	туйди, янчди
بكي	<i>yıǵladı</i>	йиглади
سيده	<i>xatun</i>	хотин
سلطان	<i>qan</i>	хон

Луғатда туркий сўзлар берилганда, ўрни билан, уларнинг синонимлари ҳам берилади. Масалан: арабча *امرأه* сўзи туркийда *awrat va epči*; *امه* сўзи – *qarnaq va qarawaš*; *اخذ عين* – *yelkä va čäkkä*; *اتسع* – *yayındı va keñildi*; *حزن* – *qayğamaq va qayğırmaq*; *خديد* *temir va šoyun*; *حرق* – *küydi va ačidı* кўринишида берилган ва шунинг сингари.

Ёки бирор сўзни изоҳлаб туриб, уни бошқа сўз билан ҳам аталишини таъкидлайди. Масалан, *ابريق* сўзини *qutğan* дея изоҳлар экан, “буни *kökäwür* ҳам дейилади” деб қўшиб қўяди муаллиф. Қизиғи шундаки, *ibriq~iwriq* нинг келиб чиқиши асл туркий, бу сўз арабларга турклардан ўтган бўлуви керак. Чамаси, бу сўз туркий тилнинг қипчоқ лаҳжасида ишлатилмаган, шунинг учун ҳам уни бошқа сўз билан беради.

Муҳими, луғат қисмида туркий сўзларни берганда эътиборни ўзига тортувчи ёзув хусусиятлари кузатилади. Масалан, “алиф” билан бошланувчи айрим сўзлар қўшалок “алиф” билан берилади. Ёки келиб чиқиши асл туркий бўлган айрим сўзлар араб тилига хос итбоқ *ص, ط* ҳарфлари билан ҳам ёзилган. Бунинг ўзига яраша сабаби бор. Чунончи, қўшалок “алиф” унлилардаги “бирламчи чўзиқлик”ни ифодалашга хизмат қилган: *او* – *a:w* (“ов; тузоқ”); *الاقين* – *a:qin* (“сел, окин”); *اولاندي* *ä:wländi* (“уйланди”) сингари.

Туркий тилга хос бўлмаган итбоқ ҳарфлар эса, [s], [t] товушларининг “йўғон” вариантыни билдирган: صوغان – *soğan* (“пиёз”); طامغا – *tamğa* (“тамға, мухр”) сингари.

Муаллиф туркий сингармонизм тўғрисида яхши маълумот берган. У жумла ва унинг тузилиши тўғрисида сўз юрита туриб шундай ёзади: “Жумла икки хил: исмли жумла, феълли жумла бўлиши мумкин. Мавсул зарфда ва мажрурларда *-ğī*, *-qī*, *-ki*, *-gi* қўшимчалари билан ифодаланади. Бу қўшимчалар бир хил маънода бўлиб, *-ğī* ва *-qī* қалин сўзларда, *-ki* ва *-gi* ингичка сўзларда келади”. Асарда зарфлар мисолига *qatimdağī*, *qatimizdağī*, *qatındağī*, *qatijizdağī* сингари, мажрур ҳолда келганлар мисолига эса *öydägi*, *bazardağī*, *şanaqdağī* сўзлари келтирилган (AZFT,110). Масдар тўғрисида фикр юритганда ҳам айтилиши масаласида тўхталиб ўтади: “Масдарнинг белгилари кўпдир. Улардан бири қалин сўзларда *-maq*, ингичка сўзларда *-māk* шаклини қўшиш орқали ясаладиган туридир,” – деб ёзади муаллиф. Бунга ўрнак қилиб *almaq*, *turmaq*, *ketmāk*, *kelmāk* сўзларини кўрсатган (AZFT,117).

Уй иши:

“Китоб-и мажму-и таржумон-и туркий ва ажамий ва муғаллий” ҳамда “Аттуҳфату-з-закийату филлуғатит туркийя” асарларини синчиклаб ўрганиб чиқинг. Уларнинг тузилишини белгилловчи муҳим қирраларга эътибор қаратинг. Ҳар икки луғат бўйича конспект тузинг.

Талабаларнинг билимини текшириш учун сўроқ ва топшириқлар:

1. Араб дунёсида туркий тилни ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг ижтимоий-сиёсий сабаблари нимада эди?
2. Туркий тилни ўрганишга бағишланган луғат ва грамматик асарларга умумий тавсиф беринг.
3. “Китоб-и мажму-и таржумон-и туркий ва ажамий ва муғаллий” асари ва унинг тузилиши тўғрисида сўзлаб беринг.
4. “Аттуҳфату-з-закийату филлуғатит туркийя” ва унинг тузилиши тўғрисида сўзланг.
5. Ўқитувчи раҳбарлиги остида “Туркий тил бўйича араб тилида яратилган луғатлар ва грамматик асарлар” мавзuida илмий семинар ўтказинг. Семинарда слайдлардан кенг фойдаланинг.

БЕШИНЧИ МАВЗУ

“XV–XVI АСРЛАРДА “ЧИҒАТОЙ ТУРКИЙСИ” БЎЙИЧА ЯРАТИЛГАН ЛУҒАТЛАР ВА ГРАММАТИК АСАРЛАР”

Таянч тушунчалар: *ўзбек тилшунослиги тарихи, тилларни типологик ўрганиш, тил, туркий тил, форсий тил, сўз, калом, нутқ.*

Дарсни олиб бориш йўллари: маъруза, машқ дарси, савол-жавоб. Маъруза баён, таҳлил, чоғиштира-типологик усулда олиб борилади.

Дарсдан кўзланган мақсад ва вазифалар: *Алишер Навоийнинг “Муҳокамату-л-луғатайн”ни ёзишдан кўзлаган мақсадини, унинг бу асар билан нима демоқчи эканлигини ўқувчига тушунтириш; асарнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш. Эски ўзбек тили, хусусан Навоий асарлари бўйича луғатлар яратиш анъанасининг шаклланиши ва унинг тарихий тараққиёти тўғрисида талабаларга билим бериш.*

Кўрсатма ва тарқатма материаллар: араб хатида ёзилган туркий сўзлар; топшириқ берилган варақлар; турли жадваллар, слайдлар.

Дарсда қўллаш мумкин бўлган техник ускуналар: *компьютер, расмни деворга туширувчи мослама, катта бичимли телеэкран, турли дисклар.*

Эътибор қаратиладиган масалалар:

- XV–XVI асрлардаги ўзбек тилшунослиги.
- Навоийнинг ўзбек тилшунослиги тарихидаги улуг хизматлари.
- “Муҳокамату-л-луғатайн” асари.
- Навоийнинг талқин принциплари. Турли оилага кирувчи тилларни чоғиштира-типологик ўрганиш масаласи.
- Навоий туркий тилнинг сўз бойлиги тўғрисида.
- Алишер Навоийнинг луғатчилик фаолияти. “Сабъат абхур” луғати.
- Навоий асарлари ва “чиғатой туркийси” бўйича луғат тузиш анъанасининг юзага келиши.

“Қутадғу билиг” кўлёмасида айрим сўзлар учун берилган изоҳлар

Шарқ, хусусан, туркий луғатчилик анъанасида қизиқ бир ҳодиса кузатилади. Бадиий асарни кўчираётган котиб, унда кўлланган, бироқ ўз даври ўқувчиси учун тушунарсиз бўлган сўзлар маъносини ҳопияга ёки сатр остига ёзиб кетган. Кези келганда, бу нарса луғат вазифасини ҳам ўтаган. Буни машҳур бир кўлёмза мисолида кўриб чиқамиз.

“Қутадғу билиг”нинг уйғур ёзувли ҳирот нусхасини кўпчилик эшитган. Ушбу кўлёмзани 1439 йили ҳиротлик Ҳасан Қора Сайил Шамс баҳши кўчирган эди. Уйғур ёзувли кўлёмза ҳозир Вена Миллий кутубхонасида (А.Ғ.13) сақланмоқда (*факсимили учун қаранг*: Радлов 1890).

Муҳими шундаки, уни кўчирувчи баҳши матнни ёзаётганда, ўрни билан, айрим сўзлар ёки ҳарфлар остига уларнинг ўқилишини, ўз даври учун тушунарсиз бўлган сўзларнинг маъносини ёзиб кетган. Буни ҳам луғатчилик тарихидаги ўзига яраша усул сифатида баҳолаш мумкин. Чунки, ўтмишда тарихий асарлар кўчирилаётганда кўпинча шундай йўл тutilган (Масалан, шунга ўхшаш ҳодисани “Ҳибату-л-ҳақойиқ”нинг XV–XVI асрларда кўчирилган кўлёмзаларида ҳам учратамиз. Ёки XVIII асрда Алишер Навоий “Хамса”сини кўчирган котиб матн теварагига тушунарсиз бўлган сўзларнинг маъносини изоҳлаб кетган. Бу ишга катта куч кетказгани учун ҳатто матнга янги от бериб, уни “Хамса ба ҳалли луғат” деб атаган).

Матнда асар тилига хос, лекин кўлёмза кўчирилган кезде ишлатилмай қўйилган ёки айни маънода ўша давр китобхони учун таниш бўлмаган архаик сўзлар изоҳлаб кетилган. Котиб асар тилини аслидай сақлаш, уни замонасига зўрма-зўраки мослаштириб юбормаслик учун шундай йўл тутган кўринади. Сўзларга берилган бундай сатр ости изоҳлари араб ёки уйғур хатида.

Изоҳланиш йўллари қуйидагича:

Асар кўчирилган чоғларда кўлланилмай қўйган қадимги туркий сўзлар уларнинг синонимлари билан изоҳланган. Масалан: *bodun~bozun* сўзининг остига *el, raiyat* деб ёзиб қўйилган (30.13; 20.10), *qumardqu~qumaru* сўзининг остига *yādgār* (7.3; 59.20); *arqış – karvān* (14.2), *otači – tabib* (9.26), *sawči – rasul* (23.19), *ög – ‘aql* (16.21), *yuluğ – fidā* (12.6), *yula – čirağ, yaryqluq* (12.4; 6.12),

hajib(~*xas hajip*) – *vazir* (3.16; 30.9), *munduz* – *gol* (32.30), *bor* – *šarāb* (55.10), *yalawač* – *elči* (9.9), *qurdqa* – *qari* (24.5), *yaŋluq* – *ādam* (20.22) сингари.

Айниқса, астрономик атамалар мунтазам равишда изоҳланган. Чунки, бу даврда қадимги туркий атамалар ўрнида уларнинг арабий, форсий вариантлари қўллана бошлаган эди. Масалан: *Yašiq* – *Āftāb* (13.20), *Sekāntir* – *Zuhal* (16.1), *Oŋğay* – *Muštariy* (16.2), *Körüd* – *Mirrih* (16.3), *Ökāk* – *Javzā* (16.9), *Ud* – *Savr* (16.9), *Qozī* – *Hamal* (16.9), *Ülgü* – *Mezān* (16.10), *Könäk* – *Dalv* (16.11.1), *Baliq* – *Xut* (16.11.1) сўзлари билан изоҳланган ва б.

Кўп маъноли сўзларнинг айни байтдаги маъноси изоҳланади. Масалан, асарда қўлланилган *öd* сўзи “вақт” маъносини билдирган. Ушбу ўзакдан ясалган *ödsiz* сўзи “бевақт” маъносини ифодалайди. Матнда қуйидаги мисрада ҳам у айни маънода келган:

Kişi ödsiz ölmäs anadın tuğup (81.28).

Мисрадаги *ödsiz* сўзининг остига *ajal* деб изоҳланган. Бу билан мазкур сўз “бевақт, ажалсиз” маъносини ифодаляётганига ишора этилади: “Киши онадан туғилиб бевақт [яъни ажалсиз] ўлмайди”.

Qut сўзи ҳам кўп маънолидир. Мазкур байтга эътибор берайлик:

*Bu sağliğ bilä kör elin saqladı,
Qutı kündä artip örü yuqladı* (25.19).

Байтдаги *qut* сўзи “давлат, бойлик” маъносини ифодаляйди. Шунга кўра, унинг остига *davlat* деб ёзиб қўйилган. Байт мазмуни шундай бўлади:

*Бу билим билан, кўргин, элини сақлади,
Давлати кунда ортиб, юқори кўтарилди.*

Qut сўзи бошқа бир байтда *iqbāl* деб изоҳланади:
Bu Aytoldi tegli qut-ol kör anı (22.10).

Бу билан асар персонажларидан бири бўлмиш Ойтўлдининг мажозий маъноси назарда тутилмоқда: “Бу Ойтўлди дегани – қутдир [яъни иқболдир], кўргин уни”.

Изоҳларнинг айримлари форсчада. Матнчиликдаги бу ҳодиса Ҳирот адабий-маданий муҳитининг таъсирида юз берган дейиш мумкин. Чунки мазкур муҳитда икки тиллилик аънанаси устивор эди. Чунончи: туркий *siğit* ни котиб *giryā* деб изоҳлаган (48.22), *qariğ* ни *dar* (9.23). Баъзи изоҳлар туркий ва форсийда. Жумла-

дан, *adin* сўзи бир ўринда туркий *özgä* (5.6), бошқа бир ерда эса форсча *digar* (6.8) сўзи билан изоҳланган.

Баъзи изоҳлар бирикма ҳолида: *ol edgü özüñ – dar āñ vaqt* (20.10), *bezāñip ödü – ārasta damā-dam* (24.8), *qutadğu* сўзи эса *ya'ni hujasta* ёки *hujasta bud* (22.7) деб изоҳланган.

Сатр остида сўзларнинг кўлёзма кўчирилган даврда қўлланган фонетик вариантлари келтирилади. Жумладан: уйғур ёзувли сатрдаги *qulğağ* сўзининг остига *qulağ* (82.6), *adirdi* остига *ayirdi* (16.8), *qulağuz* остига эса *[qula]wuz* деб ёзиб қўйилган (15.31).

Шундай қилиб, бахшининг ушбу изоҳларидан XV аср тилида (“чиғатой туркийси” деб аталаётган ёзма адабий тилда) архаиклашган луғат қатламини тиклаш мумкин.

Алишер Навоийнинг тилшунослик тарихидаги хизматлари

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий буюк шоир ва ёзувчи, тарихчи, адабиётшуноскина эмас, улуғ тилшунос ҳам эди. Унинг тилшуносликка тегишли икки асари бор: “Муҳокамату-л-луғатайн” ҳамда “Сабъат абхур” луғати.

Навоий “Муҳокамату-л-луғатайн” асарини ҳижрий 905 (мелодий 1499) йилда ёзди (*асар тўзрисида қаранг*: Содиков 2011).

Асар икки тил – туркий ва форсийнинг ўзаро қиёсига бағишланган. Навоий туркий улусни *türk, türklär, türk eli, türk ulusı; atrāk*, туркий тил(эски ўзбек тили)ни эса *türk tili, türk lafzi, türk alfāzi, türk 'ibārati; türkcä; türkî, türkî alfāz* деб атайти. Форсий улусни *sart, sartlar, sart ulusı, sart eli*, тилини эса *fārsî, fārsî til, fārsî alfāz* ёки *sart tili, sart lafzi, sart 'ibārati* деб атайти.

Ёзма манбаларда *sart* атамаси турли маъноларда ишлатилган. Навоий уни форсларга нисбатан қўллайди. “Абушқа” луғатида қайд этилувчи, ўша чоғларда “ажамнинг шаҳрини *sart* деганлар” (*sart – 'ajamîñ šahrîsîna derlär*) (DDT,273). Сўзнинг бу маъноси Навоий ишлатган маънога яқин келади.

Муҳими, “Муҳокамату-л-луғатайн” икки тилни шунчаки чоғиштириш учунгина ёзилган эмас. Унда икки тоифа тилининг бир-бирида қайтарилмайдиган қирралари ўзаро чоғиштирилиб, хос хусусиятлари илмий асосда ёритиб берилган. Навоийнинг ушбу асарни ёзишдан кўзлаган бош мақсади, туркийнинг бадий

адабиётда имкониятлари ниҳоятда чексиз экани, луғат бойлигини ёритиб бериш ва шу асосда ёш ижодкорлар эътиборини унга қаратиш эди. Навоийнинг айтмоқчи бўлгани, айрим туркий тилли шоирларнинг она тилида эмас, кўпрак форсийда ижод қилишни маъқул кўрганлигининг сабаби, туркийнинг бой ва чексиз имкониятларини билмагани, ундан фойдалана олмасликларидир.

“Муҳокамату-л-луғатайн” Навоийнинг тилшуносликдаги улуг кашфиётидир. Асар тилшуносликда янги-янги соҳаларни, тилни ўрганишнинг янги йўл ва усуллари очиб берганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Навоий ушбу асари билан шарқ тилшунослигидагина эмас, дунё тилшунослигида биринчи бўлиб типология соҳасини, тилларни ўзаро чоғиштириб ўрганиш ишини бошлаб берди. Тўғри, бундан бурун яратилган айрим луғатлар, грамматик асарларда тилдаги бирор ҳодисани очиб бериш учун, ўрни билан, муайян тилга чоғиштириб кетилган жойлари ҳам бор. Лекин улар турли тилларни чоғиштирма ўрганишга бағишланмаган эди. Навоий ўз асарида тилшуносликдаги ана шу бўшлиқни тўлдирди. У турли оилага кирувчи икки тил – туркий ва форсийни ўзаро чоғиштириб, типологиянинг лексик-семантик, фонологик, морфологик аспектларини ишлаб чиқди. Асар бошдан-охир типологияга, тилларни чоғиштириш йўриғига, метод ва усуллари таянади. Навоий икки тилни ўзаро чоғиштирар экан, тил бирликларининг стилистик жиҳатларига, унинг матндаги ўрни, тингловчига таъсири, матн лингво-поэтикаси масалаларига кенг тўхталади. Шу йўл билан у икки тилнинг лексик-стилистик, фоно-стилистик, морфо-стилистик жиҳатларини, қолаверса, ушбу тилларнинг лингво-культурологик белгиларини ёритиб берди.

Навоий икки тилни ўзаро чоғиштиришда уларнинг таянч нуқталарини топа олган. Улар тасодифий эмас, тилнинг бадий имкониятлари кенглиги ҳамда бойлигини илмий асосда очиб берувчи белгиларидир. Жумладан, фонетикада туркийнинг бошқа тилларда, хусусан, форсчада учрамайдиган ўзига яраша товушлари, семантикада нозик маъноли ҳаракат-ҳолатларни билдирувчи феъллар ва уларнинг мазмунга таъсири, синонимларнинг бадииятдаги ўрни, стилистик хусусиятлари, сўзларнинг кўпмаънолилиги, шунингдек, туркий атамалар тизимининг ўта бойлиги сингари муҳим лингвистик белгиларига эътибор қаратади. Навоийнинг тилшунослик тарихидаги хизматлари ниҳоятда улуг.

Навоий ўз асарини *risāla* деб атайти. Фан тарихида илмий асарлар шу ном билан юритилган. “Муҳокамату-л-луғатайн” – тилшунослик асари. У кенг омма тушуниши учун ўнғай бир кўринишда ёзилган эмас. Матн услуби ниҳоятда мураккаб ва оғир, илм аҳлининг тил бобидаги теран билимига таянган ҳолда, замонасининг етук ўқимишли кишилари, шоиру адиблар учун мўлжаллаб ёзилган рисоладир. Шунга қарамай, асарда муаллиф ўз илмий қарашларини аниқ ва лўнда тил билан баён этади, матн услуби ўта кўтаринки. Илмий услубда ёзилаётган ҳозирги рисоаларимиздан фарқ қилади. Бу жиҳатдан ўтмишда яратилган тарих китобларининг услубига ўхшаб кетади. Жумлалар бадиий услубда, муаллиф матн тузишда турли бадиий воситалардан кенг фойдаланган. Шу белгиларини кўзда тутиб, “Муҳокамату-л-луғатайн”ни фақат илмий эмас, бадиий асар сифатида ҳам ўрганса бўлади.

“Муҳокамату-л-луғатайн”нинг қўлёзмалари ва нашрлари

Фанда “Муҳокамату-л-луғатайн”нинг тўртта қўлёзмаси маълум:

А. Нусхалардан биринчиси Истанбулдаги Тўпқопи саройи музейи Равон кутубхонасида 808- сони остида сақланувчи Навоий куллийетининг 774а–781б- бетларидан ўрин олган. Ушбу қўлёзма 1497 йили кўчирилган. Хати ўта тартибли, ҳар бетига 27 қатордан матн битилиб, тевараги зарҳал хошия билан ўралган. Орадаги оятлар ва айрим арабча жумлалар қизил рангда. Ишимизда биз, асосан, ана шу матнга асосландик.

В. Асарнинг яна бир нусхаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Фотих бўлимида сақланаётган 4056-сонли Навоий куллийетига кирган.

С. Париж нусхаси. Ушбу нусха Миллий кутубхонада сақланаётган (Suppl. Turc. 316–317- сонли қўлёзма) Навоий куллийети таркибида. Қўлёзма 1526–1527 йилларда кўчирилган.

Д. Асарнинг яна бир қўлёзмаси Будапештда сақланмоқда.

“Муҳокамату-л-луғатайн” биринчи марта 1841 йили Парижда М. Катремер томонидан нашр этилди. 1882 йили Боғчасаройда И. Ғаспирали, 1895 йили Истанбулда Аҳмад Жавдат чоп эттирди. Асар 1917 йили Кўқонда тошбосма усулида ҳам чоп этилган. Тошкентда Порсо Шамсиев асарни уч қайта бостирди: 1940 йили

О. Усмон билан биргаликда лотин алифбосида кириш сўзи, матн ва ҳозирги ўзбекча талқинини берди. Ушбу нашрга асарнинг париж нусхаси асос қилиб олинган эди. Яна 1948 ва 1967 йилларда ёлғиз ўзи кирилл хатида чоп эттирди.

Асар Анқара, Ашгабад, Урумчида ҳам чоп этилган.

1996 йили асар Анқарада Турк тили қуруми томонидан янгидан чоп эттирилди. Мазкур нашр асарнинг мавжуд қўлёзмалари асосида йиғма-чоғиштирма матн кўринишида тайёрланган.

Асарнинг Тошкент нашрларининг бурунгилари (1948 ва 1967) айрим қисқартишлар билан босилган: уларда асарнинг айрим ўринлари, арабча диний мазмунли иборалар тушириб қолдирилган. Жумладан, китоб муқаддимасидаги тангрига бағишланган ҳамд берилмаган. Мухими шундаки, бу қисмда Оллоҳнинг марҳамату қудратини мадҳ этувчи учта ажойиб рубоий ҳам бор. Яна бурунги нашрларда Навоийнинг араб тилини таърифлаб ёзган айрим жумлалари ҳам туширилган.

Анқара нашрида қайд этилганларнинг бари тўлиқ.

Асарнинг 2000 йилдаги Тошкент нашрида ҳам аввалги нашрларда туширилган бўлаклар тикланибди.

Навоий туркий тилнинг сўз бойлиги тўғрисида

Навоий туркий тилнинг услубий қулайликларини кўрсатиш мақсадида форсийда муқобили бўлмаган юзта феълни келтиради. Уларнинг юзта сўз (*yüz lafz*) эканлигини муаллифнинг ўзи ҳам икки-уч ўринда таъкидлайди. Қизиғи шундаки, асарнинг Тошкент нашрида ушбу феъллар тўқсон тўққизта. Бунинг боиси, асарнинг бизга етиб келган қўлёзмаларида уларнинг сони турлича: Тўпқопи ва Париж нусхаларида тўқсон тўққиз, Фотих ва Будапешт нусхаларида юзтадир. Ушбу икки нусхада бошқа қўлёзмада тушиб қолган юзинчи феъл ҳам бор. У *čimdilamaq* феъли бўлиб, кетма-кетликда *qičiğlamaq* сўзидан сўнг келади. Йиғма матн тайёрлаш жараёнида Анқара нашрида матнга ана шу феъл ҳам киритилган. Бундан кўринадики, ҳалиги нусхани кўчираётган котиб бу сўзни тасодифан тушириб қолдирган.

Навоий келтирган нозик маъноли феъллар қуйидаги кетма-кетликдадир: *quwarmaq-u quruqşamaq va üşärmäk-ü jüyjajmaq va öñdäymäk-ü čigräymäk va domsaymaq-u umunmaq va osanmaq-u*

igirmäk va egärmäk-ü oxranmaq va tariqmaq-u aldamaq va arğadamaq-u işänmäk va iglänmäk-ü aylanmaq va erikmäk-ü igränmäk va awunmaq-u qïstamaq va qïynamaq-u qozğalmaq va sawrulmaq-u çayqalmaq va dewdäšimäk-ü qïmsanmaq va qizğanmaq-u nikämäk... ва бошқалар.

Шундан сўнг синонимларга, уларнинг услубий ўзгачаликлариغا эътибор тортилади. Навоийнинг ёзишича, шоирлар майнинг таърифида кўп муболаға қилдилар, май ичмак қондасида кўп сўз суриб, ниҳоясиз зариф таърифлар зоҳир қилурлар. Бири *sïpqar-maq* лафзидирким, муболаға бундан ўтмас. Байт:

Sāqiyā, tut bāda-kim, bir lahza özümdin baray,
Šart bu-kim, har nečä tutsaŋ, lab-ā-lab sïpqaray.

Новоийнинг эътирофича, *sïpqaray* сўзининг мазмунига етганда, форсий шеърда бу таърифни беришнинг иложи йўқ.

Яна *tamšïmaq* лафзики, маъноси “ғоят завқдан тез ичмасу, лаззат топа-топа, оз-оз ичар”. Ушбу ғаройиб маъно адосида туркчада шундай матла бор. Байт:

Sāqî çu içip maŋa tutar qoş,
Tamšï-tamšï anî qïlay noş.

Ёки *boxsamaq* лафзи адосида турк ушбу матлани айтибди:

Hijr anduhida boxsap-men, bilä alman, netäy?
May 'ilājïmdur, qorup dayr-i fanāğa 'azm etäy.

Форсийгўй турк беклару мирзодалар *boxsamaq* ни форсий тил билан адо этмакни тиласалар, нима қиладилар?

Шеърнинг бино ва мадори ишққа эврилади. Ошиқликда *yïğ-lamaq* дан куллийрак ва доимийроқ амр йўқдир ва унда навланиш (бўлиниш) бор: *yïğlamsïnmaq* мазмунидаки, турк бундай дебди:

Zāhid 'išqïn desä qïlğay fāš,
Yïğlamsïnur-u közigä kelmäs yaş.

Бу ўринда Зоҳиднинг Тангри-таолога бўлган ишқи, илоҳий ишқ тўғрисида сўз бормокда.

Яна *ïnrämäk* ва *sinrämäk* лафзларики, “дард билан яширин, оҳиста-оҳиста йиғламоқ” дир, ораларида тафовут оз топилур. Байт:

İstäsäm davr ahlidîn 'išqïŋnï pinhān äylämäk,
Kečälär gāh ïnrämäkdür 'ādatim, gāh sinrämäk.

Форсийда бу мазмунки бўлмағай, шоирнинг чораси қанча?
Яна *sīqtamaq* лафзиким, *yīḡlamaq* да муболағадир. Байт:

Ul ay-ki, külä-külä qıraḡlattı meni,
Yīḡlattı meni demäy-ki, sīqtattı meni.

Яна *ökürmək* ки, “кучли ун билан, тенгсиз фиғон билан йиғла-
ғайлар” (“*biyik ün biläki, e’tidälsiz āšub bilä yīḡlaḡaylar*”). Байт:

İsim taḡ üzrā har yan aşk sel-ābini sürmäkdür,
Firāq āšubidin har dam bulut yanliḡ ökürmäkdür.

Ökürmäk муқобаласида форсий тилда лафз йўқдир, форсий-
гўй шоир бунингдек ғаройиб мазмун адосидан махрумдир.

Яна *yīḡlamaq* нинг *ökürmäki* муқобаласида *inčkirmäk* лафзи
ҳам бор ва у “инчка ун билан йиғламоқ”дир. Байт:

Čarx zulmida-ki boḡzumni qirip yīḡlar-men,
İgirür čarx kibi inčkirip yīḡlar-men.

“Абушқа” луғатида *inčkirmäk* сўзига: *kāflar kāf-i ‘arabîdur, inčkā ün bilä yīḡlamaqdur*, – дея таъриф берилган (DDT,83).

Yīḡlamaq лафзига *hay-hay* ни ҳам қўшиб айтадилар ва бу ҳам
туркий услубдир. Байт:

Navāyî, ul gul üçün hay-hay yīḡlama kör,
Ki “hay” degünčä ne gulbun, ne ḡunča, ne gul bar.

Яна турк алфозида *qïmsanmaq* ва *qizganmaq* – икки ғариб
лафздирки, унинг адоси бу байтда бор. Байт:

’Uzārini ačarḡa qïmsanur-men,
Vale el körmäkigä qizganur-men.

Форсийгўй шоирлар бундай хўб мазмун адосидан бебаҳра-
дирлар.

Ошиқнинг оёғига тикан кирмакка улар (яъни форсийгўйлар) *xār*
лафзи билан арз қилибдурлар. Аммо *čökür* унга қараганда оғритув-
чидир, уларда бу лафз йўқдир. Туркчада бу шундай адо топибди:

Čökürlär-kim, seniḡ yolunḡa tewrälmiš ayaḡimḡa,
Čekip ul köy gardin sürmä tartar-men qaraḡimḡa.

“Абушқа” луғатида *čökür* сўзининг талаффузи ва маъноси
тўғрисида яхши маълумот берилган: *čökür – kāf kāf-i ‘arabîdur, dikān ma’nāsınadur* (DDT,249).

Яна ишқ йўлида маҳбубнинг назари муяссар бўлса, ошиқнинг ниёз юзидан телмурмаги сўнг муносиб ишдир. Бу лафз уларда йўқдир ва бунингдек лафзлари ҳам йўқдир. Туркчада бу бундай дейилибди. Байт:

Tökädür qanımni har dam közlärin baqip turup
Kim, neçä yüzümgä baqqay-sen yıraqdin telmürüp.

Яна турк лафзининг суюклиги *yasanmağ* муқобаласида сарт лафзида *ārasta* ва *ārāyiş* лафзи бор. Аммо *bezänmāk* муқобаласида бирор сўз демайдилар ва у *yasanmağ* нинг муболағасидир. Байт:

Erür bas çu husn-u malāhat saña,
Yasanmaq, bezänmāk ne hājāt saña.

Яхшиларнинг кўз ва қошлари орасини *qabağ* дерлар. Форсийда бу узвнинг оти йўқдир. Маснавийда бир жамоат гўзаллар таърифида бундай дейилибди, байт:

Meñizlari – gul-gul, mijalari – xār,
Qabağlari – keñ-keñ, ağızlari – tar.

Яна ишқ изҳорида *aşk* ва *yiglamaq* муқобаласида *āh* ва *işsiğ dam* фурсатидир. Турклар “дам”ни *çaqin* га ва “ох”ни *ildirim* га нисбат бериб дебдурлар, байт:

Firāqin içrā ulus örtämäkkä, ey mähim,
Çaqin durur damim-u ildirim durur āhim.

Сарт тилида *çaqin* ва *ildirim* дек тайинланган ва мўътабар икки нарсага от қўймаганлар. Араб тилидаги *barq* ва *sa'iq* лафзлари билан адо қилибдурлар.

“Абушқа” луғатида *çaqin* сўзининг маъноси “чақмоқнинг шуъласи” (*çaqmaqdan cıqqan şu'laya derlär*) дея изоҳланган (DDT,233).

Хусн таърифида “улуғроқ хол”га турклар *тең* от қўйибдурлар, улар эса от қўймайдилар. Турк бу таърифни бу нав адо қилибдур, байт:

Aniñ-kim, al eñindä meñ yarattı,
Boyi birlä saçini teñ yarattı.

Агар бир-бирини лафзлар ваъзида улар қисқа қилибдурлар, арз қилинғудек бўлса, сўз узайиб кетади.

Навоийнинг таъкидлашича, омоним сўзлар ҳам бадий санъатга йўл очади. Шеърда *tajnis-u iyhām* [мисралар охирида жинсдош, шаклдош сўзлар ишлатиб, турли маънолар чиқариб, сўз ўйини қилиш] қоидаси бор. Чиройли ибора ва гўзал белгиларда форсийдан кўра туркчада кўпроқ тажнисни билдирувчи сўз ва ийҳомни англатувчи нукталар борки, бу назмни безантиради ва санъатли қилади. Масалан: *at* сўзини олайлик: бир маъниси “от, исм”дир, яна бир маъноси “минадиган от” ва яна бир маъноси “амр”дирки, *tašniʼya oqniʼat* деб буюрғайлар. Мисол:

Čun pari-vu hurdur atīṅ, begim,
Surʼat ičrā dev erür atīṅ, begim.
Har xadaṅi-kim, ulus andin qačar,
Nātavān jānīm sarī atīṅ, begim.

Ушбу туюқда кечган биринчи *at* – “от, исм”; иккинчиси – “от, хайвон”; учинчи *at*- эса феъл, буйруқ маъносидадир.

Бу икки байт *tajnis-i tām* [тўлиқ тажнис]дир ҳамда турк шоирларига хос бўлиб, сартда йўқдир. Буни *tuuyğ* дерлар.

Яна *it* лафзи, унда ҳам уч маъни бор. Мисол:

Ey raqib, özni aṅa tutsaṅ ham it,
Bizgā rahm äylāp anīṅ köyidin it.
Garči bar dozaḥča ʼišqīṅ šuʼlasī,
Bizni öz ilgiṅ bilä ul sarī it.

Ушбу туюқнинг биринчи сартидаги *it* – “ит, кўппак”, иккинчиси – “йўқот”, сўнгги сатридагиси эса “элт” маъносидадир.

Яна *تشوʼtiš* сўзида ҳам юқоридагидек уч маъно бор. Яна *уап* сўзида ва *уақ* сўзида ҳам шундайдир. Бу хилдаги уч маъноли сўзлар туркийда кўп топилади.

Ва шундай сўзлар топилурки, тўрт маъноси бўлади. Масалан, *бар* *bar* сўзи: бир маъноси – “мавжудлиғ” (таъкид), бир маъноси – “борувга амр”, бир маъноси – “юк”дир, бир маъноси – “самар” (мева)дир.

Шундай сўз ҳам топилурки, ундан беш маъно англашилади. Масалан, *сағин* *sağīn* сўзи: бир маъноси – “ёд қилмоққа буйруқ”, бири – “сурли қўйнинг оти”дир, “ишқ мастлиги”ю “мажнунлиги” ва “хасталиги” муқобилида *sağīn* деса бўлади ва ҳар бирининг ўрнида ишлатса бўлади.

Яна андоққи, *تۈز tüz* сўзики, ундан бир неча маънони англаш мумкин. Бири *tüz* – “ўқ ёки найзага ўхшаш нарса”га айтилади, яна *tüz* – “текис дашт”ни дерлар, яна *tüz* – “тўғри киши”ни айтадилар, яна *tüz* – “чолғуни созламоққа буруқ”дир, яна *tüz* – “икки киши орасида мувофақат солмоқ (келиштириш, яраштириш)”. Яна *tüz* – “бирор мажлис (ўтириш) анжомлари”ни айтиш ҳам мумкин.

Яна *كۆк kök* сўзини ҳам бир неча маънода ишлатадилар. Бири *kök* – “осмон”ни дейдилар, яна *kök* – “оҳанг”дир, яна *kök* – “тикарда кўкламак, кўклуб тикиш”, яна *kök* – “қадағ(бўёқ)”ни ҳам дерлар, яна *kök* – “сабза ва ўланг”ни ҳам дерлар.

Бу хилдаги уч, тўрт ва ундан ортиқроқ маъно англашиладиган сўзлар кўп, форсий сўзларда бундай нарсалар йўқдир.

Яна ейиладиган озиқ-овқатни *yegülük* дейдилар. Сарт элининг кўпи, балки барчаси емакни ҳам, ичмакни ҳам *xordan* сўзи билан айтадилар.

Улуғ қардош ва кичик қардошнинг ҳар иккисини *barādar* дейдилар, турклар улуғни – *ağa*, кичикни – *ini* дейдилар. Улар улуғ ва кичик қиз қардошни ҳам *xāhar* дейдилар. Булар улуғни – *egāci* ва кичикни – *siñil* дейдилар. Булар отанинг оға-инисини – *apağa*, онанинг оға-инисини – *tağayı* дейдилар. Улар ҳеч бирига от белгиламайдилар, араб тили билан *em* ва *xāl* дейдилар. *Kökältaş* ни туркча айтадилар, *ätäkä* ва *enägä* ни ҳам бу тил билан айтадилар.

Бир аниқ нимақим, *aq üy* дир, унга *xirgāh* деб от қўйганлар. Аммо унинг бўлақларининг кўпини туркча айтадилар, андоққи, *tünlük-ü üzük va torluğ-u basruğ va čig-u qanat va közänäk-ü uwiğ va bağış-u bosağa va erkinä* ва шунинг сингари.

Овда асосийси кийикдир, турк унинг эркагини – *huna*, тишисини (урғочисини) *qılçaqçı* дейди. Яна суйқуннинг эркагини – *buğu*, тишисини – *maral* дейди, сарт эса *āhu* ва *gavazn* дейди, холос.

Тўнғизнинг эркагини – *qaban*, тишисини – *megājin*, ушоғини – *čorpa* дерлар. Сарт эса барчисини *xuk* ва *gurāz* дейди.

Қушларга келганда, булар ичида аниқ ва машҳури *ilbäsän ördäk* бўлиб, бу овладиган ўрдак, дегани. Ҳозирги ўзбекчада *илвасин*, *илвасингина* сўзлари ҳам ишлатилади. Навоий сўзида давом этади: сарт эл *ilbäsün* нинг ўзини билмайди. Турк ўрдакнинг эркагини – *sona*, тишисини *borčün* дейди. Сарт буларга ҳам от қўймасдан, нар ва мода иккаласини *murğābi* деб атайди. Ўр-

дакнинг хилларини яхши биладиган кушчилар қошида, масалан, *čörkä, erkä, suqsur, almabaš, čaqırqanat, temürqanat, alalağa, alapökä, bağçal* ва бу йўсинлиғ от билан айтайдиларки, улар етмиш хилга боради, сарт эса барчасини фақат *murğābi* дейди. Агар бир-биридан ажратмоқчи бўлса, туркча атайди.

Яна дашт кушларидан *toğdaq, toğdari, čağruq, qılquyruğ, qulapurğa, yalapalağ, quladu, lägläk, čaylaq, qaraquş, telbäquş, čiqčiq* дек кушларнинг отлари йўқдир, кўпини туркча айтурлар. Тоғ ва тузда *čilğa, soqmağ, döş, arğadal, qیرهsmä, burtağ-u segritmä, sirt, uçma, ešmä, ilat, qiralan, toqay, köl, köyläk, sañ, sayan, čaqil, say, šortan* дек нималарнинг кўпига от тайин қилмайдилар.

Жониворларнинг довушидан бир отнинг кишнамаги [*kišnamäk*]га *šiha* деб от қўйибдилар. Туянинг бўзламоғига [*bozlamaq*]ю сигирнинг мунграмаги [*münrämäk*]га ва эшакнинг инграмоғига [*iñramaq*]ю итнинг тегишмаги [*tegišmäk*]га ва увламоғи [*uwlamaq*]га форсчада сўз йўқдир.

Яна отнинг *tabučaq, arğumaq, yäkä, yabu, tatu* йўсинлиқ хилларининг барини фақат туркча айтурлар. Отнинг ёшини ҳам кўп-рагини туркча айтадилар. Ёлғиз кулунни *kurra* дерлар, бошқаларини: *tay, ğonan, donan, tulan, čirğa, lanğa* сингариларни сўзга чечанлари туркча айтадилар, кўпчилиги буни ҳам билмаслар.

От эгарини гарчи *zin* десалар ҳам, кўп жабдуқларини, мисли *jibilgir, hana, toqum, jazliğ, olañ, qom, olarčağ, ğanjuğa, jilbur, quşqun, qantar, tüfäk, toqa* йўсинлиғ туркча айтурлар. Қамчини *täzyāna* десалар ҳам, аммо *büldürgä* сини ва *čupčurğa* сини туркча айтадилар.

Яна *jibä, jäwšän, köhä, qanğalduruq, qarbiči, kečim, aha* сингари уруш асбобини ҳам туркча айтадилар.

Маълум кийимлардан, мисли *dastār, qalpaq, navrozî, toppi, širdağ, däkälä, yeläk, yağliğ, terlik, qur* сингари нарсаларнинг барини туркча айтадилар.

Егуликлардан гарчи кўй аъзоларидан баъзисига от қўйган бўлсалар ҳам, аммо *arqa, aşuğluğ ilik* ни ва *yan söñäk, qaburğa, ilik, orta ilik* ва *boğuzlağı* ни туркча айтадилар. Яна баъзи емаклардан *qaymağ, qatlama, bulamağ, qurut, ulaba, mantu, quymağ, ürkämäč* ни ҳам туркча айтадилар. *Qimiz, suzma, baxsum, boza* ни ҳам туркча айтадилар. Яна *tutmač, umač, kümäč, talğan* ни ҳам туркча айтадилар. Бу хил майда нарсалар жуда кўп топилади.

Алишер Навоийнинг “Сабъат абхур” луғати

“Сабъат абхур” (“Етти денгиз”) Алишер Навоийнинг арабшунослик, хусусан, араб лексикографияси соҳасида яратган йирик ишидир. Луғатда классик араб тилидаги сўзлар араб тилида изоҳланади (*қаранг*: Ҳасанов 1981).

Навоий ҳаёти давомида, айниқса, йигитлик йиллари араб дунёсида, бутун мусулмон оламида шуҳрат топган машҳур арабча асарларни қунт билан ўқиб чиққан. Навоий бу асарларни ўқиб тушуниш жараёнида “Саҳох” луғати, “Кашшоф”, “Қуръон тафсирлари”, ҳадис ва бошқа луғатлардан кенг фойдалангани аниқ.

Масалан, “Сабъат абхур”нинг ذهاب луғат мақоласида 25 сўз ва иборага изоҳ берилган. Буларнинг изоҳлари “Саҳох”, “Такмила” луғатлари, “Кашшоф” тафсири ва “Ғаройиб ал-ҳадис” луғатларидан олинган. Навоийни шоир ва адиб сифатида қизиқтирган девон, мақом, тарихий асарлар, грамматикага оид рисолалар, Қуръон ва ҳадислардаги сўзларнинг маънолари тушуниш учун зарур бўлган луғатлар ва тафсирни танлаган.

Навоий турли вақт ва шароитда луғатнинг у ёки бу ерида жойлашган сўзларни йиғиб, маъносини машҳур луғатларга таянган ҳолда изоҳлаб юрган, кейинчалик у луғат тузишга киришган.

Муаллиф ўз луғатининг илмийлигини таъминлаш учун энг ишончли етти китобни сайлаб олган. Булар Жавҳарийнинг “Саҳох” изоҳли луғати; Соғонийнинг “Такмила” луғати; Маҳмуд Замахшарийнинг “Кашшоф” тавсири; Ибн Ҳожибнинг грамматикага оид “Муфассал” иккита муқаддима ва шарҳлари; Ғаройиб ал-ҳадис – ҳадис сўзларига тузилган луғатлар; Турли муаллифларнинг луғатлари, девон, рисола ва бошқа асарларнинг шарҳлари. Булар шартли равишда бир китоб саналиб, “Завойид” номи билан аталган (Ҳасанов 1981, 64–65).

Навоийнинг ушбу луғати муайян тизим асосида тузилган бўлиб, алифбо тартиби бўйича йигирма саккиз бобдан иборат. Бобларда сўз ўзагининг охирги ҳарфига эътибор берилади. Ҳар бир боб йигирма саккиз фаслли бўлиб, фаслларда сўз ўзагининг биринчи ҳарфига эътибор берилади. Кимки, бирор сўзни луғатдан топомқчи бўлса, аввал бобни, сўнг фаслни, ўртадаги ҳарфларнинг тартиби бўйича фасл таркибидан топади. Яъни, бирор сўзни луғатдан топиш учун аввал сўз ўзагининг охирги ҳарфига кўра

бобини, сўнг биринчи ҳарфига кўра фаслини топиб, ўрта ҳарфига таянувчи ички фаслдан қидирган сўзимини топамиз. Айтайлик, *مجاليس* сўзини луғатдан топиш учун бу сўзнинг ўзаги *جلس* нинг охирги ҳарфига кўра луғатнинг “с боби”ни, биринчи ҳарфидан эса “ж фасли”ни, ўрта ҳарфи *ل* га кўра *مجاليس* сўзининг ўзаги *جلس* ни “ж фасли” ичидан топамиз. Бизга керак бўлган *مجاليس* сўзининг изоҳи *جلس* луғат мақоласида бўлади.

“Сабъат абҳур” ўз ичига 8609 луғат мақалани олган (Ҳасанов 1981,85-86). Луғатга кирган деярли ҳамма исмлар изоҳланганда уларнинг муаннас ёки музаккар, бирлик, кўплик, баъзан иккилик формалари албатта кўрсатилади. Сўзларнинг грамматик формаларини кўрсатиш билан бирга, навоий луғатининг “Саҳоҳ”дан фойдаланилган қисмида сўзларнинг таркибидаги товуш ўзгаришларини грамматик қоидалар билан асослаб ўтади. Аммо кўп ўринда Навоий “Саҳоҳ”да бор грамматик қоида ва тушунтиришларни қайтариб ўтирмайди, уларни тушириб қолдиради.

Луғатда кўп сўзларнинг этимологияси тўғрисида ҳам маълумот берилади. Бу маълумотлар “Саҳоҳ”, “Такмила” ва “Кашшоф”дан олинган.

Луғатда жой отлари, тоғ, дарё отлари ҳам берилади. Жумладан, *جب* луғат мақоласидаги географик отларни кўриб чиқайлик (қаранг: Ҳасанов 1981,88):

- الجباب* – Макка тоғлари ёки йўллари.
- جبان* – Аҳвоздаги бир қишлоқ.
- الجب* – Наҳравондаги бир қишлоқ.
- جب* – Барбар шаҳарларидан бири.
- جبة عميرة* – Миср Фустодидаги бир мавзе номи.
- جب الكدب* – Ҳалабдаги бир қишлоқ.
- دير الجب* – Мосул шарқидаги бир дайр.
- جبيب* – Мавзе, жой номи.
- الجبابات* – Зухор ёнидаги бир жой номи.

Луғатдан ўсимлик отлари, ҳайвон номлари ва бирор соҳага (адабиётшунослик ва тилшуносликка, тиб соҳасига) тегишли ата-малар ҳам ўрин олган.

Сўзларнинг маъноларини тасдиқлаш учун Қуръон оятлари, ҳадислардан олинган мисоллар кўп.

“Сабъат абхур” Алишер Навоийнинг араб тилини ўрганиш йўлида узоқ йиллар тўплаган материаллари асосида яратилган луғатдир. Бу нарсa бошдан Навоийнинг режасига кирмагани учунми, Навоий асарлари сирасида қайд этилмай қолган кўринади. Замондошларининг бу ҳақда ҳеч гап айтмаганлиги ҳам шундан бўлиши керак. Луғат ўзининг тузилиши, илмийлиги ва амалий аҳамиятига кўра араб лексикографияси тарихида яратилган “Саҳох”, “Такмила” луғатларига тенглашади. Навоий ушбу луғатни яратишда араб лексикографлари қўллаган анъаналарнинг энг сараларига эргашди. Бу борада ўзи ҳам улардан қолишмаслигини исботлаб берди.

Муҳаммад Шайбонийнинг туркий тил грамматикасига бағишланган асари

Ҳасанхожа Нисорий ўзининг “Музақкири аҳбоб” тазкирасида Муҳаммад Шайбонийхон ҳақида маълумот бера туриб, ёзади: “Дейдиларки, хон Ҳазора қалъаси фатҳига отланганда бир ғазал битиб, Ҳири шайху-л-исломи ва Қози Ихтиёрга юборибди. ... Қози Ихтиёр туркий тилни билмас экан, унинг учун туркий тил қонун-қоидалари китобини битиб юборибди” (МА.21). Ушбу маълумотларга қараганда, Шайбонийхоннинг шеърӣ девонидан ташқари, туркий тилга бағишланган грамматик асари ҳам бўлган, мазкур асар форсийда битилган. Бироқ у кунимизга қадар сақланган эмас.

“Бадойиу-л-луғат”

Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган биринчи луғатдир. Уни тахминан 1500 йили Ҳусайн Бойқаро фармонида кўра Толе Имоний Ҳиравий тузган. Ҳусайн Бойқаро ушбу луғатни тузишни бошқа бировга эмас, айнан шу олимга топширганлиги бежиз эмас. Бу унинг иқтидоридан, кучли олим, бу соҳани ўта даражада яхши билганидан далолатдир. Навоий “Мажолису-н-нафоис”нинг биринчи мажлисида Толе Имоний Ҳиравийни ўзига замондош, тўғрироғи, у ёш эканлиги чоғида яшаб ўтган шоирлар қаторида тилга олган эди; уни *Мавлоно Толей* деган. Тазкирада ҳатто унинг бир форсий байтидан мисол ҳам келтиради. Толе Имонийнинг ёши Навоийдан бир оз улуғ бўлгани учун уни шу туркумга киритган кўринади (*қаранг*: Щербак 1962,53).

“Бадойиу-л-луғат”нинг хижрий 1117 (мелодий 1705–1706) йили кўчирилган қўлёзмаси Санкт-Петербургдаги М.Е. Салтиков-Шчедрин номидаги давлат кутубхонасида сақланмоқда (Хаников коллекцияси, 35-сонли қўлёзма). Асарни А.К. Боровков факсимили билан бирга чоп эттирган (қаранг: Боровков 1961).

Луғатда Навоий асарларида қўлланган 854 та асосан келиб чиқиши туркий, оз сонли арабча сўзлар форс тилида изоҳланган (қаранг: Ҳасанов 1989 (1), 4–16). Ҳар бир сўзнинг товуш тузилиши, унинг маъноси, грамматик хусусиятлари ҳақида маълумот берилади. Луғатда сўзларнинг маъносини очиқлаш мақсадида Навоийнинг “Хамса”, “Лисону-т-тайр” дostonлари, “Махбубу-л-қулуб”, “Мажолису-н-нафоис” асарлари, “Хазойину-л-маоний” девонидан мисоллар келтирилади. Мисоллар келтирилганда, айниқса, шеърий байтларнинг мазмуни форсчада изоҳланади.

Луғатда Лутфий, Ҳусайн Бойқаро шеърларидан, Мир Ҳайдарнинг “Махзану-л-асрор” асарларидан ҳам мисоллар берилган. Суҳайлий ва Азрақийдан эса биттадан мисол берилган.

Ҳар бир сўзнинг маънолари ва маънолар тасдиғи учун келтирилган мисоллар биргаликда луғат мақолани ташкил қилади. Бош сўз матнда бошқаларидан ажратилиб қизилда битилган, баъзан устига чизик тортиб ҳам қўйилган.

Луғатда сўзлар биринчи ҳарфи бўйича араб алифбоси тартибида келади. Ҳар бир ҳарф билан бошланган сўзлар биргаликда *bab* деб аталади. Туркий сўзлар ичида араб тилига хос айрим товушлар билан бошланувчи сўзларнинг учрамаслиги сабабли бобларнинг сони ҳам озроқ – улар йигирма тўртта.

Луғатдаги фонетик ва грамматик изоҳлар ўта аҳамиятли. Бу изоҳлар туркий тилни яхши билмаган кишиларга асқотади. Қолаверса, ҳозирги фан учун ҳам Навоий асарлари, қолаверса, классик асарлар тилини ўрганишда ишончли далилдир.

Толе Имоний унлилар учун *والاشباع* (*val-išba'*) (яъни “*išba'* билан”) ҳамда *بالاشباع* (*bil-išba'*) (“*išba'*сиз”) атамаларини қўллаган. А.К. Боровков *val-išba'* атамасини “с насыщением”, *bil-išba'* атамасини эса “без насыщения” дея талқин қилади. Унингча, Толе Имоний *val-išba'* атамаси остида тор *i*, *ï*, *ü*, *u* унлиларини, *bil-išba'* атамаси остида эса ўртатор *e*, *ö*, *o* унлиларини кўзда тутган. Масалан, *ایش* даги “алиф” *išba'*ли касра билан (“с насыще-

ниям”) талаффуз қилинса – “иш”(дело); агар “алиф” *išba’* сиз касра билан (“без насыщения”) ўқилса – “эшмак” (“вить”, “прясть”) сўзи англашилади (Боровков 1961,12).

Луғатда муаллиф сўзларни кўпроқ ёзилишига кўра туркумлаштиради: биринчи ёзилишини бериб, сўнг уларнинг талаффузи ва маъносини изоҳлайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги изланувчи бундай сўзларнинг талаффузини аниқлашда ўта хушёр бўлмоғи керак. Масалан, *يلا* (356) сўзи *äylä* (яъни “шундай”) маъносини англатади, агар ундаги “алиф” касра билан ўқилса – *ilä* (яъни “билан”) сўзи келиб чиқади. *بيل* (42a) ҳам икки хил ўқилади ва икки сўз англашилади: *bel* ва *bil*-. Ёки: *قين* (716) ни *išba’* билан ўқилса – *qiyün* (яъни “кийин”), агар *išba’* сиз ўқилса – *qin* (яъни “қин, пичоқнинг қини”) англашилади; *اون* ни *išba’* ли замма билан ўқилса – “нидо” (“сас, овоз, ун”); агар бу сўз *išba’* сиз ўқилса – “ўн” раками англашилади (226).

Сўзнинг биринчи ҳарфини ундан кейинги унли билан бирга тўғри ўқиш учун *bi-fath* (*a-ä* билан), *bi-zamm* (*u-ü-o-ö* билан), *bi-kasr* (*i-i* билан) сингари фонетик ишоратлар ҳам келтирилади. Аслида бундай фонетик қайдлар келтирилмаса ҳам бўларди. Чунки луғатда қабул қилинган принцип бўйича, сўзларнинг ҳарфини ҳам уларнинг қайси бобга кирганлигига қараб тўғри ўқиш мумкин. Лекин боб ичида сўзлар кўп, айниқса, биринчи ҳарфдан кейин унли ёзилмаган бўлса, уни хато ўқиш мумкин. Шунинг олдини олиш учун ҳам шундай қайдлар берилади. Масалан: *قراقچي* сўзининг биринчи ҳарфидан кейинги унли ёзилмаган, бироқ изоҳда *bi-fath* ишораси борлиги учун ўқувчи уни *qaraqčī* (яъни “қароқчи”) деб ўқийди. Акс ҳолда уни *qīraqčī* ёки *qurraqčī* деб ҳам ўқиши мумкин эди (Ҳасанов 1989(1),8).

Луғатда феъллар *-maq*, *-māk* кўшимчали инфинитив кўринишда берилган. Муаллиф уларни *masdar* деб атайдди.

Yalbarmaq – *iltimās kardan*; *yalbardim* – *iltimās kardam*; *yalbariñ* – *amr ba jamāa-i muxātibin*; *yalbarmiš* – *xabar az muğāyib-i vāhid, ba ma’ni iltimās karda ast*.

(Маъноси: *Yalbarmaq* – илтимос қилмоқ; *yalbardim* – ёлбордим; *yalbariñ* – тингловчи жамоага буйруқ; *yalbarmiš* – ўзганинг эшитганлиги тўғрисида хабар, “илтимос қилгандир” маъносиди).

Феълнинг масдардан ясалган бошқа кўринишлари ҳам бош сўз бўлиб келиши мумкин.

Фонетик ва грамматик қайдлар луғат мақолалар ичида изоҳлар билан бирга аралаш келади. Баъзи сўзларнинг маъноси форсча эквивалентлар билан ҳам берилади. Масалан, *sayaq – tanhā, gūnāš – āftāb* сингари. Айрим ўринларда сўзнинг арабча таржимаси ва ўзбекча синоними ҳам кўрсатилади:

Tulum - ... мастона ашула айтиш ва эшитиш. Бу туркларнинг машҳур одати. “Ҳайрату-л-аброр”да келади: ”

*Türk surudī bilān salīp qolum,
Qilsa adā-yi ölüm vay tulum.*

Ёки:

Šaq – bi-alif-i maqsura; nāvdān ke dar luğat-i ‘arab mezāb goyad (қисқа алиф билан, “нов”, араб тилида уни “мезоб” дейдилар).

“Бадойиу-л-луғат” “чиғатой туркчаси”, хусусан, Навоий асарлари бўйича тузилган эса-да, айрим ўринларда ўғуз лаҳжасига хос хусусиятлар ҳам учраб туради. Муаллиф буни ўз ўрнида таъкидлаб ўтади ҳам. Масалан, ўша лаҳжаларда *at* ўрнида *ad*, *tar* ўрнида *dar*, *tañ* ўрнида *dañ* талаффуз қилинади, дея таъкилайди олим.

Толе Имоний ушбу луғати билан лексикография тарихида эски ўзбек тили луғатини йиғиш, биринчи галда, Навоий асарларида қўлланган сўз бойлигини жамлаш, уларнинг маъносини ёритиш ишини бошлаб берди. Мазкур луғат кейинги давр ўзбек лексикографияси учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

“Абушқа” луғати ва унда сўзларнинг изоҳланиш принциплари

“Абушқа” туркий лексикография тарихидаги илк чиғатойча-туркча изоҳли луғатдир (қаранг: DDT). Луғатнинг муаллифи тўғрисида бир тўхтамга келинганича йўқ. Баъзилар унинг муаллифини Мустафо бин Содик деган. Б. Ҳасанов кейинги даврда тузилган “Санглох” луғатининг муаллифи Мирзо Меҳдихоннинг ана шу ва бизгача етиб келмаган қандайдир бир луғат тузувчиларини “*muallif’ayn gumî’ayn*” (“румлик икки муаллиф”) дея тилга олишига кўра “Абушқа” муаллифини *Румий* нисбаси билан атайди (Ҳасанов 1989(1),17).

“Абушқа”нинг яратилган йили, ҳатто луғатнинг ўз оти ҳам маълум эмас. Луғатнинг илк бош сўзи “қария, кекса” маъносидаги *abušqa* билан бошлангани учун, луғатга ҳам шу от бериб кетилган.

Классик ўзбек тили (“чиғатой туркийси”), хусусан, Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган луғатлар ичида қўлёзмалари энг кўп тарқалгани “Абушқа”дир. Қўлёзмалари Британия музейида, Вена кутубхонасида, Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин, университет кутубхоналарида, Россия ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Вена қўлёзмасининг 1552 йилда, Британия музейидаги нусхасининг 1554 йилда кўчирилганига кўра, луғат Навоийнинг ўлимидан бир оз кейин – XVI аср ўрталарида яратилган дея тахмин қиладилар (Щербак 1962,53–55).

Асарнинг учта қўлёзмаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (Ҳасанов 1989(1),18).

Асар классик матнларда ишлатилган сўзларнинг маъноларини очиқлашга бағишланган бўлиб, мисоллар Мавлоно Лутфий, Мир Ҳайдар, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ адибларнинг асарларидан сайлаб олинган. Булар маъноси ҳар кимсага, айниқса, туркийнинг бошқа лаҳжаларида сўзловчи кишиларига тушунарли бўлмаган, ўзига хос маъноли ёки чиғатой туркчасида муайян англамда ишлатилиб, кейинчалик унутилган сўзлардир. Луғатга 2054 га та сўз ва сўз шакллари кирган.

Сўзлар бошланиш ҳарфларига кўра 21 бобга ажратилган. Боблар ўз ичига кирган сўзларнинг бош ҳарфлари номи билан (масалан, “*al-harf al-alif*”, “*al-harf al-bā*” сингари) юритлади.

Бобларнинг ҳар қайсиси ўз ичида уч қисмга бўлинган. Аввалги қисмда биринчи ҳарфи фатҳали, сўнг касрали ва бобнинг охирида биринчи ҳарфи даммали сўзлар келади.

Луғатнинг биринчи “алиф боби” фатҳали қисмида сўзлар биринчи ва иккинчи ҳарфларига кўра алифбо тартибида жойлаштирилган (*abušqa*, *abağa*, *ataldī*, *atqadī*, *atar*, *atağil*, *atip* сингари). Қолган бобларнинг ҳаммасида сўзларни алифбо тартибига солишда уларнинг уч ҳарфи эътиборга олинади, қолган ҳарфлари эса ҳисобга олинмайди.

Ёзилиши бир хил, талаффузи турлича бўлган сўзлар, яъни амографларнинг ҳар бири мустақил сўз мақола сифатида берилади. Масалан: *ot* – *ātaš ma’nāsidadur*; *ot* – *yerdā bitkän ot ma’nāsidadur*; *öt* – *amr edip, keč demäkdür*.

Муҳими, луғатда сўзлар маъносини изоҳлашнинг ўзига яраша принциплари амал қилади. Муаллиф танлаган йўлни, унинг принципларини ўрганиб, турк лексикографиясининг тарихий методлари, қолаверса, чиғатой тилидаги матнлар мазмунини тўғри талқин этиш имконига эга бўламиз. Луғат муаллифи чиғатой тили луғатидаги сўзларнинг маъноларини очиклашда уларнинг икки жиҳатига эътибор қаратади. Биринчиси – сўзларнинг фонетик хусусиятлари. Маънони ечиб беришда сўзларнинг товуш белгилари муҳим омил эканлигини кўзда тутган ҳолда, чиғатой матнларида ишлатилган сўзларнинг талаффузи, ёзилиши, фонетик вариантлари кенг қамровда ёритилади. Бу нарса ўша замонларда ҳам кипчоқларга ёки ўғуз туркларига, айниқса, усмонли туркчасида сўзловчиларга чиғатойча матнларни ўқиш ва уларнинг маъносини талқин этишда қўл келган.

Маълумки, эски туркча матнларда жарангли [g] ва жарангсиз [k] товушлари ёзувда фарқ қилмайди, иккови ҳам *kāf* ҳарфи билан берилган. Луғат муаллифи уларнинг талаффузини акс эттириш мақсадида турли атамалардан фойдаланган: жарангли [g] учун *kāf-e 'ajamî*, жарангсиз [k] учун эса *kāf-e 'arabî* атамасини қўллайди. Масалан, *ögürmək* сўзини изоҳлар экан, ундаги *kāf* ҳарфларининг талаффузига тўхталиб, “*kāf-e avval 'ajamî va kāf-e sâni 'arabîdur*” деб ёзади (DDT.111). Ёки *emgäk* сўзининг изоҳида “*kāf-e avval 'ajamî, kāf-e sâni 'arabîdur*” дея урғулайди (DDT.20). Яна мисоллар: *öksük* – *kāf kāf-e 'arabîdur* (DDT.111); *özgä* – *kāf kāf-e 'ajamîdur* (DDT.105).

Шунингдек, туркий матнларда *jim* ҳарфининг вазифаси ҳам икки хил, у [j] ва [č] товушларини билдиради. Муаллиф уларни айириб кўрсатиш мақсадида: [j] учун *jim-e 'arabî*, жарангсиз [č] учун эса *jim-e ajamî* атамасини ишлатади. Масалан, *ajığ* ёки *ajiq* сўзини изоҳлар экан, ундаги *jim* ҳарфининг талаффузига ва сўзнинг маъносига тўхталиб, “*jim-e 'arabî-lä, “ajî” demäkdür*” дея урғулайди (DDT.10). Ёки *kečti* сўзининг изоҳида *kāf* ва *jim* ҳарфларининг талаффузига тўхталиб, “*kāf kāf-e 'arabîdur va jim jim-e ajamîdur*” дея таъкидлайди (DDT.256).

Луғатда айрим сўзларнинг фонетик вариантларига ҳам эътибор қаратилади; муаллиф уларнинг ҳар икки кўринишини беради. Масалан: *Ayağ* va *ayaq* – “*qadah*” va “*pāy*” *ma'nāsindadır* (DDT.29).

Луғат муаллифининг эътиборидаги иккинчи жиҳат сўзларнинг маъноларини изоҳлашдир. Сўзлар маъносини изоҳлар экан, айни маънода кимнинг асарида, қайси байт, ҳатто қандай вазиятда қўлланилганини аниқ кўрсатади ҳамда ўша байт ёки жумлани мисол келтиради.

Масалан, *köklä*- сўзининг таърифида ёзади: *Köklä* – *kāf* lar *kāf*-e 'arabîdur, amr edüp "sāz çal-" ma'nāsînadur-ki, "Mahzan Mir Haydar"da maqāla-i avvalda kelür-ki, bayt:

Türk surudîni tüzük birlä tüz,
Yaxşı ayalğu bilä köklä qobuz.
Va yana "Ġarāyibu-s-siğar"da kelür-ki, bayt:
Dedim tarāna-e jān yaxşı mutribā sen xud,
Firāq sâzi tüzüp öltürür kökin çaldîğ.
Kök öldürmāk vaznında va āhanîda çaldük demäkdür (DDT.269).

Яна мисол: *Qoşuq* – urğuştak usulında iрlanan tarkıba derlärki, "Mezānu-l-avzān"da bir türkidä kelürki, yana qoşuqdur-kim, urğuştak usulıda şāyedur va urğuştak tafsili "Alif-e mazmuma"da keçmişdir va yana "Hayratu-l-abrār"da söz ta'rifında kelür-ki, bayt:

Anlamayîn sözdä tuyuq bahrini,
Qaysi tuyuq, balki qoşuq bahrini (DDT.342).

Yawçin "qonaq" ma'nāsînadur-ki, "Mahzan Mir Haydar"da Hātam-e Tāyi hikāyasında bolur. Bayt:

Kim karamin körgä bu hālî bilä,
Yawçin ağırlar kişi mālî bilä (DDT.407).

Луғатда соҳа атамалари ёки кейинчалик маъноси унутилган сўзларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, *siğnaq* сўзи жой оти сифатида ҳаммага маълум. Лекин у ёзув турини ҳам билдирган. Бу маъносини Бобур ўз шеърида ташбих сифатида қўллайди. Луғатда ана шунга ишора этилади. Муаллиф ёзади:

Siğnaq – bir nav'e xatdur, Ġiğatayda xatt-i bāburî va ğayri kibi-ke, Bābur Mirzā aş'ārında kelür. Bayt:

Xublar xattî nasibîğ bolmasa, Bābur, ne tağ,
Bāburî xatî emäsdür, xat-i siğnaqîmudur (DDT.278).

Муסיқа илмига тегишли бўлган *urğustak* сўзининг маъносини қуйидагича очиқлайди: *Urğustak* – *kāf kāf-e 'arabîdur*, *'ilm-i musiqîda bir usuldur-ki*, “*Mezānu-l-avzān*”-да-ки – *'aruz risālasîdur*, *qoşuq* луғатин тасъий етдўки маҳалда бир туркîда келўр-ки, яна *qoşuqdur-ki*, *urğustak usulîda šāye'dur* ва ба'зи *advār kişidā* ул усул зикр болупдур ва ул суруд 'а'рāбнiнъ *tewā sūrār* худилар *vaznî bilā ramal-i murabba'-i mahzufda vāqe'* болур ва аниң асли бу нав'дур-ким, байт:

Vah-ki ul ay hasratî dard-u dāğ-i furqatî,
Ham erür jānimğa ört, ham hayālîm āfatî (DDT.134).

“Чигатой туркчаси” бўйича тузилган луғатлар, шулар қатори “Абушқа” ҳам, чигатой тилида қўлланилган сўзлар маъносини аниқлашда, классик матнларни тушуниш ва уларни талқин қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Уй иши:

Навоийнинг “Муҳокамату-л-луғатайн” асарини синчиклаб ўрганиб чиқинг. Навоийнинг тилнинг ўзига хос қирраларини очиб беришдаги усталигини далиллаш учун мисоллар йиғинг.

“Бадойиу-л-луғат” ва “Абушқа”ни факсимил нашрлари бўйича синчиклаб ўрганиб чиқинг. Ушбу луғатларнинг тузилиши, ўзгачаликларини белгилашга уриниб кўринг. Бунга мисоллар йиғинг.

Талабаларнинг билимини текшириш учун сўроқ ва топшириқлар:

1. *Навоийнинг тилишунослик тарихидаги хизматлари тўғрисида сўзлаб беринг.*
2. *Навоийнинг “Муҳокамату-л-луғатайн”ни ёзишдан кўзлаган мақсади нималардан иборат эди?*
3. *Навоийнинг талқин принциплари. Турли оилага кирувчи тилларни чоғиштирма-типологик ўрганиш масаласи ҳақида сўзлаб беринг.*
4. *Навоий туркий тилнинг сўз бойлиги тўғрисидаги фикрларини тушунтиринг.*
5. *Навоийнинг луғатчилик фаолияти тўғрисида сўзланг.*
6. *Эски ўзбек тили, хусусан, Навоий асарлари бўйича луғатлар яратиш анъанасининг шаклланиши ва унинг тарихий тараққиёти тўғрисида нималарни биласиз?*

7. Толи Имоний тузган “Бадойиу-л-лугат” асари тўғрисида сўзланг.
8. “Абушқа” лугати ва унинг тузилиши, сўзларнинг изоҳланиши йўллари тўғрисида сўзланг.
9. Навоийнинг “Муҳокамату-л-лугатайн” асари бўйича ўқитувчи раҳбарлиги остида илмий семинар ўтказинг. Семинарда слайд материалларидан кенг фойдаланинг.
10. “Бадойиу-л-лугат” ҳамда “Абушқа” бўйича ўқитувчи раҳбарлиги остида илмий семинар ўтказинг. Семинарда слайд материалларидан кенг фойдаланинг.

ОЛТИНЧИ МАВЗУ

“XVII–XIX АСРЛАРДА ЯРАТИЛГАН ЛУҒАТ ВА ГРАММАТИК АСАРЛАР”

Таянч тушунчалар: *луғатчилик анъанаси;*

Дарсни олиб бориш йўллари: маъруза, савол-жавоб. Маъруза баён, таҳлил, чоғиштира-типологик усулда олиб борилади.

Дарсдан кўзланган мақсад ва вазифалар: *XVII–XIX асрларда яратилган луғат ва грамматик асарлар, уларнинг тузилиш принциплари тўғрисида билим бериш.*

Кўрсатма ва тарқатма материаллар: луғатлардан олинган мисоллар; топшириқ берилган варақлар; турли жадваллар.

Дарсда қўллаш мумкин бўлган техник ускуналар: *компьютер, расми деворга туширувчи мослама, катта бичимли телеэкран, турли дисклар.*

Эътибор қаратиладиган масалалар:

- Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг “Келурнома” асари ва унинг тузилиши.
- Мирзо Меҳдихоннинг луғатшунослик тарихидаги хизматлари. “Санглох” ва “Мабони ул-луғат” асарлари.
- Фазлуллахон барлоснинг “Луғат-и туркий” асари ва унинг тузилиши.
- Фатҳали Қожорнинг “Китоб-и луғат-и атрокийя” асари.
- “Хамса бо ҳалли луғат”.

Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг “Келурнома” асари

Муҳаммад Ёқуб Чингий Ҳиндистонда юртга эгалик қилган бобурий хонлардан охиргиси Абу Музаффар Муҳиддин Аврангзеб ўрдасида хизматда бўлган эди. У ўзининг “Келурнома” асарини хоннинг буйруғи билан ёзган.

Фанда “Келурнома”нинг иккита қўлёзмаси маълум: бири - ЎзР ФА Шарқшунослик институтинида 5052 рақами остида, иккинчиси эса Британия музейида сақланмоқда.

Китоб ўн беш бобдан тузилган (*қаранг*: KN); ҳар қайси боб ўз ичида фаслларга бўлинади. Шундан ўн тўрт боби феълларга ба-

ғишланади. Уларда 400 дан ортиқ туркий феъл шакллари берилган. Феъллар масдар шаклида (-*maq/-tağ* аффикси билан), шунингдек, ўтган, ҳозирги-келаси ҳамда келаси замонда, бўлишли ва бўлишсиз кўринишларида берилиб, ҳар қайсиси форсчага таржима қилинган: *uyqulamaq – xābida, uyquladī – xābid, uyqulaptur – xābida ast, uyqular – xāhad xābid, uyqulabdī – xābida bud, uyqulaydur – mixābad, uyqulamadī – naxābid, uyqulamaptur – naxābida ast, uyqulamas – naxāhad xābid, uyqulamabdī – naxābida bud, uyqulamaydur – namixābad, uyqula – baxāb, uyqulama – maxāb, uyqular-biz – mixābim mā, uyqulamas-biz – namixābim mā* сингари.

Боблар алифбо сирасидаги ҳарфлар билан бошланувчи феълларга аталган: биринчи боб – “алиф” ҳарфи билан бошланувчилар, иккинчи боб – “ба”, учинчиси – “та”, тўртинчиси – “чим”, шу кетма-кетликда ўн тўртинчи боб “йай” билан бошланувчи сўзларга бўлинади. Ҳар қайси боб ўз ичида фаслларга ажралади. Масалан, учинчи – “та” ҳарфлилар бобининг биринчи фасли – *tanīmaq*, иккинчи фасли – *tanmaq*, учинчи фасли – *tonamaq*, тўртинчи фасли – *tīnmaq* феълининг ўтган, ҳозирги-келаси ҳамда келаси замондаги, бўлишли ва бўлишсиз кўринишлари ҳақидадир. Жумладан, *tanī-* феълининг формалари қуйидагича: *tanīmaq, tanidī, tanīptur, tanīr, tanībdī, tanīydur, tanīmadī, tanīmaptur, tanīmas, tanīmabdī, tanīmaydur, tanī, tanīma, tanīr-biz, tanīmas-biz*.

Луғатнинг сўнгги – ўн бешинчи боби исмларга аталган бўлиб, улар маъносига кўра гуруҳлаштириб чиқилган. Бу боб тўққиз фаслдан иборат. Масалан, биринчи фасл – кўк ва унинг билан боғлиқ нарсалар, иккинчиси – ер ва унда жойлашган нарсалар, шундай кетма-кетликда охирги фасл – олмош, ёрдамчи сўз ва қўшимчалар ҳақида. Масалан, кўк ва унинг билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг оти: *kök, quyaş, күnäs, күn, ay, aydın, yulduz, Yetdikän, Hülkär, ağıl, yariq, yariqluq, yaşın, çaqın, ildırım, bulut, yağış (ёғингарчилик), yağmur, çibär (шивирлаган ёмғир), qar, tuz, çarqın, yüz, yel, qırav, suw, ot, çoğaş (қуёшнинг тафти), yalın, çäñ, ayas (моза ҳаво), şüdrün, таң, күn, күndüz, keçä, ertä, keç (кеч, вақтга нисбатан), keç (ўтмак, кечмак), axşam, qarañğı, alav, тапуар, qış, yaz (баҳор), sawuq, işğ. Ёки ер ва унда бор бўлган нарсалар: yer, tufraq, çägä (қум), qıt, теңiz, say, арна (сув йўли, канал), bulaq, quduq, qaq (кўлмак), quyin, arıq, qayın (қайиқ), qayıq, ketä, çiqır, qıraq (қирғоқ), olañ (дашт, текислик), yaban (дашт, текислимк), yazı (текислик), balığ, yılan* сингари.

Луғатда бир маъноли сўзлар, антонимлар, омонимлар, ёзилиши бир хил сўзлар бир ерда, муайян изчилликда берилади. Масалан: *quyaş, künäş, kün* – қуёш; *yaşın, çaqın, ildirim* – чакмоқ, яшин; *yağış, yağmur* – ёмғир; *čägä, qum* – қум; *qayın, qayıq* – қайик; *olañ, yaban, yazi* – текислик, дашт; *уу, öküz* – буқа, хўкиз; *inäk, siyir* – сигир сингари синонимлар луғатда кетма-кет келтирилади.

Ёки: *ertä* – эрта, *keç* – кеч сингари зид маъноли сўзлар;

Ёки: *keç* – кеч (кечки пайт), *keç* – кечмоқ, феъл; *tüz* – текислик, *tüz* – тўғри, чин маъносини билдирувчи омонимлар кетма-кет келтирилган.

Ёзилиши ва ўқилиши бир-бирига яқин, маъноси турлича бўлган: *ariq* – арик, *ariğ* – тоза сўзлари ҳам бир ерда, сабаби тилни яхши билмайдиган киши уларни қориштириб юбориши ҳеч гап эмас.

Ёзилиши бир хил, талаффузи турлича сўзлар ҳам шундай изчилликда. Масалан, *توز* омографи маъноси ва талаффузига кўра турли англамларда келади: *tüz* – текислик, *tüz* – тўғри, рост; *tuz* – туз, ош тузи; *toz* – чида-; *toz* – чанг; *toz* – бардам бўл-, бўйунсун-; *tüz* – туз, созла;

Яна бир жиҳати, фасллар ичида сўзларнинг кетма-кетлиги тартибсиз эмас, маъноларига қараб олдинма-кетинликда берилади. Масалан, қариндош-уруғчиликни билдирувчи сўзларга бағишланган фаслда аввал туғушганлар (*uluğ ata, ata, aba, abağa* (амаки), *uluğ aba* (катта амаки), *kiçik aba* (кичик амаки), *ana, uluğ ana, ača* (она), *äkä, ağa, ini, ara, egäçi, jiyän, siñil*), сўнг тўйдан кейин шаклланган қайинбўйлар (*qayın ata, qayın ana, qayın egäçi, qayın siñil, qayın ini, qayın ağa*), ундан кейин хотин билан боғлиқ уруғлар (*qalınliq* (келин), *xatun* (хотин), *oğlan* (авлод), *oğul, qiz*), эр-хотинликдан келиб чиққан қариндошлар (*kiyaw, yäzna* (почча), *quşarta* (севгилу), *abuşqa* (эр), *er*), қариндош-уруғларнинг умумий номлари (*qarındaş, uruğ, ätäkä* (эркак тарбиячи), *ataliğ* (ота томондан боғланиш), *enägä*) ва бошқалар келади. Киши тана аъзоларини билдирувчи отлар ҳақидаги фаслда кетма-кетлик бош ва унинг аъзолари билан бошланиб, оёқ учи билан охирлайди. Ёки сонларга бағишланган фасл соннинг даражалари асосида бирдан бошланиб, минглик билан тугайди.

Мирзо Мехдихоннинг “Санглох” ва “Мабони ул-луғат” асарлари

Алишер Навоий ва “чиғатой туркийси”да ижод этган шоирлар асарлари бўйича тузилган луғатлардан бири Мирзо Мехдихон (Низомиддин Муҳаммад Хож ал-Хусайн ас-Сафавий)нинг “Санглох” асаридир. Луғатга грамматик очерк ҳам қўшимча қилинган бўлиб, у “Мабони ул-луғат” (“Тил асослари”) деб аталган.

Мирзо Мехдихон ўзининг “Санглох” асарини ҳижрий 1173 (мелодий 1760 йили) ёзиб тугатган. Унда Лутфий, Мир Ҳайдар, Навоий, Хусайн Бойқаро, Бобур асарларида қўлланган туркий сўзлар форс тилида изоҳланган, улар қатнашган байтлардан келтирилган. Луғатга классик ижодкорларнинг асарларидаги маъносини топиш қийин бўлган сўзлар жамланган. Шундан келиб чиқиб, Мирзо Мехдихон уни “Санглох” деб атаган эди (маъноси “тошлоқ ер” дегани).

Муаллиф “Санглох”нинг кириш қисмида “чиғатой туркийси”, хусусан, Навоий асарлари бўйича тузилган бошқа луғатларни тилга олади. Унинг бу маълумоти туфайли “Бадойиу-л-луғат”, “Абушқа”дан ташқари Румий, Фароғий, Надр Али, Мирзо Абдулжалил Носирийнинг бизгача етиб келмаган луғатлари бўлгани тўғрисида хабар топамиз.

Луғат беш жузвга бўлинган: биринчиси белгисиз бўлиб, ўз ичига “алиф” билан бошланувчи сўзларни қамрайди; иккинчи жузвда бошланиши ب, ز ҳарфли сўзлар келади; учинчи жузвда ص, ض, ط, ظ, ع, غ ва ف ҳарфли сўзлар; тўртинчи жузвда ك ва ق билан бошланган сўзлар; бешинчи жузвда эса ل, م, ن, ه, و ва ي ҳарфи билан бошланган сўзлар берилган.

Қисмлар китобларга бўлинади. Буларнинг ичига кирган ҳар бир ҳарф мустақил китобни ташкил қилган. Ҳар бир китобга кирган сўзлар биринчи ҳарфининг ҳаракатига кўра олдинма-кетин жойлаштирилган.

Ҳар бир боб бўлакларга ажралади. Улар *maa-l-alif* (алиф билан), *maa-l-bā* сўзлари билан бошланади. Бўлакчалар ичида феъл ва унинг бошқа шакллари аралаш келса, *mina-l-muštaqqāt* (ясама шакллар) ва *mina-l-javāmid* (ўзгармас шакллар)га ажратилади. Биринчисиди феъллар, иккинчисиди бошқа сўзлар келади.

“Санглох” ўз ичига 6181 луғат мақолани олади. Муҳими шундаки, “Бадойиу-л-луғат”да, қисман “Абушқа”да, сўз шакллари ҳам луғат мақолалар бошига олингани учун мустақил сўзлар қаторига кириб кетади. Агар “Санглох”даги сўз шакллари ҳам мустақил сўзлар сифатида санайдиган бўлсак, бу ердаги сўзлар сонини ифодалаш учун 20000 дан кам бўлмаган рақамдан фойдаланишга тўғри келарди. Бунинг сабаби шундаки, бош сўзи феъл-луғат мақолалар ичида унинг 35 тагача грамматик шакллари ҳам келтирилган (Ҳасанов 1989(1)36–37).

Бош сўзлар ҳамма сўз туркумларидан тузилган. Феъллар инфинитив(масдар) шаклида, қолган сўз туркумлари эса бирликда ва бош келишиқда келади.

Сўзлар ҳаракатларсиз, бироқ уларни тўғри ўқиш учун фонетик қайдлар бор. Агар унлилари “алиф”, “вāv”, “йā” билан ёзилган бўлса, фонетик қайдлар берилмайди.

“Санглох” ўзигача ва ўзидан кейин яратилган луғатлар орасида илмий жиҳатдан энг етуги бўлиб, унда сўзларни изоҳлашда қуйидагилар эътиборда тутилган:

- 1) Аввал бош сўз берилади.
- 2) Бош сўзнинг ўқилиши бўйича фонетик изоҳлар ва имло қоидалари келтирилади.
- 3) Бош сўз ва ундан ҳосил бўлувчи шаклларнинг грамматик характеристикаси.
- 4) Сўзнинг келиб чиқиши (этимологияси) баён қилинади.
- 5) Сўз ва ундан ҳосил бўлувчи шаклларнинг семантик таҳлили.
- 6) Бош сўз ва ундан ҳосил бўлувчи шаклларнинг маъносини тасдиқловчи ҳаволалар.
- 7) Бош сўз ва ундан ҳосил бўлган шаклларнинг румий (туркча), араб, форс ва бошқа тилларда ифодалаган маънолари.
- 8) Ўзидан бурун ўтган олимларнинг қарашларига танқидий муносабат.

9) Бош сўз маъносига мос ҳолда байтлар келтириш (қаранг: Ҳасанов1989(2),16).

Муаллиф сўзларни изоҳлаганда, керагига қараб, юқорида кўрсатилганларнинг у ёки бу жиҳатини баён қилади.

Энг муҳими, “Санглох”да ва бошқа луғатларда ҳам, Алишер Навоий ва бошқа классик ижодкорларнинг асарларидан олинган бош сўз сифатида, асосан, келиб чиқиши соф туркий, баъзан

арабча ва ундан оз ҳолатда форсий сўз танланади. Луғат тузувчилар туркий сўзларнинг маъноларига, байт мазмунига боғлиқ ҳолда юз берувчи стилистик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратганлар ва бунинг мураккаблигини, муҳимлигини тўғри англаганлар. Луғатларда берилган бош сўз барча туркумларига оид бўлиши мумкин.

Луғатшунослар бош сўз маъносини изоҳлаганда, унинг нозик қирраларига ҳам алоҳида аҳамият берганлар. “Санглох”дан олинган қуйидаги мисолга эътибор қаратинг:

*Tuzağ – dāmra nāmānd. Cunānki, dar Xusrav-u Širin guyad, si’r:
Balā ičrā firāği birlä kelmiş,
Tuzğqa öz ayaği birlä kelmiş.*

(*Tuzağ – dām* дегани. Чунончи, “Хусрав-у Ширин”да келади, шеър:

*Balā ičrā firāği birlä kelmiş,
Tuzğqa öz ayaği birlä kelmiş).*

Бу ўринда *tuzağ* сўзи форсчада *dām* деб берилган. Бунинг тўғрилигини Навоийнинг бошқа бир жумласи ҳам исботлайди. Чунончи у “Насойиму-л-муҳаббат”да *tuzağ* га эквивалент сифатида форсчадан ўзлашган *dām* ни келтиради: *Va deptur-ki, quš-ki, yerdin yuqari uçğay, agarçi āsmānğa yetmägäy, ammā dāmdin yïraq bolğay.*

Туркийда *tuzağ* га синоним сифатида *tor* сўзи ҳам қўлланилган. Буни Мирзо Меҳдихон шундай таъкидлайди: *تور – hašt ma’nā dārad, avvalançi mušabbak bāfta šavad az qabili dām-i sayyidi...* (“*تور*” нинг саккиз хил маъноси бор: биринчиси, тўқилган ов тўри маъносида”). Бироқ, *tuzağ* билан *tor* сўзи ўртасида стилистик фарқ бор. Буни Меҳдихон ҳам яхши билган, шунинг учун бўлса керак, *tuzağ* ни изоҳлаганда у билан ёнма-ён *tor* сўзини келтирмайди (бу ҳақда қаранг: Хасанов 1989(2), 23–24).

Мирзо Меҳдихон туркий сўзларни изоҳлаганда, ўрни билан, уларнинг синонимлари ҳамда бошқа тиллардаги аталишига ҳам тўхталади. Масалан: *Tašbaqa – sangpošt bāšadki, ānrā baqa va baqa čanaq ham guyand va ba-’arabi kasf xānand* (*Tašbaqa – sangpošt* дирки, уни *baqa* ва *baqa čanaq* ҳам дейишади ва бу арабчада *kasf* аталади).

“Мабони ул-луғат” “чиғатой тили” (“чиғатой туркийси”)га бағишланган грамматик асардир (*таржимасига қаранг: MBL*). У

сўз боши; муқаддима; тарсиф (яъни грамматика) бўлимларидан тузилган.

Тарсиф бўлими олти мабно(туркий тил морфологиясининг олти хил асоси)дан иборат. Ҳар қайси мабно ўз ичида яна бобларга бўлинади. Боблар муайян қоидаларга бағишланган.

Биринчи мабно туркий феълларнинг кўринишларига бағишланган.

Иккинчи мабно феъл шаклларининг ясалиш усулларига бағишланган.

Учинчи мабно олмошлар ва кўрсатиш исмларига бағишланган.

Тўртинчи мабно бирикмаган ҳолда маъно англатмайдиган сўзларга (эски грамматикаларда бундай морфемалар “ҳарфлар” деб аталган) бағишланган.

Бешинчи мабно мустақил маънога эга бўлган, лекин ўз маъносини ифодаламайдиган сўзлар ҳақида.

Олтинчи мабно имло қоидалари ҳақидадир.

Мирзо Меҳдихон туркий тилда мавжуд бўлган уйғун тартиб-қоидаларга катта эътибор қаратган эди. У “Мабони ул-луғат”нинг муқаддимасида шундай ёзади: “Гарчи Фароғий ўз асарида турк сўзлари вазн (яъни, арабчадаги сўз шакли – Қ.С.) ва масдар тартибига эга бўлмаганлиги учун, ўз китобимга қадимгиларнинг шеърларини асос қилиб олдим, деса ҳам, унинг фикрлари ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки турк тилида аниқ ва мавжуд бўлган уйғун тартиб ва қоидалар на форс тилида бор-у, на араб тилида. Унинг барча феъл формалари қоидага мувофиқ ясалгандир” (MBL.10).

Сўнгги йилларда тилшунослигимизда ўзбек тили тарихида, хусусан, Алишер Навоий асарлари тилида сингармонизм ҳодисаси учрамаган, ўзбек тили тарихи учун бу нарс аҳамиятли эмас, деган фикр оралаб қолди. Буткул асоссиз ва қўшилиб бўлмайди-ган фикр. Туркий тиллар тарихида, эски ўзбек тилида сингармонизм “темир қонун” сифатида амал қилган.

Тўғри, “сингармонизм” сўзини атама сифатида ғарб тилшунослари қўллади, кейин эса ўзбек тилшунослигига ҳам ўзлашди. Тарихан ушбу атама учрамагани билан, туркий тилларда бу ҳодиса бурундан бор. Ўтмишда яратилган тилшунослик асарларида ушбу ҳодисага ишора этувчи қайдларга дуч келамиз. Ўша замон тилшунослари муайян ҳарф, сўз ёки қўшимчаларнинг талаффузини

шарҳлаганда, уларнинг фонетик-фонологик хусусиятини таъкидлаб ўтадилар. Бунга Навоий ҳам айрича эътибор қаратган эди. “Муҳокамату-л-луғатайн”да буни у жуда яхши ёритиб берган.

Навоий асарлари тилида сингармонизм ҳодисаси яққол кўзга ташланади. Масалан, муаллиф битган сатрларда “йўғон” ўзак-негизли сўзларга масдар кўрсаткичининг *-maq* варианты қўшилади: *quruqšamaq, aldamaq, qīstamaq, yalīnmaq* сингари; “ингичка” талаффузли сўзларга эса *-māk* варианты қўшилади: *igirmāk, indāmāk, sūrkānmāk, örtānmāk* сингари. Навоийнинг таъкидлари ва унинг асарларидаги мисоллар ҳозирги тилшунослигимизда биз атаётганимиз “сингармонизм”нинг ўзидир. Ўтмиш тилшунослигида қандай аталгани, қай тартибда таърифланганидан қатъи назар, туркий тиллар тарихида бу қонун бор, бор бўлганда ҳам ўта аҳамиятли эди.

Мирзо Меҳдихон туркий тилдаги сингармонизм ҳодисасини ниҳоятда тўғри баҳолаган эди. Чунончи, у туркий феъл шакллари тўғрисида билим бера туриб, шундай ёзади: “Феъл формалари ишлатилишига кўра икки турдан иборат: “ğ”, “q”ли формалар ва “k”ли формалар. Бу ҳар икки тур грамматик қоида ва ихтиёрийлик юзасидан бўлмай, эшитилиш ва эътибор юзасидандир. Фароғий ўз асарида “q” ва “k”нинг ишлатилиши ихтиёрий деб ёзган. Толе Ҳиравий ҳам *alğūcī* маъносини тушунтирганда, ихтиёрий равишда ҳозирги замон сифатдошига “ğ” ёки “g” орттирилади, деб ёзади: *qilğūcī, bilgūcī* каби. Лекин ҳар иккисининг сўзи ҳақиқатдан холи ҳамда нуқсон ва камчиликка эга. Чунки *qil* сўзи буйруқ феъли бўлиб, қаттиқ ўзаклидир ва шунинг учун унинг барча феъл формалари “q” ва “ğ” билан ясалади: *qilmaq, qilğay, qilğūcī* каби ва ҳоказо. *Bil* юмшоқ ўзакли бўлиб, унинг феъл формалари “k” ёки “g” билан келади: *bilmāk, bilgäy, bilgūci* каби ва ҳоказо” (MBL.11–12). Қизиги шундаки, Толе Имоний “Бадои ул-луғат”да “ихтиёрий равишда ҳозирги замон сифатдошига “ğ” ёки “g” орттирилади” деб ёзгани билан, ўз луғатида туркий сўзларнинг ўқилишини ва ёзилишини тўғри беради.

Муҳими, эски ўзбек тилининг фонетик қуруми, морфо-фонологик тизими ана шу қонунга бўйсунар эди. Навоий асарларининг тили сингармонизмли тилдир. Бугина эмас, бутун ўзбек мумтоз адабиёти асарларининг тили айни қонунга асосланади. Ҳозир ҳам бошқа туркий тилларда бу ҳодиса давом этмоқда. Ўша тилларда сўзнинг фонетик-фонологик табиати шу қонунга мослашади.

Фазлуллахон барлоснинг “Луғат-и туркий” асари

Мазкур луғатни XVIII асрнинг иккинчи ярмида (мелодий 1779 йили) Ҳиндистоннинг Бангола шаҳрида Шохжаҳоннинг ўғли Аврангзеб буйруғи билан Фазлуллахон барлос тузган. Луғат форс тилида бўлиб, унинг кунимизгача етиб келган ёлғиз қўлёзмаси ҳозир Британия музейида сақланмоқда. Унда келиб чиқиши туркий бўлган 1366 та сўз маъносига изох берилган (луғат ҳақида қаранг: Убайдуллаев 2011).

Луғатда туркий феъллар берилиб, унинг қандай ўқилиши, маънолари форс тилида баён қилинган. Тузувчи феълларни ўн уч хил ҳарф билан бошланувчи сўзлар гуруҳига (яъни бобларга), исмларни эса ўн саккиз хил ҳарф билан бошланувчиларга ажратади. Аввал феъллар, сўнг отлар берилади. Феълларни берганда аввал “alif” билан бошланувчи сўзлар (масалан: *oqimaq*), сўнг “ba” билан бошланувчи сўзлар (масалан: *bermäk*), шу тартибда давом этиб, охирида “уау” билан бошланувчи сўзлар келади. Отлар эса англатган маъноларига кўра гуруҳлаштирилган: кетмакетлик уй-рўзғор буюмларининг отларидан бошланиб ҳайвонот оламига кирувчи сўзлар билан тугайди.

Туркий сўзлар маъносини тўғри англаш, талаффузида янглишмаслик мақсадида турли ҳаракатлар (аломатлар), товушларнинг махсус атамалари (*kāf-e ‘arabî, jim-e fārsî* ва б.) ва бошқа кўринишдаги изохлаш йўлларида унумли фойдаланган.

Сўзларнинг маъносини берганда туркий сўзга тенг келадиган форсча сўзлар, сўз бирикмалари, баъзан бунга қўшимча ҳолда ҳиндча сўзларни келтириш билан, шунингдек, ўша сўзнинг маъносини умумий тушунтириш йўли билан беради. Масалан:

Alp – ba fatha-ye hamza va lām va sukun-e bā-ye fārsî, *pahlavān*.

(Таржимаси: *Alp* – (ўқилиши:) бошида [a], сўнгра “лом” ва усти сукунли форсча [p], (маъноси:) *пахлавон*).

Soqur – ba tafxim-e zamma-ye sin-e muhmala va qāf va sukun-e rā-ye muhmala, *yak čašm, kur*.

(Таржимаси: *Soqur* – (ўқилиши:) тўлиқ талаффузли, нуқтасиз [s], сўнг [q], сукунли, нуқтасиз [r], (маъноси:) *бир кўзли, кўр*).

Qaz – ba fatha-ye qāf bā alif va sukun-e zā-ye mo’jama, nav’-e az murğ-e ābi ki mašhurast.

(Таржимаси: *Qaz* – (ўқилиши:) фатҳали [q], кейин “алиф”, усти сукунли нуктали [z], (маъноси:) машҳур сув қушларидан бири).

Омографларни (ёзилиши бир хил сўзларни) беришда шундай усулни қўллайди:

توز *ba tarqīq zamma-ye tā-ye qurašat va sukun-e zā-ye mo'jama, maydān va namak, va batafahim zamma tā ba ma'niye ġubār.*

(Таржимаси: توز – (ўқилиши:) қисқа заммали оддий [t], сукунли нуктали [z], (маъноси:) *майдон ва туз (намак)*, агар замма [o] деб ўқилса, *чанг* (деган маънода келади)). Бу ўринда муаллиф *tūz* (тузлик, текислик ер) билан *tuz* (ош тузи, намак) ни бир-биридан фарқлайди, агар “вав” ҳарфи [o] деб ўқилса, *toz* (чанг, тўзон) сўзи англашилишини таъкидлайди.

“Китоб-и луғат-и атрокийя”

Ушбу луғат ҳам Алишер Навоий асарларига тузилган бўлиб, муаллифи Фатҳали Қожор (Фатҳали ибн Калбали ибн Муршидқули ибн Фатҳали Қожор Қазвиний)дир (*қаранг*: Щербак 1962,59–60; Ҳасанов 1989(1),46–58). Муаллиф луғат устида тўрт йил ишлаб, уни 1862 йили тугаллаган. Асар туркшуносликда “чиғатой туркийси” бўйича яратилган энг яхши луғатлардан бири сифатида тан олинади.

“Китоб-и луғат-и атрокийя” тўрт қисмдан иборат: муқаддима; чиғатойча-форсий луғат; Мирзо Меҳдихоннинг “Санглох”ида тушунарсиз қолган ўн икки сўзнинг изоҳи; Навоий асарларида кечган форсий сўзлар луғати.

Муқаддимада муаллиф Навоийнинг йигирма етти асарини санаб ўтади. Иккинчи – луғат қисмига жами 7694 та сўз киритилган. Уларнинг маъносини очиқлаш учун Навоийнинг тўртта девони, “Хамса”си, насрий асарлари - “Маҳбубу-л-қулуб”, “Тарих-и мулук-и аҷам”дан, шунингдек, Лутфий, Мир Ҳайдар, Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Искандар Мирзо, Баноий, Камолий, Убайдхон, Фузулий, Сокий шеърларидан мисоллар беради. Ора-чора форсий манбаларга ҳам мурожаат қилган.

Фатҳали Қожор эски ўзбек тили (“чиғатой туркийси”) билан Эрон турклари лаҳжаси орасидаги ўхшашлик ва фарқларга ҳам эътибор қаратади. Масалан, унинг кўрсатишича, эски ўзбек тилидаги *ort* (олов), *cağır*, *tört*, *qırq*, *elli* сўзлари уларнинг тилида *ot*, *çaxır*, *dört*, *qırx*, *älli* шаклида қўлланган.

Луғат йигирма саккиз бобдан иборат. Улар ўз ичига киритилган сўзларнинг бош ҳарфлари номи билан юритилади.

Боблардаги сўзлар алифбо тартибига солинган эмас. Қолган ҳамма белгилари “Абушқа” луғати сингари.

Унлиларнинг ёзилиши ва ўқилишига муаллиф алоҳида урғу берган. Масалан:

کیمه – bi-fathi kāf, ya’ni *kemä*;

کیر – bi-kasri kāf, ya’ni *kir*;

قیر – bi-kasri qāf, ya’ni *qir*;

قوش – bi-fathi avval va vāvi ma’lum, ya’ni *quš*;

کوز – bi-fathi kāf va vāvi ma’lum, ya’ni *köz*.

Фатҳали Қожор луғатни тугатгач, Алишер Навоий шеърларидаги маъноси тушунарсиз бўлган ўн икки сўз тўғрисида фикр юритади. Уларни Мирзо Меҳдихон ўз луғатида “маъноси ечилма-япти” ибораси билан қад этганини ёзади. У ушбу сўзлар “Хазо-йину-л-маоний” ва “Хамса”да қай йўсинда келгани айтиб, сўнг бу сўзнинг маъноларини ечиб беришга уринади.

Луғатда Навоий асарларида қўлланган айрим арабча ва форсча сўзлар ҳам учрайди. Чунончи, луғатнинг охирида 429 та арабча, форсча сўз ва иборалар берилган.

“Хамса бо ҳалли луғат”

“Хамса бо ҳалли луғат” XVIII асрнинг иккинчи ярмида яратилган, Навоий асарлари бўйича эски ўзбек тилида тузилган луғатлардан биридир (*қаранг*: Шарахмедова 1990). Асарнинг ягона кўлёмаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (7863- сонли кўлёмза). Асар “Хамса”нинг уч достони – “Сабъаи сайёр”, “Лайли-ву Мажнун”, “Садди Искандарий” бўйича тузилган. Дастонлардаги мазмунини англаш қийин бўлган сўзлар маъноси матн теварагига (ҳошиясига) ёзиб чиқилган. Хат услубига кўра, дostonни кўчирувчи ҳам, луғат тузувчи ҳам бир кишининг ўзи, лекин оти маълум эмас. Луғатнинг охирида унинг тузилган йили – 1262 йил (мелодий 1845–1846) ёзиб қўйилган. Кузатувларга қараганда, котиб аввал “Хамса”ни кўчирган. Кейин қотор йиллар давомида (чамаси, ўн саккиз йил) асар устида жиддий иш олиб бориб, матнда учровчи қийин англашиладиган сўзлар маъ-

носини ҳошияга изоҳлаб чиққан. Юқоридаги сана ана шундан кейин қўйилган (*қаранг*: Шарахмедова 1990,7).

Луғатни матнни кўчирган котибнинг ўзи тузганлиги ўта аҳамиятли. Бу иши унинг классик асарлар поэтикасини яхши англагани, “чиғатой туркийси”ни жуда яхши билгани, хусусан, эски туркий, форсча, арабча сўзлар маъносини яхши тушунганидан далолат беради.

Одатда, ўтмишдан қолган луғатларда (жумладан, “Абушқа” ҳамда бошқа луғатларда) аввал сўз ва унинг маъноси келтирилиб, кейин унинг мисоли берилади. Ушбу луғатда эса сўз ва унинг маъноси келтирилиб, мисоли учун матндаги байтга ишора қилинади, тўғрироғи, ҳошиядаги изоҳ матндаги сўз маъносини очиқлаб беради. Достон ҳошиядаги луғати билан бирга яхлит асарни юзага келтиради. Унга “Хамса бо ҳалли луғат” (яъни “Сўзлари изоҳланган “Хамса” ёки “Луғатли “Хамса”) дея от берилганининг сабаби ҳам шунда.

Луғат достонда қўлланган кўп маъноли ёки XVIII асрга келиб унутилган, кўпчилик, айниқса, ёш талаба учун англаш қийин бўлган эски туркий, арабча ва форсча сўзлар бўйича тузилган. Унда жами 2108 сўзга изоҳ берилади.

Тузувчи достонда учрайдиган сўзлар маъносини изоҳлашда уч усулдан фойдаланган:

Биринчидан, тушунилиши қийин сўзлар уларнинг синонимлари билан изоҳланган: *jayran* – *kiyik*, *yalin* – *ot*, *qaršu* – *otru*, *yawa* – *behuda*, *kālbād* – *badan*. Сўзлар маъносини аниқлаштириш учун уларнинг бир нечта синонимлари ҳам кетма-кет қўлланилади. Масалан, *aqrabā* сўзи *yruğ*, *tuğğan* деб изоҳланган; *ifrāt* сўзи *tola*, *köp* деб берилган.

Иккинчидан, сўзлар уларнинг эквивалентини келтириш йўли билан изоҳланган: *’ajuz* – *qari*, *yildirīm* – *barq* сингари.

Учинчидан эса, сўзлар уларни қисқача таърифлаш йўли билан изоҳланган. Масалан, *jalā* сўзи *vatandīn ajrağan* деб берилган; *mustağraq* – *özdin ketkän*; *me ’mār* – *’imārat qilğuçi*; *mavqe’* – *jāy-i vuqu*.

Бундай усуллар, айниқса, кўп маъноли сўзларнинг ушбу байтдаги маъносини изоҳлашда жуда қўл келади. Масалан, *mahd* сўзи бир байтда “бешик” маъносида, бошқа бир байтда эса “тобут” маъносида келган. Луғатда эса, биринчисининг рўпарасига *beşük*, иккинчисига эса *tābut* деб изоҳлаб қўйилган.

Биринчи маъносининг мисоли:

*Yatquzdilar anī mahd ičindä,
Gul yafragi tüšti şahd ičindä.*

Иккинчи маъносининг мисоли (“Сабъаи сайёр”дан):

*Kötärip zād sarv-i čālāknī,
Saliban mahd ara pākni.*

Муҳими кўп маъноли сўзларнинг у ёки бу маъноси контекстга қараб белгиланади. Масалан, “Садди Искандарий”да *misāl* сўзи икки ўринда икки хил маънода келади. Биринчиси, “хат” маъносида, бу ўринда у *nāma* деб изоҳланган:

*Skandar oquğaç bititti misāl
Ki, siz kelgāli bolmañ āšuftahāl.*

Иккинчиси, “сурат, образ” маъносида, бу ўринда у *surat* деб изоҳланган:

*Xirāmīda tāvus-i zebājamāl,
Malak xaylidin zāhir āylāp misāl.*

Уй иши:

“Келурнома” луғатини, Мирзо Меҳдихоннинг “Санглох” ҳамда “Мабониу-л-луғат” асарларини ҳозирги илмий нашрлари бўйича синчиклаб ўрганиб чиқинг. Ушбу луғатларнинг тузилиши, ўзгачаликларини белгилашга уриниб кўринг. Бунга мисоллар йиғинг.

Талабаларнинг билимини текшириш учун сўроқ ва топшириқлар:

1. XVII–XIX юзйилликларда Навоий асарлари ва “чигатой туркийси” бўйича тузилган қандай луғатлар ва грамматик асарлар бор?
2. “Келурнома” луғати тўғрисида сўзлаб беринг.
3. Мирзо Меҳдихоннинг “Санглох” луғати тўғрисида сўзлаб беринг.
4. Фазлуллахоннинг “Луғат-и туркий” асари тўғрисида сўзлаб беринг.
5. “Китоб-и луғат-и атрокийя” тўғрисида сўзлаб беринг.
6. “Хамса бо ҳалли луғат” тўғрисида сўзлаб беринг.

ЕТТИНЧИ МАВЗУ

“ҲОЗИРГИ ТИЛШУНОСЛИКДА ТУРКИЙ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАР БЎЙИЧА ЯРАТИЛАЁТГАН ЛУҒАТЛАР”

Таянч тушунчалар: *ҳозирги замон луғатлари.*

Дарсни олиб бориш йўллари: маъруза, савол-жавоб. Маъруза баён, таҳлил, чоғиштира-типологик усулда олиб борилади.

Дарсдан кўзланган мақсад ва вазифалар: *ҳозирги чоғда туркий ёзма ёдгорликлар бўйича тузилаётган луғатлар, уларнинг муҳим принциплари тўғрисида билим бериш.*

Кўрсатма ва тарқатма материаллар: чоп эттирилган луғатлардан намуналар; топшириқ берилган варақлар; турли жадваллар,

Дарсда қўллаш мумкин бўлган техник ускуналар: *компьютер, расми деворга туширувчи мослама, катта бичимли телеэкран, турли дисклар.*

Эътибор қаратиладиган масалалар:

- Ҳозирги зомон луғатчилиги ва унинг ўтмиш луғатчилигидан фарқли жиҳатлари.
- Ёзма ёдгорликлар бўйича тузилган луғатлар.
- “Древнетюркский словарь” ва унинг тузилиш принциплари.
- А.К. Боровковнинг “Лексика среднеазиатского тefсира XII–XIII вв.” асари.

Ҳозирги туркшуносликда ўтмишдан қолган ёзма ёдгорликларни чоп эттириш билан бир қаторда, уларда қўлланган сўзларни йиғиш, ёдгорликлар бўйича луғатлар тузишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ишга XIX асрданоқ киришилган эди. Ҳозирга келиб бу соҳа туркшуносликда катта ютуққа эришди.

Муҳим жиҳати, кунимизда яратилаётган луғатлар тузилиш принципага кўра эски луғатлар анъанасидан фарқ қилади. Булар, асосан, ҳозирги европа луғатчилиги ишлаб чиққан йўриққа таянади.

Яна бир белгиси, ушбу луғатлар изохли бўлиб, ёзма ёдгорликлардан олинган мисоллар транскрипцияда берилади. *Транскрипция* – ёдгорлик тилини, асарнинг фонетик хусусиятларини

сақлаган ҳолда ҳозирги ёзувга ўгириш дегани. Ҳозирги туркшуносликда кенг ёйилган ҳамда мутахассисларга маъқул тушаётган транскрипция икки турли – кирилл ҳамда лотин алифболарига таянади. Тўғриси, сўнгги йилларда кириллдан кўра лотинни қўллаш кенг тус оляпти. Шунинг учун ҳам шу чокқача яратилган луғатларда икки хилидан ҳам фойдаланилган: ё униси, ё буниси. Баъзи ўринда кириллга асосланган транскрипцияда ҳам, товушга тенг келувчи белги йўқлигидан, лотинча белгиларни қўллаганлар.

Замонавий луғатларнинг барини ҳам илмий талабларга тўлиқ жавоб беради, дейиш қийин. Чунки орада ўқув луғатлари, қисқача луғатлар ёки транскрипцияда эмас, транслитерацияда берилганлари ҳам бор. Шунга қарамай, уларнинг ичида илмий жамоатчилик кенг эътироф этган, соф илмийлари оз эмас. Ушбу ўринда биз уларнинг бир нечтасини кўриб чиқамиз.

“Древнетюркский словарь”

“Древнетюркский словарь” (Л., 1969) ҳозирги замон туркология илмида қадимги туркий ёдгорликлар бўйича яратилган илмий луғатдир (*қаранг*: ДТС). Луғат рус туркологиясининг етакчи мутахассислари томонидан тузилган. Ишда қамраб олинган ёзма ёдгорликларнинг кўлами ниҳоятда кенг: унда VII–XIII асрларда кўк турк (турк-руний), араб, уйғур, моний, браҳма ёзувларида туркий тилда битилган турли хилдаги адабий, тарихий, диний-фалсафий мазмундаги асарлар, расмий ҳужжатлар, фаннинг турли соҳаларига оид битигларда қўлланган сўзлар жамланган. Булар қадимги турк ҳоконликлари давридан қолган урхун ва енисей ёдгорликлари, уйғур ҳоконлиқ ва давлатларида яратилган будда, моний ва христиан мазмунли битиглар, расмий ҳужжатлар, “Ўғузхоқон” достони, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асари, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Адиб Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибату-л-хақойиқ” асари, “Туркий тафсир” сингари ниҳоятда улуғ манбалар бўлиб, мисоллар уларнинг туркшуносликда эътироф этилган илмий нашрларидан олинган.

Луғатда келтирилган туркий сўзлар ва ёзма ёдгорликлардан олинган мисоллар лотин алифбоси негизида ясалган транскрипцияда. Унлилар учун тўққиз белги қабул қилинган: *a, ä, e, i, i, o, ö, u, ü*. Ундошларда: жарангсиз [ш] товуши учун – *š*, [ч] учун – *č*,

жарангли [ғ] учун – ɣ, сонор [нг] учун – ŋ, [х] учун – χ, араб хатида ٢ билан берилган, тишора [дз] товуши учун – δ, араб ёзув-ли матнларда ڤ билан берилган лаб-лаб ҳамда “вав” билан бе-рилган лаб-тиш [в] ундошлари учун – v, араб хатида ڭ билан берилган сирғулулвчи [ж] учун – ž, араб тилидан ўзлашган сўзлар-да келувчи ځ (айн) учун (') белгилари қабул қилинган. Сўзлар-нинг берилиши алифбо кетма-кетлигида: A, Ä, B, Č, D, δ, E, F, G, ɣ, H, H, Í, Ĩ, Y, K, L, M, N, O, Ö, P, Q, R, S, Š, T, U, Ü, V, χ, Z, Ž, J.

Аввал катта ҳарфларда бош сўз берилиб, кейин унинг маъно-лари ва маъноларнинг ҳар бирига мос келувчи мисоллар русча таржимаси билан келтирилади. Қавсда ушбу сўз ёки мисолнинг қандай нашрдан олинганлигига ҳавола этилади.

Луғатда сўзларнинг қадимги диалектларда ёки ёзма ёдгор-ликларда ўзаро фарқ қилувчи фонетик вариантлари ҳам бош сўз сифатида берилади: **ADAQ, AδAQ, AYAQ, AZAQ; EB, EV** сингари. Бундай сўзларнинг бир варианты берилгач, охирида бошқа вариантига ҳам қаралсин, деган белги қўйиб кетилади.

Кўп маъноли сўзларнинг бир-биридан фарқ қилувчи маъно-лари арабча сонлар билан, омонимик маънолар эса римча сонлар билан ажратиб кўрсатилади. Масалан:

AČ I голодный ...;

AČ II милость...;

AČ- I 1. открывать, отворять ...; 2. рассеять, развеять, разогнать ...; 3. отвязать, отцепить...; 4. проложить путь...; 5. завоевать...; 6. разрешить...; 7. обелить...; 8. доверить, поверить что-л....

AČ- II изголодаться, сильно голодать...

Масалан, қадимги туркий *sab* сўзи ва унинг маъноларига бе-рилган изох қуйидагича:

SAB слово, речь: *tabıač bodun sabı süčig ayısi jımşaq ermiş* у народа табгач речь была сладкая, драгоценности “мягкие” (КТм.5); *körüg sabı antaı* слова лазутчика таковы (Тон.9); *qañim sabın tınlayın* да услышу я слова своего отца (*ThS* II.90).

♦ **sab id-** говорить, сообщать: *sab anča idmiş* он так сказал (Тон.9); *bitigintä inča tep sav idmiş erdi* в своем письме сообщал о следующем (*Hüen*.238); **sab ötüg** нарн. просьба; известие: *jalabači edgü sabı kelmäz* [от татбийцев] не приходят послы и хорошие известия (БК.39); **sab si-** искажать слова: *meniñ sabımın simadı* [резчик] не

исказил моих слов (КТЪ.11); **sab söz** нарн. слова, речь: **sab söz** qodur лишившись речи (*Suv* 4.18); **içrä sab** см. **içra**; **söz sab** см. **söz**.

□ *Ср. sav* I.

“Древнетюркский словарь” ҳозирги туркшуносликнинг катта ютуғи ўлароқ, мутахассислар учун энг эски туркий ёзма ёдгорликлар лексикасини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

А.К. Боровковнинг “Лексика среднеазиатского тефсира XII–XIII вв.” асари

Қуръон-и каримнинг таржималари ва тафсирларининг энг эскиси “Туркий тафсир” (“Ўрта Осиё тафсири”) отини олган. Қўлёзмаси Қаршидан топилган. Асар Қурон-и карим сураларининг таржимаси ва шарҳидир. Таржимон ва қўлёзма котибининг оти маълум эмас. Асарнинг тузилган даври ва қўлёзма санаси ҳам номаълум. Матннинг тил хусусиятларига асосланиб, асар XII–XIII юзйилликларда яратилган дея тахмин этадилар.

Асарнинг дастлабки бўлими XLIX сурага қадар Қуръон-и карим таржимасидир. Сўнгра айрим бўлимларнинг шарҳи берилди. Суралар таржимасида сатр ости ўгирмалари арабча матнга монанд бўлиб, туркий тилнинг синтактик қурилишига уқадар мос тушавермайди. Тафсир қисми бундай эмас, ундаги матн туркийнинг гап қурилиши бўйича битилган.

А.К. Боровковнинг “Лексика среднеазиатского тефсира XII–XIII вв.” китоби ана шу “Туркий тафсир”нинг тилига бағишланган (қаранг: Боровков 1963).

Китоб икки бўлим: кириш ва глоссарий (сўзлик)дан иборат.

Ёдгорликлардан олинган мисоллар транскрипцияда. Транскрипция учун кирилл ҳарфлари асосга олиниб, айрим товушлар учун латин ҳарфлари ва унинг туркий транскрипцияга мослаштирилган шакллари аралаштирилган.

Унлилар учун тўққиз ҳарф қабул қилинган: *a, ä (e), i, ï, o, ö, y, ý*.

Ундошларнинг берилиш йўли шундай: лаб-лаб ва лаб-тиш [в] товуши *w*, сонор [нг] учун *ŋ*, [й] учун *j* ҳарфи ишлатилган. Араб тилидан ўзлашган сўзлардаги *ع* учун *ʿa*, *ا* учун *δ* ҳарфи ишлатилган (масалан: *ʿадаб*), *ج* ўрнида *дж* дан фойдаланилган (*джуфт*, *джумлә* сингари). Арабча сўзларда *h, h* белгилари ҳам ишлатилади.

Сўзликда сўзларнинг берилиш йўли ҳозирги луғатчилиги принципларига таянади; у қуйидаги кетма-кетликда: *a, ä (e), б, w, г, г, д, дж, з, i, i, j, к, қ, л, м, н, о, ö, п, р, с, т, у, ў, ф, х, h, h, ч, ш.*

Сўзлик асарда келган сўзларнинг барини қамрайди: унда соф туркий сўзлар билан бир қаторда, келиб чиқиши арабча ва форсий сўзлар ҳам тўлиқ.

Сўзликда аввал бош сўз ва унинг русча маънолари берилади, сўнг тафсирдан олинган мисоли билан далилланади. Мисолни берганда айрим сўзларнинг қўлёзмадаги араб ёзувли шакли ҳам келтириб ўтилган. Охирида эса кўрсатилган бош сўз яна бошқа қандай ёзма ёдгорликларда учраши қайд этилади ёки унинг фонетик шакллари чоғиштирилади. Қавсда ёзма ёдгорликларнинг нашрларига ҳаволалар берилган.

Масалан, *ағач, әрін* сўзларининг изоҳига эътибор беринг:

ағач (см. *јіғач*) 1. ‘дерево’; *ол ағач (أغاج) турур... қамуг тўрлўғ јәмїш анда бітәр ...* (59,11) ‘то есть дерево ... различные плоды зреют на нем ...’ ; *ағачлар өкүш будақлі болур* (666,7) ‘деревья со множеством ветвей бывают [там]; *ол бостан ағачларі* (666,16) ‘деревья того сада’; 2. ‘бревно’, ‘столб’; *анлар ағачлар кәбі ерўрләр дамға тајанмїш* (906,1) ‘они, как столбы, поставленные для опоры здания’ (Сура 63, ст.4) –РС л., , 149; АФ,069.

әрін ‘губа’, ‘губы’; *әждәрһа ағзінї ачті алтінгї әрніні фїр‘авн тахтїнїң алтїнда урдї ўстўнкї әрніні ... ўстўндә урдї* (30,27) ‘дракон раскрыл пасть и нижнюю губу положил под трон фараона, а верхнюю губу сверху положил’. –РСл., 1,766; Gab., 311 *irin*.

Омоним сўзларнинг англатган маънолари римча рақамлар билан ажратиб берилган:

јілкї I ‘лошадь’; ‘крупный рогатый скот’;

јілкї II ‘годовой’; төрт *јілкї* ‘четырёхлетний’.

Ёки:

јіг- I ‘собирать’;

јіг- II ‘удалять’, ‘отклонять’; ‘препятствовать’.

Мухими, феъллар ҳозирги ўзбекча луғатлардаги сингари инфинитив шаклда (*бормоқ, қайтмоқ* сингари) эмас, бош шаклида берилган. Одатда, бундай ўринларда феълларни уларнинг бошқа омонимларидан фарқлаш учун чизикча (-) қўйиб кетилади:

қар ‘снег’;

қар- ‘смешивать’, ‘мешать’.

Ёки:

туш ‘сон’;

туш- ‘падать’; ‘спускаться’; ‘останавливаться’; ‘случаться’.

“Туркий тафсир” δ - лашган ёдгорликлар туркумига киради. Шунга қарамай, асарда δ (яъни δ) билан келган туркий сўзлар $з, j$ билан ҳам келади: қудї~қузї~қужу – ҳозирги ўзб.: қуйи. Луғатда бундай вариантлар ҳам тўлиқ берилган. Қиёсланг:

қудуз (ср. қужуз) ‘колодец’;

қужуз (см. қудуз) ‘колодец’.

“Туркий тафсир” тилида синонимларнинг аралаш қўлланилгани эътиборни ўзига тортади. Масалан, асарда “хотин киши”, “хотин” маъносида урағут, хатун, ‘аўрат, ‘ајал, кіші, тіші; “қўл” маъносида әл, әліг, қол; “шаҳар” маъносида ел, улус, кәнт, урам, шәһәр, шәһрістан сўзлари қўлланилган.

Айниқса, асарда бир маъноли сўзларнинг жуфт ҳолда қўлланилгани муҳим. Бундай сўзларнинг айрим компонентлари бошқа тиллардан ўзлашган. Бир қарашда, бундай жуфтликлар бир маъноли сўзларнинг такроридай кўринса-да, аслида улар сўз маъносини кучайтиришга, янги тушунчалар англатишга хизмат қилади. Масалан: ew барқ. Бунда ew ҳам, барқ ҳам “уй” маъносида, бироқ жуфт ҳолда “уй-жой” маъносини беради. Бошқа мисоллар: қан қадаш – қон-қариндош, тоға көзсўз ёки қарағу көзсўз – кўр, кәнд улус – шаҳар, ортақ еш – дўст, ўртоқ. Ишлатилишига мисоллар: ewi барқі бәјт ул-муқаддасда әрді – уй-жойи байтул-муқаддасда эди (39,16); қані қадашіні терді – қон-қариндошини йиғди (28,20). Баъзида бундай жуфтликлар ja ‘нї сўзи билан изоҳланади: розі ja ‘нї јәмліг аш – насиба, яъни ейиладиган ош (2,5); әкін ja ‘нї данә – экин, яъни дон (64б,9).

Асар тилида ҳозирги туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида унутилган сўзлар ниҳоятда кўп. Бу ҳам бўлса асар тилининг қадимийлигидан далолат беради. Бундай сўзларга мисоллар: асіг – фойда, ашну – аввал, бурун, әт-өз – ўзлик, вужуд, јіг – касал, јалавач – пайғамбар, өгді – мактов, сү – лашкар, қўшин, тапуғ – хизмат сингари.

А.К. Боровковнинг ушбу луғатидан “Туркий тафсир” лексикаси, унинг тил хусусиятларига тегишли бўлган муҳим маълумотни йиғиш мумкин.

Уй иши:

“Древнетюркский словарь”ни синчиклаб ўрганиб чиқинг. Унда қадимги туркий сўзлар, сўзларнинг фонетик вариантлари, жуфт сўзлар, иборалар қай принципда берилганига эътибор қаратинг.

Талабаларнинг билимини текшириш учун сўроқ ва топшириқлар:

1. *Ҳозирги лугатларда ёзма ёдгорликлар лексикасининг берилиш принципларини тўғрисида сўзлаб беринг.*
2. *“Древнетюркский словарь” ва унинг тузилиш принциплари тўғрисида билганларингизни сўзлаб беринг.*
3. *Амалий дарс ҳисобидан ўқитувчи раҳбарлигида “Ёзма ёдгорликлар бўйича тузилган замонавий лугатлар” мавзуида илмий семинар ўтказинг. Семинарда слайд материалларидан унумли фойдаланинг.*

ҚЎЛЛАНМАДА ҲАВОЛА ЭТИЛГАН МАНБАЛАР ВА ИЛМИЙ АСАРЛАР

ДТС – Древнетюркский словарь. –Л., 1969.

МА – Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. Форс тилидан И. Бекжон таржимаси. –Т., 1993.

MBL – Мирзо Меҳдихон. Мабони ул-луғат. Форсийдан З. Умаров таржимаси. Нашрга тайёловчи Х. Алимова. –Т., 2008.

МК – Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. I–III томлар. –Т., 1960–1963.

MKUrumchi – مه هموت قه شقه ري. توركي تيلار ديواني. 1-3. نورومجي. 1983-1981.

MKH – *Mahmud al-Kāshgari*. Compendium of the Turkic Dialects (Diwān Luyāt at-Turk). Edited and Translated with Introduction and Indices by Robert Dankoff in Collaboration with James Kelly. Parts I–III. –Harvard. 1982–1985.

МКМосква – Маҳмуд ал-Кāшғари. Дивāн лугāt ат-турк (Свод тюркских слов). Перевод с арабского А.Р. Рустамова, под редакцией И.В. Кормушина. В 3-х томах. Том 1. –М., 2010.

МК.facsimile – *Kaşgarlı Mahmud*. Divanü Lugati't-Türk. Tıpkı-basım / Facsimile. –Ankara, 1990.

AZFT – Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия (Туркий тил (кипчоқ тили) ҳақида ноёб туҳфа). Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. –Тошкент, 1968.

KN – Мухаммед Якуб Чинги. Келур-наме. (староузбекско-таджикско-персидский словарь XVII в.) Введение, транскрипция и перевод текста, глоссарий, лексико-грамматический очерк, грамматический указатель А. Ибрагимовой. Ташкент, 1982.

KTT – Kitab-ı Mecmü-ı Tercüman-ı Türki ve Acemi ve Muğali. Reser Toparlı, M. Sadi Çögenli, Nevzat H. Yanık. –Ankara, 2000.

Tarjuman – “Таржумон” – XIV аср ёзма обидаси. Нашрга тайёрловчи А. Юнусов. –Тошкент, 1980.

DDT – Dictionnaire Djaghatai-turc. V. de Viliaminof-Zernof. –SPb., 1869.

Боровков 1961 – Боровков А.К. “Бадā’и’ ал-лугат”. Словарь Тāли’ Имāни Гератского к сочинениям Алишера Навои. –М., 1961.

Боровков 1963 – Боровков А.К. Лексика среднеазиатского тефсира XII–XIII вв. –М., 1963.

Исломов 1998 – Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асарининг қўлёзма манбалари ва арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матни (Тошкент қўлёзмалари асосида). Докторлик диссертациясининг автореферати. –Т., 1998.

Радлов 1890 – Радлов В.В. Кутадку-Билик. Факсимиле уйгурской рукописи. –СПб., 1890.

Sodiqov 2009 – Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. Toshkent, 2009.

Содиқов 2011 – Содиқов Қ. “Муҳокамату-л-луғатайн”ни ўқиб ўрганиш. –Т., 2011.

Убайдуллаев 2011 – Убайдуллаев А.А. “Луғати туркий”нинг лексикографик тадқиқи. Номзодлик диссертациясининг автореферати. –Т., 2011.

Ҳасанов 1981 – Ҳасанов Б. Алишер Навоийнинг “Сабъат абхур” луғати. –Т., 1981.

Ҳасанов 1989 (1) – Ҳасанов Б. Жавоҳир хазиналари (Алишер Навоий асарларига тузилган қўлёзма луғатлар). –Т., 1989.

Ҳасанов 1989 (2) – Ҳасанов Б. Принципы составления рукописных словарей к произведениям Навои. Автореферат докторской диссертации. –Т., 1989.

Xudoyberdiev 2011 – Xudoyberdiev J. Mahmud Koshg‘ariy hayoti va “Devonu lug‘otit turk” bo‘yicha yaratilgan asarlar ko‘rsatkichi. –Т., 2011.

Шарахмедова 1990 – Шарахмедова Н. Словарь “Хамса ба ҳалли луғат” как источник узбекской исторической лексикографии. Автореферат кандидатской диссертации. –Т., 1990.

Щербак 1962 – Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. –М.-Л., 1962.

Qurban Vali 1986 – قوربان ۋە لي. بيزنىڭ تارىخى يىزىقلىرىمىز 1986 ئۈرۈمچى.

ҚЎШИМЧАЛАР

ФАН ЮЗАСИДАН ОЧИҚЛАМА СЎЗЛИК

Лексикология – тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, тилнинг луғат таркибини, сўз бойлиги, сўзларнинг маъносини ўрганади. Лексикология ўз ичида *семантика, семасеология, этимология, лексикография* бўлимларига бўлинади.

Семантика, семасеология – сўзнинг луғавий маъносини ўрганувчи бўлимдир. *Семантика* атамаси кенг маънода бадий матнга (кўпинча шеърга) нисбатан ҳам қўлланади. Маъсалан, *газал семантикаси – газал маъноси; туюқ семантикаси – туюқ маъноси* сингари. Турколог И.В. Стеблева Бобур шеърларининг маънолари, бадий-стилистик таҳлилига бағишланган китобига “Семантика газелей Бабура” деб от қўйиб, ярашиғли йўл тутган.

Этимология – сўзларнинг келиб чиқишини ўрганади.

Лексикография – сўзларни рўйхатга олиш, луғат тузиш принципларини, йўл-йўриқларини ўрганувчи фандир. *Тарихий лексикография* ёки *Лексикография тарихи* – луғатчиликнинг шаклланиш тарихи, унинг юксалув босқичлари, ўтмишда яратилган луғатлар, уларнинг ўзига яраша қирраларини ўрганди.

“ТАРИХИЙ ЛЕКСИКОГРАФИЯ” ФАНИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Тузувчи: профессор Қ.СОДИҚОВ

Кириш

“Тарихий лексикография” фани ўзбек тилшунослиги тарихида луғатчилик анъанасининг шаклланиши ва унинг тарихий тараққиёти, тарихий луғатларнинг турлари, уларнинг тузилиш принциплари, луғатларда сўзларнинг изоҳланиш йўллари, шунингдек, тил тарихида сўз ва унинг маъносига муносабат, тарихий грамматик асарларда лексикологияга тегишли билимларнинг берилиши сингари лингвистик масалаларни қамрайди. Ушбу фан “Ўзбек тили тарихи” фанини тўлдиради, талабаларнинг лексикография тўғрисидаги билимларини чуқурлаштиради.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан **мақсад** – тилшунослик тарихида луғат тузиш анъанасининг юзага келиши, унинг тарихий тараққиёти, тарихий луғатларнинг турлари ва тузилиш принциплари, сўзларнинг изоҳланиши, грамматик асарлардаги лексикология ҳақидаги билимларнинг берилишини ўргатишдан иборат.

Фаннинг **вазифаси** – ўтмишдан бизгача етиб келган луғатларни ўқиб ўрганиш, уларни ҳозирги ўзбек тилига ағдариш учун етарли билимларни шакллантириш, луғатлар устида тадқиқотлар олиб боришни ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Тарихий лексикография” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- туркий тилшунослик тарихида луғатчилик анъанасининг юзага келиши ва унинг тарихий тақомилини;
- луғатларнинг тузилиши, уларда сўзларнинг изоҳланиш йўллари *билиши керак*;
- тарихий луғатлар бўйича тадқиқотлар олиб бориш *кўникмасига эга бўлиши*;
- луғатларни ўқиб, сўз маъносини тўғри англаши ва ҳозирги ўзбек тилига ўгира олиши;
- классик луғатларнинг моҳиятини англаб, уларни тўғри талқин қила олиш *малакасига эга бўлиши керак*.

Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Тарихий лексикография” танлов фанлари каторида туради. Ушбу фанни ўзлаштириш учун талабанинг ўқув режасида кўзда тутилган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар (Ўзбекистон тарихи, ғарб тиллари, ўзбек тили), математик ва табиий-илмий фанлар (география, этнография), умумқасбий фанлар (эски туркий ёзувлар, ўзбек тили тарихи, тилшуносликка кириш в.б.) ва ихтисослик фанларидан етарли билим ҳамда кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Фаннинг гуманитар фанлар тизимидаги ўрни

Мактабгача таълим муассасаси, ўрта умумтаълим мактаби, академик лицей, касб-хунар коллежларида ҳамда ЎзР ФА Шарқшунослик институти, Тил ва адабиёт институти, Тарих илмий текшириш институтларида фаолият олиб борилганда “Тарихий лексикография” курсидан олинган билимлар қўл келади. Шунинг учун ушбу фан муҳим саналиб, мумтоз филология таълим йўналиши бўйича бакалавр тайёрлаш босқичининг ажралмас бўғинидир.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологияларни қўллаш

Илми толибларнинг “Тарихий лексикография” фанини ўзлаштириши учун ўқитишнинг илғор ва етакчи усуллари қўллаш, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг билан бирга, мумтоз филология мутахассисларини тайёрлашда ўтмишда ота-боболаримиз томонидан яратилган илғор таълим усуллари, нотиқлик санъати, балоғат билими масалаларини эгаллаш, ёзма адабий тил, адабий тилнинг услубий имкониятларидан усталик билан фойдаланиш маҳоратини сингдира бориш талаб этилади.

Фанни ўқитиш жараёнида дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, дарс йўруғлари, тарқатма материаллар ва кўргазмали қуроллардан фойдаланилади.

Асосий қисм

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Кириш. “Тарихий лексикография” фанининг мақсад ва вазифалари. Фаннинг ўрганиш доираси. Унинг бошқа фанлар қаторида эгаллаган ўрни.

Фанни ўрганишда асосий манбалар: ўтмишда яратилган луғатлар, грамматикага оид асарлар, ёзма ёдгорликлар.

Лексикография тарихини ўрганишнинг метод ва усуллари.

Туркий тилшунослик тарихида яратилган луғатлар ва уларнинг тузилиш принциплари

Туркий тилшунослик тарихида луғат тузиш анъанасининг шаклланиши ва тарихий тараққиёти масаласи. Энг эски луғатлар. Илк ўрта асрларда туркий тил бўйича тузилган луғатлар, грамматик асарларнинг узиндилари.

Маҳмуд Кошғарий ва унинг “Девону луғатит турк” асари. Асарнинг тузилиши, унда сўзларнинг берилиш принциплари. Луғатда сўзлар маъносини изоҳлаш йўллари.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асари, унинг луғат қисми. Луғатнинг тузилиши, унинг принциплари. Луғатдан ўрин олган туркий сўзлик ва унинг туркий лексикография тарихидаги аҳамияти.

XIV асрда араб ўлкаларида туркий тилларни ўрганиш бўйича тузилган луғатлар ва грамматик асарлар. Мисрда ёзилган грамматика ва луғатлар.

“Китоб-и мажму-и таржумон-и туркий ва ажамий ва мўғулий” асари ва унинг тузилиши.

“Аттуҳфату-з-закийату филлиғатит туркийя” ва унинг тузилиши.

XV-XIX юзйилликларда Навоий асарлари, эски ўзбек тили бўйича тузилган луғатлар ва грамматик асарлар.

Толи Имоний тузган “Бадойиу-л-луғат” асари.

Муҳиб Али Шомлунинг “Луғат-и Навоий” асари.

“Абушқа” луғати ва унинг тузилиши, сўзларнинг изоҳланиш йўллари.

Фазлуллахоннинг “Луғат-и туркий” асари.

Мирза Маҳдихоннинг “Санглоҳ” луғати.

“Китоб-и луғат-и атрокийя”.

“Келурнома” луғати.

Ҳозирги лексикография

Ҳозирги туркшуносликда тузилган луғатлар. Ҳозирги луғатларда ёзма ёдгорликлар лексикасининг берилиш принциплари. “Древнетюркский словарь” ҳақида маълумот.

Бугунги ўзбек лексикографияси. Ўзбек тилшунослигида классик асарлар бўйича тузилган луғатлар.

Амалий машғулотларни уюштириш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

1. Лексикография ҳақида тушунча. Шарқ тилшунослиги, хусусан, туркий тилшунослик тарихида луғат тузиш анъаналарининг шаклланиши.

2. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарини тўлиқ ўрганиб чиқиш. Унинг тузилиши ва сўзларнинг изоҳланиш йўллари тўғрисида маълумотга эга бўлиш.

3. Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асари ва унинг луғат бўлимини ўрганиб чиқиш.

4. Навоийнинг “Муҳокамату-л-луғатайн” асарини ўрганиш. Муаллифнинг сўз ва унинг маъноси тўғрисидаги билимларни синчиклаб ўрганиш, уларни семантик жиҳатдан таҳлил қилиш.

5. XV-XIX юзйилликларда Навоий асарлари, эски ўзбек тили бўйича тузилган луғатлар ва грамматик асарлар таҳлили.

6. Эски туркий луғатларнинг араб ёзувларидаги нашрлари, транскрипцион нашрларидан олиб улардан тарқатма материаллар, слайдлар тайёрлаш ва амалий машғулотлар чоғида улардан фойдаланиш.

7. Интернет сайтларидан туркология, хусусан, лексикография бўйича эълон қилинган матнларни излаб топиш ва улардан дарс давомида фойдаланиш.

Мустақил топшириқларни уюштиришнинг шакли ва мазмуни

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарини ўқиб ўрганиш.

Навоийнинг “Муҳокамату-л-луғатайн” асарини ўрганиш.

XV-XIX юзйилликларда Навоий асарлари, эски ўзбек тили бўйича тузилган луғатлар ва грамматик асарларни ўрганиш.

Талабалар мустақил топшириқларни тайёрлаш жараёнида қуйидаги кўрсатмалардан фойдаланиши тавсия этилади:

- дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари ва дарс йўруғларидан фан мавзуларини ўрганиш;
- луғатчилик тарихи билан боғлиқ мавзуларни ўзлаштириш;

Мустақил топшириқларнинг мавзулари:

1. Луғатлар ва уларнинг турлари.
2. Туркий луғатчилик тарихи.
3. “Девону луғатит турк”.
4. “Муқаддамату-л-адаб”.
5. XIV–XIX асрларда яратилган луғатларни ўрганиш.
6. Ҳозирги туркшуносликда луғатчилик.
7. “Древнетюркский словарь”да сўзларнинг берилиш ва изоҳланиш принциплари.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Ушбу фанни ўргатиш чоғида ўқитишнинг замонавий усуллари ва ахборот технологияларини қўллаш кўзда тутилган.

- Луғатчилик тарихига боғлиқ мавзуларни ўзлаштиришда компьютер технологиялари кўмагида тақдимот ва электрон-дидактик воситалар қўлланилади;

- “Муҳокамату-л-луғатайн”ни ўтганда ўқитишнинг етакчи педагогик технологияларидан фойдаланилади;

- “Девону луғатит турк” билан боғлиқ мавзуда компьютер технологиялари кўмагида тақдимот ўтказилади ва электрон-дидактик ҳамда ўқитишнинг янги педагогик технологиялари қўлланилади.

Ўқиш учун тавсия этиладиган китоблар

Энг керакли китоблар:

1. Алиев А., Содиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. –Т., 1994.
2. Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. –Т., 2006.
3. Rahmonov N., Sodiqov Q. O‘zbek tili tarixi. –Toshkent, 2009.
4. Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. –Toshkent, 2009.

Қўшимча китоблар:

1. Аттуҳфатуз закияту филлугатит туркия (Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб туҳфа). Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. –Тошкент, 1968.
2. Dictionnaire Djaghatai-turc. V. de Viliaminof-Zernof. –SPb., 1869.
3. Древнетюркский словарь. –Л., 1969.
4. Мухаммед Якуб Чинги. Келур-наме. (староузбекско-таджикско-персидский словарь XVII в.) Введение, транскрипция и перевод текста, глоссарий, лексико-грамматический очерк, грамматический указатель А. Ибрагимовой. –Т., 1982.
5. Kitab-ı Mecmü-i Tercüman-ı Türki ve Acemi ve Muğali. Recer Toparlı, M. Sadi Çögenli, Nevzat H. Yanık. –Ankara, 2000.
6. “Таржумон” – XIV аср ёзма обидаси. Нашрга тайёрловчи А. Юнусов. –Т., 1980.
7. Махмуд Кошгарий. Девону луготит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. I–III том. –Т., 1960–1963.
8. Мирзо Меҳдихон. Мабони ул-лугат. Форсийдан З. Умаров таржимаси. Нашрга тайёловчи Х. Алимова. –Т., 2008.
9. Kaşgarlı Mahmud. Divanü Lugati’t-Türk. Tıpkibasım / Facsimile. –Ankara, 1990.
10. ‘Ali Şir Nevayî. Muhakemetü’l-luğateyn (İki Dilin Muhakemesi). Hazırlayan F. Sema Barutçu Özönder. –Ankara, 1996.
11. Умаров Э. Эски ўзбек лугатлари. –Т., 1992.
12. Содиқов Қ. “Муҳокамату-л-лугатайн”ни ўқиб ўрганиш. –Т., 2011.
13. www.turkolog.ru

Қайдлар учун:

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
БИРИНЧИ МАВЗУ	
“Кириш”	4
ИККИНЧИ МАВЗУ	
“Маҳмуд Кашғарийнинг “Девону луғатит турк” асари”	8
УЧИНЧИ МАВЗУ	
“Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асари”	19
ТЎРТИНЧИ МАВЗУ	
“XIV–XV юзйилликларда туркий тил бўйича араб тилида яратилган луғатлар ва грамматик асарлар”	24
БЕШИНЧИ МАВЗУ	
“XV–XVI асрларда “чиғатой туркийси” бўйича яратилган луғатлар ва грамматик асарлар”	32
ОЛТИНЧИ МАВЗУ	
“XVII–XIX асрларда яратилган луғат ва грамматик асарлар” ..	56
ЕТТИНЧИ МАВЗУ	
“Ҳозирги тилшуносликда туркий ёзма ёдгорликлар бўйича яратилаётган луғатлар”	69
Қўлланмада ҳавола этилган манбалар ва илмий асарлар	76
ҚЎШИМЧАЛАР	
Фан юзасидан очиқлама сўзлик	78
“Тарихий лексикография” фанининг ўқув дастури.....	78
Ўқиш учун тавсия этиладиган китоблар	84

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

ТАРИХИЙ ЛЕКСИКОГРАФИЯ

*5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (мумтоз тиллар
бўйича) йўналишининг талабалари учун ўқув қўланма*

Техник муҳаррир:

М.М. Зарифов

Компьютер версткаси:

Р. Алимухамедов

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2013 йил 19 апрелдаги 128- сонли буйруғига асосан
нашрга тавсия этилган (рўйхатга олиш рақами 128-094)*

Босмахонага 2013 йилнинг 8 октябрида топширилди.

2013 йилнинг 15 октябрида босишга рухсат этилди.

Бичими: 60x84 ¹/₁₆. “Times New Roman” гарнитурасида офсет
босма усулида босилди. Кўлами 5,5 босма табоқ. Сони 100 та.

Тошкент давлат шарқшунослик институти,
100197, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй.